O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Milliy tiklanish — millat kelajagi

Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2005 yil, 28 oktabr, Juma

20 (326) son

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ЧИЛАР МУЯССАР РАЗЗОҚОВА ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова миллий ва жаҳон опера санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшган санъаткор. Унинг тимсолида ўзбек опера санъати жаҳоннинг нуфузли саҳналаридан муносиб ўрин олмоқдаки, булбулларни-да лол қолдирувчи овози сеҳри санъат мухлислари қалбларига олам-олам завқу шавқ бахш этаётир. Ҳа, Оллоҳ таоло унга бетакрор истеъдод ҳадя этган.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзолари, партия Марказий кенгаши, партиямизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари унинг ижодини доимо қизиқиш билан кузатиб келишмоқда. Ўн минглаб «Миллий тикланиш»чилар сафларида Муяссар Раззоқовадек маслакдошлари борлигидан ҳақли равишда фахрланадилар.

Куни кеча ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов бошчилигидаги бир гуруҳ партиядан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар, партия Марказий кенгаши котиблари ва аъзолари Алишер Навоий номли опера ва балет катта театрида Муяссар Раззоқова ҳузурида бўлиб, уни ижодий ютуқлари билан самимий табрикладилар.

Юзлаб томошабинлар ҳузурида бўлиб ўтган қутлов тантанаси йиғилганларда яхши таассурот қолдирди. Ўз навбатида Муяссар Раззоқова ҳам зиёлилар партияси бўлмиш «Миллий тикланиш» аъзолари сафида бўлиши доимо унга ғурур бахш этишини айтиб, партиядошларнинг бу ташрифи унга илҳом бахш этажагини билдирди.

(Ўз мухбиримиз)

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат

ЎҚУВ СЕМИНАР ТАЖРИБАСИ

Яқинда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши ташаббуси билан илмий-амалий ўқув семинар ўтказилди.

Семинар ишида партия Марказий кенгаши раҳбарлари, Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгаши депутатлари, вилоят ва туман кенгашларининг раислари ва мазкур институт ходимлари ҳам қатнашдилар.

Семинар ишини кириш сўзи билан очган партия Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов илмий-амалий семинар мавзуи, уни ўтказишдан мақсад ва вазифаларга тўхталди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори ўринбосари Адҳам Ҳамдамов ҳамкорликда ўтказилаётган семинар иши ўзаро тажриба алмашишда яхши самара беришига умид билдирди. Партия Марказий кенгаши аъзоси Муқимжон Қирғизбоев «Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ва фуқаролар сиёсий фаоллигини оширишдаги ўрни» мавзуида маъруза қилди.

Партия иш ва ўқишда ўсади

Маърузачининг жонли суҳбат тарзидаги мулоқоти йиғилганларнинг диққат-эътиборини тортди. У шарқ ва ғарб дунёсидаги сиёсий партияларнинг иш тажрибалари ҳақида кенг маълумот берди. «Партия ўз лидерларига эга бўлиши керак, лидерларни партия тарбиялаши лозим. Президентимиз дадил ва ошкора иш юритувчиларни, фикрлаш қобилияти теран, маънавий дунёси кенг, ҳаракатчан ва иродали лидерларни ҳаммавақт ёқлайдилар, ибрат қилиб кўрсатадилар», деди нотиқ. Маърузадан сўнг семинар қатнашчилари билан маърузачи ўртасида кўтарилган масалалар юзасидан қизғин баҳс-мунозара бўлиб ўтди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши аъзоси, партиянинг мафкуравий ишлари бўйича котиби, «Миллий тикланиш» газетаси бош муҳаррири Иброҳим Ғафуров ўз маърузасини партиянинг мафкуравий, сиёсий-ташкилий ишларини кўриш ва янги шароитда жонлантиришга бағишлади. Партиянинг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган ўқув-семинар жуда фойдали эканлиги, бундай ўқишларни жойларда ҳам мунтазам ўтказиш зарурлигига эътиборни қаратди. «Халқимиз ўз Конституциясига эга халқ. Конституцияни дастуримизнинг қон томири деб биламиз. Партия омма ичига дадил кириб бориши учун ўз дастуридан, Конституция нормаларидан изчил фойдаланмоғи зарур. Айни пайтда халққа, унинг кўмакка муҳтож қатламига ёрдам бериш иш услубимизнинг таркибий қисми бўлиши даркор», дея таъкидлади. Иброҳим Ғафуров газетанинг бош муҳаррири сифатида «Миллий тикланиш» газетасининг бугунги кундаги аҳволига танқидий баҳо берди.

(Давоми 2-бетда).

ТАРАҚҚИЁТИМИЗГА МЕЗОН

«Давлат тили-фахримиз, ғуруримиз» иншолар танлови

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуни 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган. Унга 1995 йил 21 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган эди. Дастлаб Қонун қабул қилинган кун — 21 октябр ўзбек тили куни сифатида байрам қилиниб келинмоқда.

Тил — ҳар бир миллатнинг бебаҳо мулки, ҳис-туйғулари, руҳияти, қалбининг таржимонидир. Ўз вақтида Навоий бобомиз ўта куюнчаклик билан ўзбек тилининг мақомини кўтаришга интилган, унинг давлат тили даражасида қўлланилиши йўлида заҳматлар чеккан эди. Ўзбек тилининг афзалликларини ўзида намоён эта олган «Хамса» асари ўз даврининг воқеасига айланди. Ўша пайтда ҳукмдор бўлган шоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни ўзининг оқ отига миндириб назм мулкининг султони сифатида шарафлагани ҳам бежиз эмас.

Ўзбек тили ниҳоятда гўзал ва равон тил. Шунинг учун бўлса керак, мустақилликка эришганимиздан кейин ўзбек тилига қизиқиш билан қарайдиганларнинг сафи янада кенгайди. Ўзбек тилини тез фурсатларда ўрганишга имкон топиб, шу тилда сўзлашишга уринаётганлар жуда кўп. Тил ҳар бир халқнинг қалби ва руҳининг ифодачиси экан, тил билганлар ҳам дилга яқин бўлади-да!

Қонун ва унинг мазмун-моҳиятини тўлиқ ҳис этиш учун уни такрор-такрор ўқиб, ўрганиш ҳар биримизнинг бурчимиз, одатимизга айланишини истардим.

Бу қонун фуқароларнинг эркинлигини таъминловчи ҳужжатдир, унда айни пайтда давлат тили бўлган адабий тилнинг софлиги, унинг амалдаги илмий қоидалари ва меъёрлари эътиборга олинган.

Партиямиз мустақилликнинг фарзанди. Унинг номи эшитган кишига миллий руҳ бағишлайди. Миллатимизнинг фахри, ғурури, туйғуларининг ифодачиси бўлмиш ўзбек тилининг равнақи йўлида чинакамига тер тўкиш — ғайрат билан ишлаш фурсати келди.

(Давоми 2-бетда).

ҲУШТАКНИ КИМ ЧАЛАДИ?

Мамлакатимизда ўзбек тили байрамини нишонлаш яхши анъана тусини олди. Бу куни пойтахт кўчалари янада чароғонлашади, гавжум чорраҳаларга «Тил — миллат кўзгуси», «Тилга эътибор — элга эътибор», «Она тилим — жону дилим» ва шу каби бошқа кўплаб шиорлар осиб қўйилади. Турли корхоналар, жамоат ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳатто мактабгача тарбия муассасаларида ҳам тил байрамига бағишланган маросимлар ўтказилади. Таклиф этилган шоир ва ёзувчилар нутқ сўзлашади, оташин шеърлар ўқилади. Тилшунос олимларимиз тилимиз ривожи билан боғлиқ ютуқларни, нашр этилган китобларни, қаерда қандай анжуман ўтказилгани-ю, олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини санаб, кўнгилни хотиржам қиладилар. Шу куни радио ва телевидениеда байрам муносабати билан махсус эшиттириш ва кўрсатувлар ташкил этилади, газеталаримизда олимлар, мутахассисларнинг мақолаларини ўқиш мумкин бўлади.

Байрам ўтгач, ҳамма яна ўз иши, кундалик турмуш ташвишлари билан банд бўлиб кетади. Ҳадемай, навбатдаги байрам яқинлашади.

Гинахонликни ўзимиздан бошлаганим маъқул. Биргина тил байрами эмас, бошқа байрам ва саналарда ҳам матбуотимиз айни шу ҳақда ёзишга бошлайди, ҳаммамиз бирданига ёза бошлаймиз, бутун эътиборни бир нуқтага қаратамиз. Гапимиз қуруқ бўлиб қолмасин, шу кунларда бирорта нашрда мамлакат Конституцияси — Асосий қонунимиз, унинг ҳаётимиздаги ўрни, аҳамияти тўғрисида мақола борми? Йўқ, чунки Конституция байрамига ҳали анча вақт бор. Имон-эътиқод, ҳалоллик, поклик, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, Яратган эгамга шукроналар айтиш, фоний ва боқий дунё саодатига эришмоқлик тадориги тўғрисида фақат Рамазон ойида қўлга қалам оламиз. Ватан ҳимояси, миллий армиямизнинг бугунги мақсад ва вазифаларини йил бошида, хотин-қизларимизнинг ижтимоий фаолияти, давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки, Наврўз умумхалқ байрамининг ўзига хос хусусиятларига доир мулоҳазаларимизни эса баҳоргача асраб турамиз.

Нега шундай қиламиз? Нега энди фақат байрам кунлари бир-биримизга ҳисобот берамиз, ютуқларимизни санаб, бўрттириб, бир-биримизни овутамиз?

Бир қарашда, хавотирга тушадиган жойи йўқ. Ҳаётимизда жиддий ўзгаришлар бўлаётганига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Она тилимизнинг бугунги мақоми билан унинг бундан ўн беш йил аввалги ҳолати орасида ер билан осмонча фарқ бор. Шубҳасиз, кўп ишлар қилинди, кўп режалар бажарилди. Саксонинчи йилларнинг охирида тилимизнинг майиб ва мажруҳ аҳволидан сўз юритганларни миллий маҳдудликда айблаганлар бугун тил байрами маросимларининг фаол иштирокчилари ва ҳатто, ташаббускорлари бўлиб туришибди. Ўша йиллари, бошқасини қўя турайлик, биргина «Тилга эътибор — элга эътибор» деган рукнимиздан хато топишга чоғланганлар бугун ўзбек тилининг бекиёс имкониятлари тўғрисида мароқли маърузалар қилмоқдалар. Бас, шундай экан, тил байрамини кўтаринки руҳда ўтказишга, ҳарқалай, ҳақлимиз. Аммо...

Масалага бошқа жиҳатдан ёндошсак-чи? Тасаввур қилинг — ўтган йиллар давомида эришган ютуқларимизни, амалга оширган ишларимизни эмас, эришмаган, бажармаган, эътиборимиздан четда қолган, беписандлигимиз оқибатида юзага келаётган муаммоларни, бой берилган имкониятларни ва бу бепарволигимизнинг нохуш оқибатларини ҳисоб-китоб қилсак-чи? Имконият қандай эди-ю, биз ундан қандай фойдаландик, қайси режаларимиз бажарилди, қайсилари эса қоғозда қолиб кетди — шулар тўғрисида фикр юритсак-чи?

Ушбу мулоҳазаларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган «Телевидение ва радиода тил маданияти» мавзуидаги семинарда қатнашганимдан сўнг қоғозга тушира бошладим. Нотиқлар телевидениемиз кўрсатувлари, хусусий радиоканаллар эшиттиришлари, газета ва журналларда чоп этилаётган мақолаларнинг тили мисолида тил байрамини кўтаринки руҳда ўтказишга ва бу борада хотиржам бўлишга ҳали жуда эрта эканлигини таъкидладилар. Якдил фикрга кўра, телевидениемизда, айниқса, хусусий радиоканалларда она тилимизга беписандлик, имло ва талаффуз қоидаларини қўпол равишда бузиш одатга айланиб бормоқда. Бу тўғрида матбуотда ёзилаётган кўпдан-кўп жўяли мақолалар, куюнчак газетхонларнинг изза қилувчи луқмалари самара бермаяпти.

Дилимиздаги тилимизда

Радиобошловчиларнинг очиқдан-очиқ бебошлиги, саводининг ғўрлиги, бунинг устига ошкора шилқимлиги, тингловчилар олдидаги масъулиятини мутлақо ҳис этмаслигига тоқат қилиб бўлмайди. Реклама роликларининг саводсизларча тайёрланишига, қайси тилда сўзлаётганлигини афтидан ўзи ҳам билмайдиган айрим рекламачи-сухандонларнинг қоришиқ талаффузига ва реклама деса ўзини томдан ташлашга ҳам тайёр баъзи номдор ижодкорларимизнинг асабни ўйнатувчи бачкана қилиқларига наҳотки кўниккан бўлсак, наҳотки оримиз келмаётган бўлса?

Эстрада йўналишида ижод қилаётган ёш хонандаларни кўкларга кўтариб, ўринсиз мақтаётганимиз, ҳаётида ҳали бирорта рўмолчани кир қилишга улгурмаган ҳаваскор ижрочиларни бу ёруғ оламнинг чароғон юлдузларига қиёслаётганимиз ва бу ҳамду саноларимиз орадан кўп ўтмай қандай «самара» бераётгани кўпчилигимизга кундай равшан бўлиб турибди-ку, босар-тусарларини билмай қолишларига сабаб бўлмоқда-ку! Минерал сув, дори-дармон рекламасидаги саводсизлик — улуғ она тилимизнинг шаънини, миллат маънавиятини тупроққа қориш эмасми?

Пойтахтимизда, вилоят марказларида фаолият юритаётган телевидение ва радиоканалларда маза-матрасиз, очиқчасига беҳаё, енгилтак ҳаётни, баъзан эса хиёнатни тарғиб қилувчи қўшиқлар бизга тушунарсиз бошқа бир тилда эмас, айни ўзбек тилида янграмоқда, фарзандларимиз онг-шуурига сингмоқда ва улар эртага айни шу қўшиқлардан «ибрат» оладилар, шу қўшиқлардаги даъватларга эргашадилар.

Ҳар гал бу муаммолар муҳокама этилганида, савол туғилади, хусусий радиолар, тижорат йўналишидаги газета ва журналлар фаолиятидаги бундай асаббузарликка қандай қилиб барҳам бериш мумкин? Олий Мажлисимизда бўлиб ўтган семинарда ҳам шундай оғриқли саволлар ўртага қўйилди. Нотиқлар тил қоидаларининг бузилиши, саҳна ва эфирдаги бемазагарчиликларга доир ўнлаб, юзлаб мисоллар келтирдилар, муҳокама якунида эса кўпчиликнинг фикри бир саволга жамланди: нима қилиш керак?

Шу савол ўртага тушиши билан, устоз Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур гапи ёдимизга тушади: йўл қоидасига амал қилмай келаётган бебош ҳайдовчини назоратчи ҳуштак чалиб тўхтатади, қоиданинг қайси бандини бузганлигини тушунтириб, жаримага тортади. Нега энди тилимизни бузаётганлар, эфир ҳавосини айнитаётганлар ва бу билан маънавиятимизга, ёшлар тарбиясига жиддий зарар етказаётганларга нисбатан ҳам шу усулни қўллаш мумкин эмас?

Шу ўринда аччиқ бир ҳақиқатни айтиб ўтишга тўғри келади. Тижорат мақсадларида ташкил этилган хусусий радиолар, нашрлардан, аслида, ўпка қилмасак ҳам бўлади, негаки улар учун тил ва талаффуз қоидаларига амал қилиш муҳим эмас, даромад топиш муҳим. Гап даромадда! Бундай нашрлар айни шу мақсадда ташкил этилган. Буни яшириб ўтиришмайди ҳам. Така бўлсин — сут берсин. Пули келиб турса, битта тили чўлтоқ рекламани (Масалан, кофе тарғиботини, лотерея ўйинига даъватни ва ҳоказо.), миллий маънавиятимизга, одоб-ахлоққа зид кўринишли «клип»ларни кунига эллик марта, юз марта қайтариш мумкин. Қизиқроқ кинофилм қўйилаётган бўлса, ҳатто ҳар беш дақиқа ўтмасдан орага суқилиш мумкин. Қўшиқ матни, тасвир нўноқлиги билан кимнинг иши бор, мусиқаси гиж-бадабанг бўлса бас, такрор-такрор эфирга узатилаверади. Бу даъватларга амал қилинадиган бўлса, ҳаммамиз ишни йиғиштириб, эртадан кечгача лотерея ўйнашимиз, телевидениенинг «Ёшлар» каналига аллақандай рақам қаторларига тўхтовсиз SMS хабарлари жўнатишимиз керак бўлади. Демакки, гап фақат бошловчиларда эмас, улар ортида турган муассис акахонларда! Тил ва талаффуз муаммоларига, реклама саводсизлиги ва тазйиқига бағишланган йиғилишларга ана ўша акахонлар ва рекламахонларни ҳам таклиф этиш керак.

Бундан бир неча йиллар бурун қатор корхона ва муассасаларда ўзбек тилини ўрганиш курслари ташкил этилиб, бунга эҳтиёж сезганлар зарур даражада савод чиқариб олганларини яхши биламиз. Негадир бу олижаноб ишлар изчил давом эттирилмади. Тил, имло ва талаффуз қоидалари билан боғлиқ савод машғулотлари бугун, бошқаларни қўя турайлик, ўзимизга зарур бўлиб қолди. Бу гапнинг мутлақо муболағаси йўқ. Нега деганда, жонли тил амалиётида қусурлар, таассуфки, кўпайиб бормоқда. Имлода қайси қоидага амал қилишни билмаймиз. Бу масъулият зиммасига юкланган ҳурматли олимларимиз сусткашлик қилаётган эканлар, эринмаган ҳар бир нашр, ҳар бир қаламкаш ўзича «қоида» кашф этиб ётибди. Давлатларнинг номлари олақуроқ бўлиб кетди: Болгария — Булғория, Корея — Қурия, Франция — Фарангистон, Россия — Русия, Ўрисия, Ўрисистон. Меҳмонни ҳамон отадан улуғ деймиз, кампирнинг дарди «ғозада» эмас, «ғўзада». Ўғрилар эгасиз хонадонларга ҳамон «ташриф» буюришмоқда. Тўй-ҳашамларимизга дўст-қадрдонларимизни «лутфан» таклиф этмоқдамиз. Раҳматли Кибриё Қаҳҳорова умрларининг охиригача камида юз бора айтганлари, ёзганларига қарамай, «Исми, отасининг исми» дейиш ўрнига ҳамон «Исми, шарифи», баъзан эса бундан ҳам кулгили — «Исми, отасининг шарифи» деб ёзаяпмиз. Врач тавсия қилган дорини ичмаймиз — «қабул қиламиз», футбол ўйинида тўпни рақибларга олдириб қўйишга «муваффақ» бўламиз. Тилимиз жонкуярларидан бири, ёзувчи, журналист Шарофиддин Кўнчи (Оллоҳ раҳмат қилсин) билиб-билмай ишлатаётган сўз ва ибораларимиз тўғрисида куюнчаклик билан неча ўнлаб мақолалар ёздилар, хатоларимизни кўрсатиб турдилар. У киши айтганларидек, дўст-қадрдонларимизни «самимий» ёки «сидқидилдан» табриклаганимиз маъқул, «чин қалбдан» десак, ўрисча «от всего сердца»-нинг қуруқ таржимаси бўлиб қолади. «Сутни қайта ишлаш заводи» эмас, «Сут заводи», «Пахта тозалаш заводи» эмас, «Пахта заводи» бўлиши керак. «Урғулайди» эмас, «урғу беради». «Барқарорлик» ёки «беқарорлик» деган сўзларимиз турганда «нобарқарорлик» дейиш мутлақо ўринсиз, бундай сўз тилимизда йўқ. «Молиялаштириш» эмас, «маблағ билан таъминлаш». «Думалоқ стол атрофида суҳбат бўлиб ўтди» деган жумла икки оламда таомилга кирмайди. Бозорда сотувчилар «почин» дейди, ўзбекча «бай очиш» демайди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бундан кўринадики, тилимизнинг ривожи, сўз ва ибораларнинг тўғри, ўринли ишлатилиши беистисно ҳар биримиз учун (жумладан, ушбу сатрлар муаллифи учун ҳам) бир умрлик вазифадир. Тил бойлигимизни, унинг беқиёс ва адоқсиз имкониятларини, сўзлар, иборалар қатига яширинган турфа хил маъноларни тўла ўзлаштириш жараёни бир эмас, бир неча авлодлар ҳаётида узлуксиз давом этсагина, мақсадга эришиш мумкин бўлади. Бинобарин, тил маданияти, нутқ маҳорати, талаффуз қоидалари тўғрисида фақат байрамлардагина эмас, ҳамиша, ҳар куни, ҳар дақиқада ўйлашимиз, бу борадаги билимларимизни тинимсиз бойитиб, такомилга етказиб боришимиз зарур. Ахир, тилни бузиш элни бузиш дегани эмасми?!

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

2006 ЙИЛ ОБУНАСИ

«Миллий тикланиш» газетасига «Ўзбекистон почтаси», «Матбуот тарқатувчи» бўлимлари, «Миллий тикланиш» демократик партияси вилоят, шаҳар, туман кенгашлари орқали обуна бўлиш мумкин.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ИНДЕКСИ: 158

ЎзМТДП вилоят ва туман кенгашлари, партия фаоллари ва хайрихоҳлари, муштарийларимиз диққатига!

«Миллий тикланиш» газетасига 2006 йил учун обуна уюштиришда қатнашиб, туман кенгашлари ва фаоллари, хайрихоҳлари, муштарийлари йиллик обуна миқдорини 50 донадан, вилоят кенгашлари эса 200 донадан оширса, ташкил қилган жами обунаси учун ҳар дона газетага 750 сўмдан мукофот пули берилади.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши «Миллий тикланиш» газетасига жойларда обуна уюштириш, унинг мазмундорлиги ва мундарижасини бойитишга катта ҳисса қўшган партиянинг вилоят кенгашларини йил якунида алоҳида қимматли совғалар билан тақдирлайди.

ГАЗЕТАМИЗ САФАРДА

ЖОЙЛАРДА «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» КУНЛАРИ

Пахта миллий бойлигимиз, пахта топшириш бўйича режаларнинг бажарилиши эса миллатимиз учун байрамдай эканига Наманганда бўлганимизда яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Кейинги ўн йилда биринчи маротаба вилоят пахтакорлари режани бажарса-ю, қувонмай бўладими! Тўғриси, пахтакорлар ғалаба завқини суришни ҳам унутаёзган экан. Қайси хўжаликка, қайси туманга бормайлик кишилар чеҳрасида қувноқлик, завқу шавқни кўрдик.

Учқўрғон вилоятда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган туман. Туманнинг табиати ҳам ўзига хос. Баҳори бошқаларникидан ўн-ўн беш кун кечроқ келади. Қирғизистон тоғлари яқинлиги боис ҳаво ҳарорати ҳам вилоят марказига қараганда 5-6 даража пастроқ бўлади. Баҳору кузи серёғин. Аммо хавоси мусаффо, ариқлари зилол сувга тўла.

Туман ҳокими Баҳодир Охуновни «Миллий тикланиш»чилар номидан зафар билан қутладик. Улар уйган хирмон 40 минг тоннадан ортиб кетибди.

— Газетачиларнинг ҳам қадами қутлуғ бўлади, — дейди у. — Бугун-эрта ҳамма хўжалигу фермерлар режа бажарилгани муносабати билан тадбирлар ўтказишаётир. Сизни ҳам таклиф қиламан.

Ҳоким ҳамроҳлигида «Зулхумор» фермер хўжалигига бордик. Фермер хўжалиги режаларини илғорлар қаторида барвақт бажарибди. Йиллик режа бир юз ўн фоиздан ортибди. Ўша куни маҳаллада истиқомат қилувчи оқсоқоллар, хўжалик аъзолари ва ҳашарчиларга байрам дастурхони ёзилибди. Санъаткорлар хизматда. Фермер хўжалиги ҳисобидан теримда намуна кўрсатган бир гуруҳ теримчи ва ҳашарчиларга бир миллион сўмлик совға улашилди.

Собиқ «Чорвадор» хўжалиги ҳудудида ташкил этилган муқобил машина трактор паркидамиз. У жойда ҳам фермерлар ҳашарчиларга байрам дастурхони ёзишибди. Янги қўрғон ва Чортоқ туманидан келган ҳашарчилар ҳузурида марғилонлик хушовоз хонанда Нуриддин Асқаров куйлаётган экан. Йиғилганларни туман раҳбари қутлаб, йиғим-теримда илғор қатнашганларга совғалар берди. Коллеж талабалари, мактаб ўқувчилари, хатто уларнинг педагог ўқитувчилари ҳам даврага тушиб роса ўйнашди.

Ана сизга меҳнат завқи! Тумандаги пахта майдонлари 468 та фермер хўжалиги ва 400 та оилавий пудратчиларга бириктириб берилган. «Қайқиобод», «Андижон», «Қўчқор ота» номли, «Яшиқобод» ширкат хўжаликларининг тажрибали пахтакорлари, «Мулла қозоқ», «Тошпўлат ҳожи», «Сўфи ота», «Козим-68», «Абдулҳамид ота» «Мўйдинбой» фермер хўжаликлари ҳар гектардан 35-40 центнердан ошириб пахта етиштирдилар.

— Етиштирган пахтамизнинг асосий қисми юқори навга сотилди—, дейди «Мамасоли ота ўғиллари Ш.Н.А» фермер хўжалиги раҳбари Одилжон Набиев. — Юз тоннаси уруғлик сифатида қабул қилинди. Пахтанинг ўзидан фермер хўжалигимиз 15 миллион сўм соф фойда олиши кутилаётир. Ихтиёримизда учта «Беларус» трактори, «МХ-135» ҳайдов трактори мавжуд. Келгусида техникалар ва ер майдонларини кенгайтириш режамиз бор.

Тўрақўрғонликлар режаларини ортиғи билан бажарган бўлса-да, далаларда анча ҳосил бор экан. Туман ҳокими Ҳабибулло ака Ҳожиматов билан мулоқотдамиз.

— Ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалиги моддий техника базасини мустаҳкамлаш бўйича кўрсатган амалий ёрдами ютуқларимиз омили бўлди, — дейди Ҳабибулло ака. — Октябр ойининг биринчи ўн кунлигидаёқ давлатга 23 минг 300 тоннадан ортиқ пахта хом ашёси топширилди. Ҳосилдорликни режадаги 29,2 центнер ўрнига 35 центнерга етказиш учун терим давом этаётир. «Соҳилобод», «Наврўз», «Намуна», «Бобур» номли, «Олтин водий», «Туркистон», «Ўзбекистон» ширкат хўжаликлари, «Машъал учқуни», «Дўстонбек ФДА», «Эшондада», «Мамадали С», «Маҳмуджон ота» фермер хўжаликлари азаматлари юқори натижаларга эришдилар. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра туман бўйича бир миллиард сўмдан ортиқ соф фойда олиш кутилаётир.

Адҳамжон Раҳмонов бошлиқ Тўрақўрғон ширкат хўжалигидамиз.

— Бу йил «Оққўрғон-2» навидан экиб мўл ҳосил яратдик, — дейди Адҳам Раҳмонов. — Йиллик режа бир юз ўн фоиздан ортиб кетди. Пахтачиликнинг ўзидан 28 миллион сўм соф фойда олиш кутилаётир.

«Олтин водий» ширкат хўжалиги ҳар қандай қийин об-ҳаво шароитида ҳам пахта ва ғаллачиликда доимо режаларини ортиғи билан уддалаб келади.

Билганлар бу ютуқларни хўжалик раҳбари, тажрибали мутахассис Убайдулло ака Абдуллаевнинг фаолияти билан боғлайди. Дарҳақиқат, у ҳақда «Қишлоқ ҳаёти» газетасида ишлаган кезларим илиқ мақолалар ёзганман. Яна Убайдулло ака ҳузуридаман. Хўжалик октябр ойининг биринчи куниёқ режаларни уддалаб қўйган экан. Хўжалик пахтакорлари режага қўшимча юз тонна хом ашё сотибди.

— Пахтадан мўл ҳосил олишда оилавий пудрат усули қўл келаётир, — дейди Убайдулло ака. — Илғор пудратчилардан Дилором Ҳалимова, Ибодилла Маликов, Абдужалил Турсунов, Маҳмуд Бегамов, Илёс Жўраев, Каромат Эргашева, Бусалха Йўлдошева, Сапура Қаҳҳорова, Жамила Мамадалиевалар ҳар гектар майдондан қирқ центнерга етказиб ҳосил етиштирдилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишнинг кўзини билиб, камроқ харажат қилиб, кўпроқ даромад олишга интилган ютади. Таннархни камайтириш йўлидан борилаётир. Шу боис хўжаликда қишлоқ хўжалигидан 65 миллион сўм соф фойда олиш кутилаётир. Бугун ғаллазорларда униб чиққан кўм-кўк майсалар дилни яшнатади. Беихтиёр Аллоҳдан хирмонларга барака тилаб юборасан киши. Тўғриси, Мингбулоқ туманида, айниқса, пахтачиликда сурункали қолоқлик кузатиларди. Хўжалик ва фермерлар иқтисодидан путур кетган эди. Ахир йил бўйи меҳнат қилсангу даромад ололмасанг, алам қилади-да?!

Оқсоқоллар бу йил мингбулоқликларга «Худо берди» деб қувонишаётир. Туман пахтакорлари 38 минг 500 тонналик режаларини ортиғи билан бажаришди. Шу кунларда умумий хирмон қирқ минг тоннага етиб қолди. Қирқ минг тонна — бу иккита туманнинг пахтаси деган.

МЕҲНАТ ҚАЙНАГАН НАМАНГАН ТОМОНЛАРДА

«Гулбоғ» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида хом ашё қабул қилиш давом этаётир. Жамиятда ишчи-хизматчиларга барча шароитлар муҳайё. Мавсум олдидан 530 ўринли ошхона ишга туширилди. Кунига уч маҳал иссиқ овқат корхона ҳисобидан тайёрлаб берилаётир. Қабул қилинган пахта хом ашёсини қайта ишлаш учта бригадага бўлинган. Ҳар учала бригада ўртасида кунлик мусобақа ташкил этилган. Кунлик натижага кўра ғолиб бригада 30 минг сўмгача мукофот олади. Ҳа, кўп нарса раҳбарга боғлиқ эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ҳиссадорлик жамиятига соҳанинг тажрибали мутахассиси Ёқубжон Исмоилов раҳбар бўлиб келгач, ишга муносабат тубдан ўзгарди. Одамларда корхона келажагига ишонч туғилди. Ўртача ойлик маошлар кескин ортди, ойликлар ўз вақтида берила бошлади.

— Аввало, ишни ишчи-хизматчиларга муносиб шароит яратиб беришдан бошлаганлар, албатта, самарасини кўради, — дейди Ёқубжон Исмоилов. — Ювиниш хоналари тубдан таъмирланди. Ишлаб чиқариш биноси, профилактория ва маъмурият биноси таъмирдан чиқарилди. Ишчи ходимлар хоҳлаган турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини рўйхат асосида шу ернинг ўзида сотиб олиш имкониятига эга бўлди. Нон ишлаб чиқариш цехида тайёрланаётган маҳсулотлар ишчилар дастурхонида. Ёрдамчи хўжаликда эса гўшт ва сут маҳсулотлари етиштирилаётир.

Шу кунгача етти минг тонна пахта хом ашёси қайта ишланди. Илғор технологияларни жорий этиш ижобий натижа бераётир. Дастлабки ютуқлар чакки эмас. 33,6 фоиз тола олинаётир. Харажат ҳам сезиларли камайди.

Наманган бир олам қувонч билан қайтар чоғи ният қилдик: «Вилоят пахтакорлари келгуси йилларда ҳам шундай ютуқларга эришаверсин. Бободеҳқонларнинг топганлари яхши кунларига буюрсин!»

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Миллий тикланиш» махсус мухбири

ҲАВАС УЙҒОТГАН ДАЛАЛАР

Олтин кузнинг қуёшли кунлари кўнгилларга ёруғлик бахш этди. Пахтакорларимиз дил-дилидан орзу қилган мақсадларига эришдилар. Тарихда илк бора октябр ойида республикамиз пахтакорлари йиллик режани шараф билан уддаладилар. Деҳқонларимизнинг юзлари ёруғ бўлди. Йил бўйи тер тўкиб, қилган меҳнатлари ўз самарасини берди. Этак боғлаб далага чиққан, шудринг эмган далаларни кезган, дала эгасининг қувончу ташвишига шерик бўлган, куз ҳавосидан симириб эгатлар узра эгилган киши борки, терим сурурини, мавсумнинг ўзига хос жиҳатларини яхши билади, дилдан ҳис қилади.

Маълумки, андижонликлар ҳар соҳада бўлганидек пахтачиликда ҳам ўз муносиб тажрибасига эга.

Газетамиз бўзлик пахтакорлар билан учрашувга келганда, улар вилоятда етакчи ўринларда пахта топшириш режасини уддалаб, ғалаба нашидасини сураётган эдилар. Туман бир неча йиллардан бери пахта тайёрлаш бўйича йиллик режани бажаролмай келаётган эди. Бўзликлар турли қийинчиликларни енгиб ўтиб, 20 минг 150 тонна пахта тайёрлаб, йиллик шартномавий режани бажарганликлари барчани қувонтирди. Бўз ерларида ҳосилдорлик гектар бошига қарийб 28,7 центнерга етгани ҳам астойдил пешона тери тўкиб қилинган меҳнат самарасидир.

Мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш соҳасида олиб бораётган изчил сиёсати, бир сўз билан айтганда, ер ўз эгасига топширилгани қисқа муддат ичида самарасини бермай қолмади. 2004 йил охирида тумандаги иқтисодий ночор хўжаликлар ўрнида 98 та фермер хўжаликлари ташкил этилган эди. Эришилган натижалар бу йўл нақадар оқилона ва тўғри танланганлигини кўрсатди. Ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантирилиши бир йилнинг ўзидаёқ пахта ҳосилдорлиги 8-10 центнердан ошишига сабаб бўлди. Умуман олганда бугун тайёрланган ялпи ҳосилнинг олтмиш фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келади. Ишнинг кўзини билиб, фидойилик билан ишлаган кўпгина фермер хўжаликлари режани 130-150 фоизга етказиб бажардилар.

— 2005 йил бутун вилоятимиз сингари туманимиз қишлоқ хўжалигида, хусусан, пахтачилигида туб бурилиш йили бўлди. Бу соҳада жуда тўғри ва оқилона йўл тутилди, — дейди биз билан суҳбатда туман ҳокими Бахтиёржон Абдуллаев. — Бу эришган ғалабамизда «Баҳодир», «Маҳкамбой ота», «Имом ота», «Толибжон ҳожи» сингари фермер хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлди.

Биз илғор хўжаликлардан ҳисобланган «Улуғбек» номли ширкат хўжалигида бўлганимизда йиллик режалар ортиғи билан уддалаган бўлса-да, ҳали пахтакорларнинг ғайрат ва шижоатлари сўнмаганлигининг гувоҳи бўлдик.

— Эришилган ютуқ замирида хўжалик деҳқонларининг йил бўйи қилган заҳматли меҳнатлари мужассамдир, — дейди хўжалик раиси Ҳасанбой Мадаминов. — Деҳқонларимиз тажрибада синаб кўрилган саноатбоп пахта нави чигитини 509 гектар майдонга экиб, ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида, меъёрида ўтказишга ҳаракат қилдилар. Ҳар йилгидек чигит плёнка остига экилди. Экиш пайтида барча майдонга минерал ўғитлар солинди, бу эса ғўза ниҳолларининг бақувват ўсишига таъсир кўрсатди.

Пудратчилар, мутахассислар униб чиққан ғўза ниҳолларини ўз вақтида парваришлаш, озиқлантириш, суғориш ишларини белгиланган меъёрларда амалга оширдилар. Мавжуд майдонлардаги ғўзаларни бегона ўт босишига, ҳашаротлардан зарарланишига йўл қўймаслик учун алоҳида тадбирлар белгиланди.

Йиғим-терим кунларида режанинг 4-5 фоизи миқдорида пахта тайёрлашга эришилди. 1570 тонналик хирмон барпо этилди. Терилган пахта учун ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилиниб, нақд пул берилиши ҳам иш унумини оширди. Жуда кўп оилавий теримчилар терган пахтаси учун 80-100 минг сўмдан ошириб ҳақ олдилар. Айниқса, Х.Маҳмудова, М.Раҳматова, М.Неъматовалар хўб ғайрат кўрсатдилар.

Бўзликлар яна қад тиклаб олдилар. Айни кунларда далаларда ҳосилни батамом йиғиштириб олиш билан бирга келгуси йил ҳосилига пухта замин ҳозирлаш ишлари авж паллага кирган. Ғаллакорлар кузнинг қуёшли кунларини ғанимат билиб, дон экишни жадаллаштиришмоқда. Далаларни кезар эканмиз, халқнинг эртанги ризқидан дарак бериб турувчи кўм-кўк бўлиб унган буғдойзорлар баҳри-дилимизни очди. Биз заҳматкашларни яна бир бор эришган улкан ғалабалари билан қизғин муборакбод этамиз. Бу йилги кузнинг сербарака келиши барчамизни беҳад қувонтирди. Барака Бўз далаларини келгуси йилларда ҳам тарк этмасин.

Тўйчибой МАМАСОЛИЕВ,
Муҳаммадсиддиқ РАҲМАТОВ

ЎҚУВ СЕМИНАР ТАЖРИБАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муштарийлар сонини ошириш, газета сифатини яхшилаш, жойларда мухбирлар институтини барпо этиш борасидаги мулоҳазаларини ўртага ташлади. Нотиқ семинар қатнашчиларининг қатор саволларига куюнчаклик ва мулоҳазакорлик билан жавоб берди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти эксперти Комилжон Одилов «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида депутатлик гуруҳлари фаолиятининг қонуний асослари» мавзуида маъруза қилди. У депутатнинг жамиятдаги ўрни, вазифаси, обрў ва шаънига тааллуқли ҳолатлар, бу борада қонун ва унинг ижроси хусусидаги фикрлари билан тингловчиларни ўзига жалб этди. «Депутатлар фаол, ҳар жиҳатдан пухта иш олиб боришса, бу айни пайтда ўша партиянинг ҳам ютуғи, обрўси ва омма орасидаги таъсирини белгилаб берувчи омилдир», деб таъкидлаб ўтди маърузачи.

Йиғилиш кучли баҳс-мунозаралар билан давом этди. Маҳаллий кенгашлар депутатлари ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг жойлардаги ижросининг таъминланиши мавзуида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари Саъдулла Тожиевнинг маърузаси тингланди.

Худди шу мавзу талқини бўйича Молия Вазирлиги вакиллари Гулбаҳор Орипова ва Баҳром Бўроновларнинг эътиборли чиқишлари семинар қатнашчилари ўртасида кенг, эркин фикрлашувга сабаб бўлди. Адлия Вазирлиги бошқарма бошлиғи Жалолбек Абдусатторов бу борада ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Навбатдаги маъруза «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари, сиёсий партиялар ва ҳудудий бўлинмаларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан муносабатлари» мавзуига бағишланди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари, доцент Хайрулла Рўзметов бу борада кўргазмали мулоқот олиб борди. Экранда акс этган чизма ва рақамлар орқали жамиятдаги аҳоли қатламининг мамлакат тараққиётидаги улуши, қонунчилик ривожига таъсири хусусидаги фикрлари депутатларни мунозарага чорлади.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари, профессор Файзулла Мўминов «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги» хусусида батафсил сўзлади.

Илмий-амалий ўқув семинарида «Миллий тикланиш» партиясининг фаол аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқовага Марказий кенгашнинг табрик хати йўлланиб, санъаткорнинг ўзбек опера санъати ривожига қўшаётган ҳиссаси эътироф этилди ва эзгу тилаклар билдирилди.

Бундай ўқув йўналишидаги йиғилиш ва анжуманларни вилоятларда ҳам ўтказиб туришга келишиб олинди. Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Раъножон Зарипова, Мунира Қориева, Марказий кенгаш раисининг ўринбосари Хайриниса Мирзажоновалар иштирок этишди.

Насиба ОЧИЛОВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши мутахассиси

ТАРАҚҚИЁТИМИЗГА МЕЗОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тилимизнинг маъно-мазмунини бойитиш сизу бизнинг қўлимизда. Кичкинтой фарзандларимизга шарқона тарбия бериш, боғчаларда миллий тил имкониятларидан фойдаланиш, мактабларда ўзбек тилини билишга оид танловларни ўтказиш, маҳаллаларда турли хил йиғилишлар, миллий қадриятларни ўзида акс эттирадиган кечаларни ташкиллаштириш ҳам ўзбек тилининг ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Ўз ўрнида миллий анъаналаримиз руҳида тарбия топган фарзандларимиз каттага ҳурматни, кичкинага иззатни, устозу ота-онага эҳтиромни дилларида асраб яшайди. Қалби обод бўлган шахс Ватанни ҳам обод қилади.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи,она тилининг жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар бир миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар».

Партиямизнинг кўп сонли аъзолари жойларда фаолият юритар эканлар, албатта, ўзбек тилининг адабий, техникавий, сиёсий жиҳатдан ҳам бойиб боришига ўз ҳиссасини қўшиб бормоқдалар. Дарвоқе, яқинда «Давлат тили — фахримиз, ғуруримиз» деб номланган ўзбек тилини ўрганишга оид русийзабон ва бошқа тилларда ўқитиладиган мактабларда иншолар кўрик-танловини ўтказдик. Танловнинг республика босқичида 42 нафар ўқувчи ўз ёзма ишлари билан иштирок этди. Танловга тақдим этилган иншолар танлов Низомига мувофиқ тарзда ёзилган. Ўқувчилар ўзбек тилининг келиб чиқиши, тараққиёт босқичлари, ўзбек тилида баракали ижод қилган алломаларимиз, уларнинг бой адабий мероси, тилимизга давлат тили мақоми берилганидан кейинги ўзгаришлар ҳақида фикр юритиб, ўзлари ҳис қилган туйғуларни баён этишга ҳаракат қилганлар.

Иншоларни ўрганиш жараёнида Хоразм вилояти Урганч туманидаги 29-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Тиллаева Нигора, Самарқанд шаҳридаги 66-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Алиева Зулфина, Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги 50-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Алимбаева Наргиза, Жиззах вилояти Фориш туманидаги 14-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Шоимов Хисравларнинг иншолари ўзига хос тарзда ёзилганлигига гувоҳ бўлдик. Бироқ бу борадаги ишлар тамомила силлиққина ўтди, дейишдан йироқмиз.

Наманган вилоятидан Тўйчибоева Дилдора, Қашқадарё вилоятидан Хушвақтова Гулноза, Орзиқулова Лобарларнинг танловга тақдим этган иншоларига ҳакамлар ҳайъати тақриз ёзиб бериш ва баҳолашни унутганлар. Янгиер шаҳри, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё вилоятлари ва Зарбдор туманидан юборилган иншоларда турли-туман услубий ва имло хатоларга йўл қўйилганлиги белгиланмаган. Ҳакам(исми шарифи тўлиқ ёзилмаган)лар иншоларни чуқур таҳлил этиш, Низомда белгиланган баҳолаш мезони асосида балларни тақсимлашга ҳам бош қотиришга уриниб кўрмаганлар.

Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 35-мактаб ўқувчиси Турсунова Муаззам, Самарқанд шаҳридаги 5-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Бобоева Рухшоналарнинг иншоларини эса оммавий ахборот воситаларидан ва мактабда ёзиладиган иншолардан айнан кўчириб олинган «маҳсулот» эканини сезиш қийин эмас эди.

Ҳакамлар ҳайъати вилоятлардан келган иншолар ҳақида фикр билдириб, Хоразм, Самарқанд вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ўқувчилари ёзган иншоларни ижобий баҳоладилар. 1-ўрин Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги 56-ўрта мактаб ўқувчиси Ким Вика ва Хоразм вилояти Урганч туманидаги 29-мактаб ўқувчиси Тиллаева Нигорага, 2-ўрин Самарқанд шаҳридаги 66-ўрта мактаб ўқувчиси Алиева Зулфина ва Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 246-мактаб ўқувчиси Талтыгина Викторияга берилди. 3-ўрин Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги 50-ўрта мактаб ўқувчиси Алимбоева Наргиза ва Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 259-ўрта мактаб ўқувчиси Фрунза Аурекага насиб этди.

Партиямиз зиёлилар — зиё тарқатувчилар жамоаси бўлгани учун ҳам бундай фойдали танловларни яхши ташкиллаштириш зарурлигини унутмайлик. Кимки, зиё — нурдан баҳраманд экан, йўлини осон топа олади. Бизнинг йўлимиз Ватан тараққиёти, фаровон турмуш, тинч-тотув яшашдан иборатдир. Худди шунинг ўзи тараққиётимизга мезон, ҳаётимизга мазмун бағишлайди.

Хайринисо МИРЗАЖОНОВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари

ПАРТИЯЛАР ВА ЭЛЕКТРОН ОАВ

Яқинда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида «Сиёсий партиялар ва электрон оммавий ахборот воситалари» мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Йиғилиш Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон ёш программистлар ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вакиллари, республикамизда фаолият олиб бораётган 5та партиянинг етакчилари ва фаоллари ҳамда таниқли журналистлар, программистлар иштирок этишди.

Тадбир сиёсий партиялар билан электрон оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро самарали алоқа воситаларини топиш, марказий аппарат ва ҳудудий бўлимларда умуммиллий веб-сайт тармоқларини ташкил этиш мақсадида ташкил қилинди.

Давра суҳбати иштирокчилари ва тренерлари партия ташкилотларини маънавий-маърифий ишларга жалб этиш, кўрсатилган мавзулар бўйича ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, партия билан бошқа медиа-тузилмалар ўртасидаги моддий-молиявий ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш, электрон медиа-захираларида ишловчи малакали ходимлар штатини шакллантириш каби масалаларни кўриб чиқишди.

Шу куни электрон ОАВ билан ўзаро ҳамкорликнинг хусусиятлари ва вазифаларига тааллуқли бўлган масалалар ҳам муҳокама этилди. Партияларнинг обрўйи, ўзига хос услуби ва асосий материаллар ташвиқотини шакллантириш, уларни қўллаб-қувватлаш, электрон ОАВда бевосита ва билвосита рекламалар уюштириш, матбуот хизмати, ташвиқот ишини ташкиллаштиришнинг ноанъанавий шаклларини ишлаб чиқишга эришиш хусусида ҳам фикр алмашиб олинди.

Ўз мухбиримиз

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЎзМТДПнинг Шайхонтоҳур туман кенгаши ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида «Давлат тили – фахримиз, ғуруримиз» мавзуида театрлаштирилган байрам тадбири ўтказилди.

Тадбир Давлатимиз мадҳияси билан бошланди. Уни коллеж директори Саидмаҳмуд Акбаров табрик сўзи билан очиб берди. Шундан сўнг Алишер Навоий номли Адабиёт музейининг етакчи илмий ходими, филология фанлари номзоди Юсуф Турсунов Давлат тилининг тарихи ва бугуни ҳақида маъруза қилди. Партиянинг Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси Ақида Азизова йиғилганларга дил сўзларини айтди.

Тадбирнинг давоми коллеж талабалари ижросидаги саҳна кўринишлари, шоираларга уланиб кетди. Байрам сўнгида талабалар ўртасида ўтказилган иншолар, рефератлар ва деворий газеталар танлови ғолиблари тақдирландилар.

* * *

Юнусобод туманидаги 257-мактабда ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда тумандаги мактабларнинг энг фаол ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасаларининг бир гуруҳ русийзабон тарбияланувчилари меҳмон бўлдилар.

Тил байрамига ҳамма ўз совғаси билан келганди. Ўзбек тилида айтилган шеър ва қўшиқлар, миллий рақслар даврага файз киритди. Айниқса, боғча болаларининг чиқишлари йиғилганларни қувонтирди. Улар ўзбек тилида бурро сўзлашарди.

Шу куни мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган иншолар танлови якунлари ҳам эълон қилинди. Танловда 259-мактаб ўқувчиси Аурика Фрунза, 257-мактаб ўқувчиси Сергей Ким ва 246-мактаб ўқувчиси Виктория Талтыгиналар ғолиб деб топилдилар. Бундан ташқари, Юнусобод тумани халқ таълими бўлими методисти Маҳмуда Усмонова ҳамда тумандаги рус тилида дарс ўтиладиган мактабларнинг она тили фани ўқитувчиларидан Илмира Маметова, Гули Солиева, Робия Жаппароваларнинг иши ҳам ибратли деб топилди.

Ўзбек тилига Давлат мақоми берилганлигига 16 йил тўлиши муносабати билан жойларда партиямизнинг туман кенгашлари томонидан байрам тадбирлари уюштирилди.

ЎзМТДПнинг Юнусобод туман кенгаши раиси Матлуба Ибрагимова ҳамда партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши бош мутахассиси Мансур Комилжоновлар уларни ЎзМТДП Марказий Кенгаши номидан самимий табриклаб, фахрий ёрлиқлар топширишди.

Ўз мухбиримиз

ИЖОД САБОҚЛАРИ



Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло билан мулоқот

М.ЭРОНОВ: –Шукрулло ака, биз ўқувчилик йилларимиздан шеърларингизни ўқиб улғайганмиз. Улардан ўзимизга маънавий-маърифий сабоқ олганмиз. Мана, орадан 15–20 йил ўтгандан кейин Сиз билан ижодий давраларда, йиғинларда учрашиб, танишдик. Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий-маданий йўналишлар бўйича кўп мулоҳазаларингизни эшитганмиз. Мароқли суҳбатларингиздан баҳраманд бўлганмиз. Баъзи пайтлар асарларингиз хусусида мулоқот қилганмиз. Бироқ шахсий ва ижодий фаолиятингиз тўғрисида, очиғи, ботиниб сўрамаганмиз.

Илк шеър ёзган вақтларингиз ва адабиёт майдонига кириб келган қувончли лаҳзалар – болалик йилларингизни эсласак, деган истагим бор.

Шукрулло: – Шеърият қандай кириб келганман, билмайман. Бу онамнинг шеър ўқиб, менга берган тарбиясининг таъсириданми, адабиёт дарсларининг таъсириданми, билмадим. Менимча, бирор нарсага қизиқиш, касб қилиш, шоир бўладими, рассом бўладими, ҳайдовчи ёки олим бўладими – буни пешонага ёзилганидан деб биламан.

– Устоз ва шогирд. Бу қадимий одат. Сизнинг адабиётдаги илк устозингиз ким?

– Худо берган истеъдодни даставвал сезган билган, тўғри йўлга солаган, йўл-йўриқ, нуқсонларни юз хотир қилмай кўрсатиб, жон куйдира оладиган, меҳрибонлик қила биладиган одам устоз саналади. Шогирдига ўз фарзандидек меҳр қўйган, унинг тақдирига қайғурган одам устоз саналади. Шу маънода шоир Ғафур Ғуломни шеърий устозим десам бўлади. Ғафур акадан нафақат адабиёт соҳасидага билимларни, балки ҳаёт сабоқларини ҳам ўрганганман. Устоз-шогирдликдан ташқари, уйларимиз ҳам бир-биримизникига яқин бўлган. Кечаси ёзган шеъримни эрталаб, ҳеч истиҳола қилмасдан, Ғафур аканинг уйига олиб борардим. Шеърим маъқул бўлмаса, буни қўя тур, дерди. Кўнглига ёққанларининг нуқсонларини қўлига қалам олиб таҳрир қиларди. Ўзининг шахсий фикр-мулоҳазаларини билдириб, каминага руҳий далда берар, янги-янги шеърларни ёзишга чорларди. Шеър ёзган чоғларимда «Ғафур ака бунга нима деркин», деб ҳаяжонланиб, ҳайратланиб турардим. Одамда ўз устози олдида теран масъулият уйғонади. Мана шунинг ўзи устознинг фикри, муносабати шогирд учун қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Устоз шогирдга доимо руҳий-маънавий мадад беради, эътиқоди бутун, комил инсон бўлиб етишишига йўл-йўриқ кўрсатади.

–Халқимизда «Устозсиз шогирд бўлмас», деган доно ўгит бор. Кимдир сизни «устоз» деса, сиз ҳам кимнидир «шогирд» дея фахрланиш туйғуси билан яшайсиз-ку! Шу маънода айтмоқчиманки, устоз сифатида шогирдларингиз ҳақида нима дея оласиз?

–Устоз шогирдга нимани ёзишни, қандай ёзишни ўргатмайди. Менга ўнлаб ёзувчи, шоирлар, олимлар, ёш қаламкашлар «Устоз Шукруллога!» деб ўз китобларига, рисолаларига дастхат ёзиб берганлар. Мен уларнинг ҳаммаларини менинг шогирдларим бўлган-лар десам, тўғри бўладими? Бу мантиққа тўғри келмайди. Аслида бу адолатдан ҳам эмас. Рост, улар менинг ижодимни ўрганишган, асарларимни ўқишган, ижодимга ихлос қўйганлар. Бу ҳурматдан, холос! Ҳақиқий устоз ва шогирдлик феълатвор, қарашлардаги яқинлик, бир-бирининг ижодига ҳурмат, нуқсон ва фазилатларни очиқ айта билишда туғиладиган яқинлик. Сизга мисол келтириб айтадиган бўлсам, Рауф Парфи билан ўртамизда устоз-шогирдлик муносабатлари ҳеч қачон узилмаган эди. Унинг мени устоз деб билганидан фахрланаман.

–Мана, сўнгги йилларда проза ва драматургия соҳасида ўнлаб асарларингиз чоп этилди. Бугунги кунда насрий асарларингиз ҳам китобхонлар ўртасида севиб ўқилмоқда. Сиз кўпроқ асарларингизни қандай пайтда ёзасиз?

–Мен ўзимни рўмончи ёки қиссанавис деб айтолмайман. Наср жуда қийин соҳа. Роман, қисса, қикоя ёзиш жуда катта маҳорат талаб этади. «Кафансиз кўмилганлар» ҳам, «Тирик руҳлар» ҳам, бошқа насрий асарларим ҳам бадиий жиҳатдан идеал эмас, балки катта маънодаги ҳақиқий насрий асар талабига етарли жавоб бера олмас. Асарнинг ўқимишли китобхонга маъқул бўлиши, бу муаллифга, албатта, жуда ҳам ёқади. Китобхон фикри ижодкорни доимо қизиқтиради. Лекин кўпинча роман деб аталган қалин-қалин шундай асарлар ҳам бўладики, уларни охиригача қизиқиш билан ўқиганлар кам топилади. «Кафансиз кўмилганлар» қандай жанр деб аталишидан қатъий назар юз минглаб нусхада нашр этилди. Яна ҳамон ҳавас, ихлос билан ўқилади. Аниқ қилиб айтсам, мен ўзимни шоир деб биламан. Қалбимдаги туйғуларимни, шеърга сиғмаган нарсаларни гоҳ пъеса қилдим, насрда баён этдим. Буюк шоир Усмон Носир:

Илҳомнинг вақти йўқ
селдек келади,
Раҳм этмай жаллоддек
дилни тилади,–

деганидек, тунда ҳам, йўлда ҳам, ҳатто эрксизликда ҳам асар туғилаверади.

–ХХ ва ХХІ аср адабиётидан хабардор ижодкорсиз. Шу икки давр саҳнаси орасида ижод қилиб келаётган қаламкашлардан бири ҳисобланасиз. Кўплаб ижодкорларни яхши биласиз, яъни ХХ асрда ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирган Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Шуҳрат ва бугунги кундаги забардаст ижодкорлар билан замондош, елкадош сиз. Уларнинг кўпларини кўргансиз, суҳбатларини эшитгансиз, давраларида бўлгансиз. Бу хотиралар, назаримда, мўъжиза. Шулар ҳақида сўзлаб берсангиз.

–Яхши. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Шайхзода, Шуҳрат, ХХ асрнинг том маънодаги буюк сиймолари бўлган. Булар тарихни, ҳаётни, тилларни теран билган, ниҳоятда етук, иймони бутун, эътиқодли, зукко инсон эдилар. Улар ҳақиқий истеъдод соҳиблари бўлган. Юртимизнинг мустақиллигини орзу қилган, яқинлаштирган, халқимизнинг фаровон яшаши учун фидойилик қилганлар. Улардан халқимизга буюк асарлар мерос бўлиб қолди. Бугунги авлод уларнинг асарларини севиб мутолаа қилиши табиий бир ҳол. Бугун менга замондош бўлган адабиётимиз намояндалари орасида ҳам улкан ишларни адабиёт майдонига олиб кирган ёзувчи ва шоир дўстларимиз борлигини инкор этмайман. Улар ҳақиқий ижодкор! Муҳими ҳам шу! Лекин қайси асарлар қўлдан қўймай ўқилади? Буни келажакнинг ўзи кўрсатишига ишонаман.

–Бугунги ХХІ аср ўзбек адабиёти ҳақида, адабиётга кириб келаётган ёшларнинг ижоди ҳақида нима дея оласиз?

–Маъқуллари бор, номаъқули ҳам. Ўзидан бошқа тушунмайдиган шеърларни ёзиб юрганлар, нафақат менинг, балки бошқа кишиларнинг ҳам ғашини келтиради. Айрим қаламкаш укаларимнинг шеърлари ҳайратли. Уларнинг шеърлари ҳар бир кишининг дилини яйратади. Бундай шеърлардан уларнинг ўсиб бораётганликларини қалбан ҳис этаман. Юртимиз мустақил бўлди. Адабиётимиз ҳам мустақил бўлиб, кенг имкониятлар яратилди. Агар ижодкор ижод қиламан деса, фурсат келди. Ёшларимизнинг ёзадиган вақти келди. Улар фақат ижод қилиши зарур деб ҳисоблайман. Ёшларимизнинг билим олиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Биз яшаган даврларда кўп имконлар чекланган эди. Ҳозир эса барча фикрларни баён этиш учун имкониятлар муҳайё...

–Самимий суҳбатингиз учун ташаккур! Биз мухлисларнинг, барча адабиёт шайдоларининг бахтига ҳамиша омон бўлинг.

Суҳбатдош: Мамадали ЭРОНОВ

КУЛИШ ОСОН, КУЛДИРИШ ҚИЙИН

Неъмат Аминов хотирасига

Дунёда кулиш билан йиғлашдек табиий нарса йўқ. Одам қувонса, кулади, хафа бўлса, йиғлайди... Бироқ китоб ёзиб бировни кулдириш ёки йиғлатиш бениҳоя мушкул юмуш. Бунинг учун истеъдод, Худо берган истеъдод керак.

Неъмат Аминов мана шундай туғма истеъдод соҳиби эди. Адибнинг ичакузди ҳикоялари, қатор ҳажвий қиссалари, «Ёлғончи фаришталар» романини кулгисиз, табассумсиз ўқиш мумкин эмас.

Буюк Абдулла Қаҳҳор адабиётга ярқ этиб кирган ёш истеъдодларни қанчалик нозик дид билан пайқаган, уларни қанчалик жиддий кузатган, керак пайтида қанчалик ҳимоя қилган бўлса, тағин бир устоз адиб Саид Аҳмад ака ҳам худди шундай йўл тутди. Неъмат Аминовнинг илк ҳикоялари пайдо бўлиши биланоқ, «Бухоролик шу бола зўр ёзувчи бўлади!» деб фатво берди ва ёш адиб асарларини диққат билан кузатиб борди. Ютуғидан қувонди, камчиликларини рўй-рост айтиб, йўлга солди.

Неъмат Аминов адабиётга Бухоро нафасини, Бухоро колоритини олиб кирди. Мунаққидлар ибораси билан айтганда, қаҳрамонларнинг бутун бир галереясини яратди. Биргина «Қоровул» ҳикоясининг ўзида китобхон хотирасидан узоқ йиллар ўчмайдиган характер мана-ман деб кўриниб туради. Улуғ Абдулла Қодирий тили билан айтганда, ҳажв-юморнинг кўринишлари кўп. Аммо энг қийини ҳажв орқали характер яратиш. Неъмат Аминов айнан шу қийин йўлни танлаган ва шу боисдан ҳам ўқувчининг хотирасига маҳкам ўрнашиб қоладиган тирик одамларни адабий оилага олиб кирган адибдир.

Ёзувчининг «Қирқ учинчи поча», «Тилла табассумлар», «Қитиғи ўлмаган қиз», «Қаҳқаҳа» китоблари, «Ёлғончи фаришталар» романлари кўп йиллар аввал ёзилган. Бироқ уларни бугун ўқиган китобхон ҳам масза қилиб кулади. Кулади ва... ўйга толади... Гап шундаки, адиб ўз қаҳрамонларини жиндай табассум, жиндай истеҳзо билан тасвирлайди. Бироқ уларни масхараламайди, камситмайди. Улар нега шундай бўлиб қолди, деган саволни айтмаса ҳам ўқувчини шуни ўйлашга даъват этгандек бўлади... Бу эса муаллифнинг кулгуси остида яширин дард борлигини кўрсатади.

Неъмат Аминов ўзбек адабиётида биринчи бўлиб ҳажвий-сатирик роман ёзган адиб сифатида тарихда қолишига ишонаман. «Ёлғончи фаришталар» асари бундан кейин ҳам кўплаб китобхонларга манзур бўлиши табиий. Чунки уларда ҳаракат қилувчи образлар шунчаки «персонажлар» эмас, тирик одамлар. Бу масалада Неъмат ака бир томондан Чеховдан, иккинчи томондан (айниқса, тил орқали инсон феълини очишда) Абдулла Қодирийдан, теша тегмаган иборалар топиш, манзараларни ярқ этиб китобхон кўз ўнгига келтириб қўйиш маҳорати масаласида устоз Саид Аҳмад акадан ижод сирларини ўргангани кўриниб туради.

Ёзувчининг энг катта бахти – ўқувчи меҳрини қозониш. Ўқувчи меҳрини зўравонлик қилиб ҳам, ялиниб ҳам, «пора» бериб, сотиб олиб ҳам бўлмайди. Китобхон ёзувчини ё яхши кўради, ёки яхши кўрмайди. Учинчи йўл йўқ! Неъмат Аминов ўқувчилар севган адиб эди. Тошкентдаги автомагазин директори Абдураҳмон исмли дўстим (адабиёт «жинниси») бир куни қаттиқ тайинлади. «Илтимос, Неъмат аканинг би-и-ир суҳбатини олайлик. «Қрасний партизон» воқеасини ўз оғзидан битта эшитай!» Ақалли биргина шу ҳолатнинг ўзиёқ оддий ўқувчи меҳри на қадар самимий, нақадар табиий эканидан дарак беради.

Неъмат Аминовнинг «суҳбатини олишни» хоҳлаганлар кўп эди. Сабаби, адибнинг ўзи ўта одамохун, дилкаш инсон эди. Бунга ажабланмаслик керак. Ёзувчининг одам сифатида ким эканини кўп ҳолларда унинг ёзган китобига қараб бемалол билиш мумкин. Неъмат ака шундай ёзувчи эди. Хушчақчақ, ҳазил-мутойибага ўч, бағрикенг...

«Шарқ юлдузи»да бирга ишлаган кезларимизда, кўплаб сафарларда ҳамроҳ бўлганимизда, ўзимнинг бошимга ташвишли кунлар тушганида Неъмат аканинг талай инсоний фазилатларини кўрганман.

Аксарият истеъдодли одамларда ҳазил-ҳузул, юмор ҳисси кучли бўлади. Неъмат Аминовнинг ўзи ҳажвчи бўлгани учун унда бу туйғу, айниқса, ёрқин кўриниб турар, шу боисдан ҳам у киши билан ҳамсуҳбат бўлиш, ҳангомалар эшитиш ғоят мароқли эди. Неъмат ака атрофда рўй бераётган воқеаларга шу қадар аниқ, шу қадар «образли» қилиб, ўзбекчасига айтсак, «тўн кийгизиб» ҳикоя қиларди, беихтиёр дилингизга нур ёғилиб киргандек бўларди.

Саксонинчи йилларнинг ўртасида «ошкоралик», «плюрализм» деган шиорлар авжига чиқди. Албатта, ошкоралик, ҳурфикрлик яхши нарса. Бироқ бу бақироқликка, андишасизликка айланса, фойдадан кўра зиёни кўпроқ бўлади. Айни шу йиллари Неъмат Аминов «Муштум» журналига бош муҳаррир этиб тайинланди. Ғайрат билан иш бошлади. Орада «ошкоралик» авжига чиқиб, ҳамма жойда бўлгани каби журнал таҳририятида ҳам «бақир-чақирлар» авжига чиқди... Буёғини Неъмат аканинг ўзидек тасвирлаш қийин-ку, тахминан шундай бўлган. Бир куни журналнинг баъзи ходимлари «Шу даргоҳда собиқ партия аъзолари бор экан, биз ишламаймиз!» деб шарт қўяди. Неъмат ака янги бошлиқ эмасми, нима қилишни билмай қолади. «Собиқ партия аъзолари»ни ишдан ҳайдай деса, бунга қонуний асос йўқ. Қолаверса, журналнинг оғир юкини кўтараётган айнан шу ходимлар. «Бақироқ ошкорачилар»га қўйиб берса қўлидан хемирининг иши келмайди. «Сенларнинг ўзинг кетақол», деса, баттар балога қолади. У деб илтимос қилади, бу деб ялиниб кўради, фойдаси бўлмайди. Охири «тўполончилар» «ультиматум» қўяди. «Ё собиқ коммунистларни ишдан ҳайдайсиз, ёки биз шу минутдан бошлаб «галадопка» эълон қиламиз!»

Шундай бўлади... Неъмат ака хуноб бўлади, қон босими кўтарилади. Бир пиёла кўк чой ичиш учун Карл Маркс кўчасига борса (ўша йиллари Маркс кўчасида ҳар қадамда ошхона бўларди) бояги «очлик эълон қилганлар» гурунглашиб ўтирганмиш. Ҳар бирининг олдида бир косадан ош, устида икки сихгинадан кабоб! Неъмат ака «Ҳа, йигитлар, «галадопка» нима бўлди?» деса, хотиржам жавоб эшитибди: «Галадопка»ни бўлиб-бўлиб қилаверамиз-да!»

Неъмат Аминов ҳар қандай мушкул вазиятдан ҳам кулгу топа оладиган ғаройиб инсон эди!

Неъмат Аминовнинг палаги тоза эди. У кишининг оталари – донишманд Уста бобонинг суҳбатларидан, ўгитларидан мен ҳам баҳраманд бўлганман. Халқимизнинг содда-буюклигини, камтар-донишманд-лигини шу мўътабар инсон қиёфасида кўрганман. Неъмат Аминов ота ўгитларига ҳамиша содиқ қолди ва китобхон қалбига ёруғлик олиб кирадиган асарлар яратди. Унинг китоблари ҳали кўп марталаб нашр этилади, яна кўплаб авлодларнинг маънавий мулки бўлиб қолади, деб ишонаман.

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

КИМ ГЎЗАЛ?

Шахсий фикр

Бу саволга жавоб топиш осонмикин, билмадим, умуман шундай савол бериш тўғримикин... айниқса, қизларга, аёллар-га?!

Индаллосини айттанда, бугун «сариқ матбуот»да болалаб кетган турли хил танловлар, аниқроғи, «Энг гўзал чеҳра», «Ким гўзал?»га ўхшаган танловлар, улардаги бачканаликлар ҳақида ёзмоқчи эдим. Танқидни ҳар ким ҳар хил қабул қилади. Кимдир «хўш, нима бўпти, шунга ҳам ота гўри қозихона-ми?» дейиши турган гап. Нима бўлганда ҳам дилимдагини қоғозга туширмасам тинчимайман шекилли. Ҳамкасбларим нега бунча танловларга «ўч» бўлиб қолишди? Бундай танловлар муштарийлар сонининг ортиб боришига, газетанинг омалашишига ижобий таъсир қилишини яхши биламан. Лекин... улар учун 1-2 саҳифалаб жой ажратилгандан кейин, шунга яраша гап ҳам бўлиши керак. Танловларга мутлақо қизиқмайдиган ёки уларга ўн марталаб мактуб йўллаб, бирор марта ғолиб бўлмагач, анча кўнгли «совиб» қолган газетхонлар ҳам кўп.

Ана шундай фототанловлардан бирининг рекламасини қаранг!

«Гўзал қизлар, дилбар аёллар! «Энг гўзал чеҳра» танлови давом этмоқда. Ғолибларни эса тилла сирға-узук, уяли телефон ва «Орифлейм» косметик тўплами кутмоқда» ёки «Ҳурматли мухлислар! Нодирабегим издошлари (эътибор беринг! (изоҳ бизники)) бўлган опа-сингиллар... Энг гўзал суратлар газетамизнинг бош саҳифаси (муқова-си)да босилади. Танлов ғолиблари таҳририятимизнинг қимматбаҳо сирли совғаси соҳиби бўлади...» Истаганингизни танлашингиз мумкин. Яқинда ана шундай газетадан 2-3 тасига хат ёзган бир қиз менга арз қилиб қолди, хатим етиб бормаганмикин, деб ўпкаланиб қўяди бечора. Куласизми, куясизми?

Келинг, сурати газетада берилган «бахтли» мухлисларнинг хатларини ҳам кузатайлик. Бир муштарий «Орзуим – суратимни севимли газетам саҳифаларида кўриш...» деб ёзса, «Менга соврин насиб этмаса ҳам фақат ва фақат севимли газетамда ўз суратимни кўрсам бошим осмонга етарди», деб ёзибди бир аёл. Шундай газетхонларнинг борлиги, албатта, газета ижодкорларининг бахти. Шу ўринда бир курсдошим айтган гап эсимга тушди. Газетадаги ана шундай танловлар ҳақида гап кетганда у: «Нимага қизлар ўзини реклама қилишаркин? Яна, суратини бериб, туғилган йили, оиласи, ўқиш ёки иш жойи ҳақида ҳам бемалол ёзишаверади...» деганди ғаши келиб. Балки, бу танловларга бошқачароқ назар билан қараш керакдир, деган ўйда қизларнинг фикри билан ҳам қизиқдим. «Хайронман, аслида одам ўзи ҳақида керагидан ортиқ гапириши ҳаммага ҳам хуш келмайди. Қандай қилиб қизлар ўзи ҳақида ёзиб, яна, алоҳида расмга тушиб, эринмасдан хат орқали уни газетага жўнатишади, мен бу нарсани ўзимга эп кўрмасдим. Қиз ҳаёси бунга йўл қўймаса керак, деб ўйлайман. Сиз газетада ишлайсиз, шундай танловларни ким ўйлаб чиқаради ўзи?» деди бир дугонам. Анча вақтгача ўйланиб юрдим, шундай кунларнинг бирида туппа-тузук бир газетада яна янги танлов эълон қилинибди. «Бугуннинг гўзали» деб номланган ушбу танловда гўзал ва зебо қизлар ўз фотосуратлари билан иштирок этиши мумкин. Сиздан талаб қилинадигани эса, ушбу суратлардан энг чиройлисини танлаш. Овоз бериш хат орқали амалга оширилади. Суратга илова қилинадиган купонга ўзингиз танлаган суратнинг кодини ёзсангиз кифоя. Танловимизда энг яхши фотосурат учун ҳам совға ажратилган», деб иккита гўзалликка даъвогар қизнинг сурати, ўзлари ҳақида ёзганларини «илова» қилишибди. Тавба, дейман, наҳотки ҳозирги журналистиканинг қайси қиз гўзаллигини аниқлаб беришдан бошқа иши қолмаган бўлса?! Аслида, ечимини кутиб ётган муаммолар, бир қанча камчиликлар парда ортида қолиб кетади, кўпинча. Бўш вақтингиз шунча кўп бўлса, улар ҳақида нега ёзмаяпсиз? Мухлисларингизни зериктириб қўйманг, дегим келади ҳурматли ҳамкасбларимга.

Гулбаҳор ОРТИҚҲЎЖАЕВА

Бамаслаҳат иш қилганга нима етсин!

Кўпни кўрган, ёши улуғ инсонларнинг ҳар бир сўзи ибратли бўлади. Айниқса, улар бир ерга йиғилганда гап-гапга уланиб кетади. Халқимиз «етти ўлчаб, бир кес» деб бекорга айтмаган. Бу гапга амал қилганлар адашмайди. Суҳбат энг авжига чиққан пайтда отахонларни четдан кузатиб туриб одам тафтини одам олади-да, дейсиз беихтиёр.

Одамнинг яхши-ёмон куни бор. Шундай кунда маҳалланинг кексалари билан бамаслаҳат иш кўрганга нима етсин.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат

ДАВЛАТ ТИЛИГА ЭҲТИРОМ

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун арафасида Шарқшунослик институтида «Давлат тили — фахримиз, ғуруримиз» мавзуида тил байрами кечаси ўтказилди. Кечада институт талабалари ва ўқитувчилари жамоаси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Хуршид Дўстмуҳамедов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Раъножон Зарипова, партия Марказий кенгаши ходимлари ва партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши фаоллари ҳамда Миробод тумани кенгаши раиси Роберт Шариповлар иштирок этишди.

Кечада сўзга чиққанлар Давлат тилига эҳтиром ниҳоятда теран туйғу, инсоннинг маънавий дунёси, қиёфасини акс эттирувчи олам эканлигини таъсирчан мисоллар орқали ёритиб беришди.

Институт ўқитувчиси, санъатга доир қатор китоблар муаллифи Фотима Шарипова ўзбек тилининг гўзаллиги, равонлиги акс этган асарлар ва бугунги кун ёшлари тарбияси ҳақида сўзлади.

Шу куни бир нечта талабалар ЎзМТДПга аъзо бўлишди.

Талабалар томонидан ижро этилган куй, қўшиқ ва рақслар кечага файз киритди.

Насиба ОЧИЛОВА

ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ

Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида ЎзМТДП Миробод туман кенгаши, Миробод туман хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ Миробод туман бўлими, Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими ва институт маъмурияти билан ҳамкорликда Зулфия номидаги Давлат мукофотига Миробод туманидан номзоди кўрсатилган қизлар ўртасида «Зулфияхоним қизлари» мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Танловда қизлар икки шарт бўйича беллашдилар. Уларнинг иштирокларини ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди. Қизиқарли баҳслардан сўнг Зулфия номидаги Давлат мукофотининг туман босқичи ғолиблари аниқланди. Унга кўра адабиёт йўналиши бўйича Зилола Асқарова, фан йўналиши бўйича Диёра Аббосова, санъат йўналиши бўйича Тамилла Курмакаевалар ғолиб деб топилиб, танловнинг шаҳар босқичига йўлланма олдилар. Иштирокчиларни Тошкент шаҳар байналмилал маданият маркази раиси ўринбосари М.Нурматова, «Камолот» ЁИҲ Миробод туман кенгаши раиси М.Қўчқорова, Миробод туман Хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Зоҳидова, ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси, Ўзбекистон санъат арбоби О.Қозоқовлар муборакбод этиб, эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширишди.

Санъат институти талабаларининг чиқишлари ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Мансур КОМИЛЖОНОВ,

ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Буюк мутафаккир, зулисонайн шоир Алишер Навоий ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн», «Хазойин ул-маоний» ва «Хамса» каби шоҳ асарлари билан ўзбек адабий тилига асос солди. Уни тараққиёт поғонасига олиб чиқди. Қадимий тарихга эга бўлган тилимиз бугунги кунгача ўз мавқеини, жозибасини йўқотмаган.

Мана, 16 йилдирки 21 октябрни халқимиз эзгу байрамлардан бири сифатида нишонлаб келади. Тил байрами олий қадриятларимиздан бирига айланган, десак муболаға бўлмас. Бу йил ҳам ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун юртимиз бўйлаб кенг тантаналар билан нишонланди. Шундай тадбирлардан бири «Она тилим-жону дилим» мавзуида Янгийўл туманининг Абдулла Ортиқов ширкат хўжалигидаги 15-мактабда жойлашган Янгийўл шаҳар тиббиёт коллежининг ҳашарчи теримчилари билан ўтказилди. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Шуҳрат Раҳмонов директорлик қилаётган бу коллежнинг талабалари ҳам Бахтиёр Оқбоев, Анвар Солиев каби жонкуяр устоз-мураббийлари бошчилигида улкан пахта хирмонларига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Тадбирда ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши раиси ўринбосари Мукамбар Азимова, партиянинг вилоят кенгаши тарғибот ва ташвиқот бўлим ходими Раъно Холиқова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси ўринбосари Барно Жабборова, «Ёшлар» телеканали муҳаррири Амрулло Каримовлар иштирок этиб, йиғилганларни байрам билан қутладилар. Ўз сўзларида ўзбек тилининг ҳар бир дарда тутган ўрни, беқиёс жозибаси, тил миллатнинг ғурури эканлиги ҳақида айтиб ўтдилар.

Тошкент вилояти пахтакорларининг йиллик пахта топшириш режасини бажариш арафасида эканлиги тадбирни чинакам байрамга айлантириб юборди. Байрам муносабати билан Нозима Тўраева, Муҳаммаджон Соliев, Умиджон Каримов, Сардор Нурматов, Нафиса Абдужабборова, Ҳалима Абдуллаева каби илғор ҳашарчи теримчиларга совғалар топширилди. Тадбир сўнггидаги мушоирада талабалардан Жамшид Розиқов, Йигитали Нумоновларнинг ўқиган шеърлари, ЎзМТДП аъзоси, хонанда Раъно Қосимованинг дилрабо қўшиқлари қўшалоқ байрамга янада файз киритди.

Мукамбар АЗИМОВА

ҚАТОРДА ЎЗ ЎРНИ БОР ЭДИ...

ШАРОФИДДИН ТУРОБОВ (ШАРОФИДДИН КЎНЧИ) ХОТИРАСИ

Бир дақиқада нечагача санаш мумкин... Бир дақиқада қанча қадам босиш мумкин... Бир дақиқада инсон кўп нарсаларни қилишга улгуради. Аммо инсоннинг умрини сарҳисоб қилиш учун бир дақиқа кўплик қилади. Борингки, олтмиш, етмиш, саксон... йил умрнинг ўзи ҳам қанчалар ғанимат эканлигини ҳис қилиш учун бир лаҳза кифоя. Буни ёнингизда юрган одамларни йўқотиб қўйганингиздагина сезасиз.

Болалигимизда кексалар баъзи ўликлар тирик, баъзи тириклар ўлик, деган иборани кўп эшитардик. Муҳими қанча яшашда эмас, қандай яшашда бўлса керак. Сабаби, инсоннинг кимлиги ҳақида гапириш мавриди келганда, унинг яшаб ўтган умрига эмас, қилган эзгу амалларига қараб баҳо берилади.

Ҳаётининг ҳеч бир кунини беҳудага ўтказмаслик учун бор кучу ғайратини сарфлаб яшашга интиладиганлар орасида Шарофиддин Кўнчи ҳам бор эди. Бу исм газетамиз ўқувчиларига яхши таниш. Газетамизнинг ҳеч бир сони у кишининг ибратомуз ҳикоя ёки таржимасисиз чиқмас эди. Бу одамнинг бир ишни бошласа, унга чин дилидан киришишини, тиришқоқлигини кўриб ҳавасимиз келарди. Шарофиддин ака таҳририятимизга ҳафтада бир марта эмас, икки-уч мартадан келиб, эътибор билан қайта кўчирилган хатларининг камчиликларини тузатиб берарди. Ҳатто таржималаридаги айрим гаплардан кўнгли тўлмай, икки-уч мартадан тўғрилаб қўярди.

Шарофиддин Кўнчи кекса журналист, дунёнинг кўпгина мамлакатларига қадами етган сайёҳ ҳам эди. Унинг самимий ёзилган ажойибғаройиб воқеалар, қизиқ-қизиқ тафсилотларга бой китоблари аллақачон ўз ўқувчиларини топиб улгурган.

У ҳеч кимнинг эсига келмаган ҳаёт ҳодисаларини қидириб топар, фактларга янги жило берар, халққа тегишли нарсаларни — у тил бўладими, жойлар номининг маъноси бўладими, кишиларга қулайлик яратиш бўладими, жонкуярлик ва фарзанд муҳаббати билан таҳлил этар, янгидан кашф этарди. Ёзувчи ва журналистга хос қизиқувчанлик унинг жон-жонга сингиб кетган эди.

Яхши одамнинг ҳар бир қадами ҳам эзгуликка мойил, бошқаларга ибрат бўлади, дейдилар. Муборак Рамазон кунларида мангу сафарга кетган бу инсоннинг охирги қадами биз — тирикларни изтиробга солди. Шарофиддин аканинг тупроқ тўшаклари нурли, охирати обод бўлсин. Ҳаётимизда бу олийжаноб инсоннинг ўрни доим билиниб туражак.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ТАҲРИРИЯТИ

Китоб жавони

СЎЗ ҲАРОРАТИ

Аниқлик, соддалик, лўндалик, донишмандлик қадимдан халқ оғзаки ижодининг, Шарқ шеърияти-нинг гултожи, фазилати ҳисобланган. Мумтоз адабиётимизнинг ярми ҳикмат, ярми ишқдан иборат, равон сатрлар бир қур кўз ташлаганда умрбод хотирада қолади.

Адабиётнинг боқий ва собит анъаналарини янгилаб ривожлантириш осон эмас. Кўплаб ижодкорларнинг мумтоз адабиёт деб номланган улкан ва юксак қоя остида қолиб кетганлари бесабаб эмас...

Халқ севган шоир Азим Суюннинг «Эй дўст» китоби жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди. Китобдаги шеърлар янгича шакл, янгича услубда эканлиги билан ҳам дарҳол эътиборни тортди.

Кимдир ғазални, кимдир рубоийни, кимдир қитъани, яна кимдир баёдиа ёки мансурани энг биринчи бўлиб бошлаган. Кейинчалик уларнинг барчаси алоҳида адабий жанр сифатида шаклланган.

Азим Суюн бугунги кун адабиётида қайирмани бошлаб берган шоирдир. Сал бўлмаса унутилган қайирма деган чиройли сўз-тушунча яна лисоний истеъмолга қайтди. Шугина эмас, шоир адабий жамоатчиликка қайирмани янги, алоҳида жанр сифатида тақдим этади. Бу шунчаки шаклбозлик эмас, балки мантиқ ва услуб талабидан келиб чиққан усулдирки, унда сунъийлик, зўрма-зўракилик йўқ!

Қайирмаларнинг барчаси «Эй дўст!..» деб бошланади. Бу уларни композицион жиҳатдан умумлаштириб туради. Шу нуқтаи назардан қарағанда қайирмалар бир-биридан алоҳида ва айни пайтда бир-бири билан силсиладек боғлиқ ҳам.

«Эй дўст!..» — бу — Чин дўст, «Эй дўст!..» — бу — Чархи Дун, Дунё, Фалак, бу — Яратган Тангри, «Эй дўст!..» — бу — Ишқ, «Эй дўст!..» — бу — Изтироб, бу — Ҳижрон... Бу — Тарих, бу — Бугун, бу — Кела-жак...

Халқ оғзаки ижодининг илк сарчашмалари — энг қадимги битикларда ҳам дунё ва тириклик унсурларига шундай мурожаатни, худди замондош инсонга, яъни Дўстга қилингандек муомала қилинаётганини кузатиш мумкин. Қайирмалар ҳам қисқа, аниқ, шу сабаб қадимда тошларга нақш этилган битикларни эслатади.

Халқ оғзаки ижоди намуналари, «Алпомиш» каби достонлар, моҳир бахшиларнинг дилни қитиқловчи термалари, алла-ю қўшиқлар содда, тинглаганда фикрни ҳам, қалбни ҳам зўриқтирмайди. Шу каби хислатлар қайирмаларга ҳам хос. Бунинг асосий белгиси — уларнинг бир ўқиганда эсда қолишидир. Бугина эмас, Юсуф Хос Ҳожибни, Аҳмад Югнакийни эслайсиз қайирмаларни ўқиганда. Отанинг фарзандга, фарзандниг отага мурожаатлари, табиат фаслларининг бадиий образга айланишини қайирмаларда ҳам кузатасиз. Қайирмаларда ҳам гулу гиёҳ, қизғалдоғу тикан... шунқор, лочин ёки бургут, дарахт ёки тош... бу каби табиат ашёлари, унсурлари бадиий қаҳрамонга айланади. Асарда одам каби яшайди. Бу шоирнинг табиатни кузатувлари ниҳоятда теранлигидан далолатдир.

Бир қарашда китобда ватанпарварлик мавзуидаги қайирмалар йўқдек туюлади. Чунки, бу ҳақда очиқ-ойдин гапирилмайди. Аммо синчиклаб кузатсангиз, маълум бўладики, юртдаги ҳар бир чўпу хас, тошу тупроқ, тоғлару боғлар, қушлару жониворлар куйланар, тасвирланар экан, буларнинг барчаси замирида шу Ватанга, унинг ҳар заррасига бўлган катта муҳаббат пинҳон эканлигини англайсиз.

Яссавий ҳикматлари қанчалик ҳаётий бўлса, қайирмалар ҳам шунчалик орифона, мағзи тўқ. Шарқ этикаси, маданияти тараққиётида панд-насиҳат, дидактиканинг аҳамияти катта. Шу маънода «Эй дўст!..»да учрайдиган дидактика ҳам китобхонга оғир ботмайди, осон ҳазм бўлади.

Сўзнинг маъно қатламлари, ҳарорати, тадрижий манзаралари мунтазам ўзгариб туради, янгиланади, чексиз равишда такомиллашиб боради. Румий, Бедил, Хайём маснавийлари, рубоийлари, ғазаллари асрлар оша яшаб келаётганлигининг сири, Румиёна, Бедилона, Хайёмона фалсафа касб этганлигининг асрори уларда миллий ва умуминсоний руҳнинг қуюқлиги, халқ фалсафаси, миллий ва шарқона фалсафанинг кучлилиги билан изоҳланади. Ақл ва туйғу, услуб ва шаклнинг уйғунлиги улуғ алломалар фалсафасининг осон қабул қилинишини таъминлаган. «Эй дўст!..»нинг ўзига хослигини инобатга олиб, қайирмаларни ҳам Азимона фалсафа маҳсули дейишимиз мумкин. Биз илғаб-илғамаган, халқ дилида, тилида юрган фалсафанинг бойитилиб, қайирмалар шаклида тақдим этилиши шоирнинг теран тафаккуридан далолат беради.

«Эй дўст!..» адабиётимизда халқ фалсафаси ва адабий тафаккурининг замонавий синтези сифатида ўзига хос ўрин тутишига шубҳа йўқ.

Салим АШУР



«ГУЛМИСИЗ, РАЙҲОНМИСИЗ, ЖАМБИЛМИСИЗ?» «АЙТГАНИНГИЗМАН!»

Таниш бошланма. Тўғримасми? Қулоғингизга чалиниши билан юзингизга табассум югуради. Бу сўзлар агар таъбир жоиз бўлса, кўпчиликка ўрганиш бўлиб қолган расмий аскиянинг бошланмаси. Водий томонларда эса эътибор берсангиз ҳар бир сўздан аския топиш мумкин. Фақат «Гулмисиз...» дея бошланмайдиган аскиялар. Севимли шоиримиз ёзганидек водий томонларда чойнак-пиёлалар ҳам табассум қилиб тургандек кўринади.

Аския санъати ҳақида гап кетганда, энг аввало, Юсуфжон қизиқни хотирлашади. Ёзилмаган анъаналарга мувофиқ «уста» дея ардоқлашади. Бугунги кунда водийлик бир қатор аскиячилик санъати усталари орасида ўз мавқеига, даражасига, устозлик мақомига эришган «уста» санъаткорлардан бири Мамасиддиқ Шеряевдир. Самимий чеҳрасида доимо самимий кулгу аксланиб турадиган бу инсоннинг қизиқ гаплари, аския пайровларидаги ўткир жавоблари кириб бормаган ўзбек хонадони бўлмаса керак.

Аскиячиларнинг ўз тиллари билан айтганда аскияни билмаганлар шунчаки тўртта одамнинг суҳбати деб ўйлайди, билган, тушунганлар эса аскиядан чексиз завқу шавқ олиши шубҳасиздир. Аскиянинг асосий шарти ҳозиржавоблик. Ҳозиржавоблик, гапни маромига етказиб айтиш эса Мамасиддиқ Шеряевнинг аскиячилар орасидаги нуфузини, мухлислари эътиборини мустаҳкамлаб келмоқда. Устозлар Юсуфжон қизиқ, Охунжон қизиқ, Муҳиддин Дарвешов каби «уста»ларнинг изидан бориб, ўз даврадошлари билан эл кўнглини шод қилиб келаётган аскиячилар орасида Мамасиддиқ Шеряевнинг ўрни ўзгача.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат

ҲИКМАТ — ЙЎЛ ОЗИҒИ

Абул Фараж

НОТИҚЛИК САНЪАТИНИНГ ЧЎҚҚИСИ

Бир киши айтган экан:

— Ҳақни ноҳақ қилиб, ноҳақни эса ҳақ қилиб кўрсата билиш ва одамларни хоҳламаган ишларини қилишга, хоҳлаган ишларини қилмасликка мажбур эта билиш нотиқлик санъатининг энг олий даражасидир. Чунончи, улар ҳеч қандай даъват бўлмаса ҳам мароқ билан ишласинлар.

ЯХШИСИ ЖИМ ТУРМОҚ

Бир киши айтган экан:

— Гапирганларимдан таассуф қилган ҳолларим кўп бўлган, лекин жим қолганликларимдан таассуфга тушган ҳолларим камдан-кам рўй берган.

ЎЗ СЎЗЛАРИНИНГ АСИРЛИГИДА

— Сўз айтилмаган экан, у шу сўзни айтмоқчи бўлган кишининг асиридир. Сўз айтилиб бўлган экан, айтган киши унинг асирига айланади.

ЎЗГАЛАРНИНГ НУҚСОНЛАРИНИ САНАМА

Бошқа бир киши айтган экан:

— Ўзининг нуқсонларини тузатиш билан банд бўлиб, ўзгаларнинг нуқсонларини санашга вақт кетказмаган киши ҳузур-ҳаловатдадир.

БЕАЙБ ЎЛГАН ЯХШИРОҚ

Суқротни қатл қилгани олиб кетишаётганини кўрган хотини йиғлаб-сиқтабди:

— Шўрим қурсин! Ҳеч жиноят қилмаган бўлсанг-гизда, сизни ўлдириш-моқчи?

Шунда Суқрот жавоб қилибди:

— Э, фаросатсиз! Наҳотки мен жиноят қилиб, шунга муносиб ўлиб кетишимни хоҳласанг?

Шарофиддин КЎНЧИ таржимаси

МЎЪЖИЗА

Флориданинг Панама шаҳридаги Акбар клиникасида ўтказилган бир тажриба Қуръон Аллоҳ таолодан эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Тажриба Қуръоннинг инсонларга раҳмат ва шифо сифатида туширилган оятларига таяниб ўтказилди. Ҳозирги кунда Америкада истиқомат қилаётган мусулмон олим Аҳмад ал-Қадий олиб борган бу тадқиқотда Қуръоннинг инсон вужудига физик таъсири бор-йўқлиги аниқланиши ва бу таъсир компьютерлардан иборат энг замонавий текширув жиҳозлари билан ўрганиб-китоб қилиниши керак эди.

Тажриба учун танланган кўнгиллилар мусулмон бўлмаган, арабчани эса умуман билмайдиган турли ёшдаги аёл ва эркаклар эди. Яъни тажриба Қуръонни ҳеч танимаган ва билмаган инсонларда ўтказилиши мақсад қилинди. Кўнгилларга Қуръоннинг асл арабча матни билан бирга инглизча таржимаси ҳам эшиттирилди. Бу орада Қуръон турли овозларда ўқилган, бу билан товуш-ларнинг хусусияти ва таъсирини аниқлаш ҳам кўзда тутилган эди.

Тажриба бир йилга яқин давом этди. Натижада, фавқулодда бир ҳодиса юз берди. Яъни, Қуръонни тинглаган кўнгилларнинг 97 фоизида руҳий таранглик (стресс) очиқ-ойдин юмшаган ва бу ижобий таъсир физиологик акс таъсирларнинг мухтор асаб силсиласида акс этиши билан юзага келган эди. Тажрибанинг яна бир ўзига хос ютуғи шунда эдики, унда руҳий тарангликни юмшатувчи Қуръон таъсирининг миқдори ўлчанди. Бу ютуқнинг қўлга киритилишида махсус тайёрланган асбоб ва жиҳозларнинг хизмати, албатта, ниҳоятда катта бўлди. Чунки, Қуръон тинглаган кишининг мушакларидаги электрик имкониятнинг ўзгариши, теринниг электрон ҳаракати, юрак уриш суръати ва тана ҳароратининг ўзгариш тарзлари улар ёрдамида ўлчанди. Шу билан бирга, бу ўзгаришлар вужуднинг бошқа аъзоларига, уларнинг вазифаларига қандай таъсир қилаётганлиги ва мухтор асаб силсиласининг ўзгариш ҳажмлари ҳам ҳисобга олинди.

Бу тажрибадан кўринадики, Қуръон вужуд муҳофаза кучини ҳаракатга келтирувчи бир таъсирга ҳам эга экан. Айниқса, бир қанча касалликларни, жумладан, юрак хуружини даволашда Қуръонга мурожаат қилиш зарурлиги ҳам ойдинлашди.

Тажрибанинг биринчи қисми натижалари Шимолий Америка Ислом Тиббий Конгрессининг 17 йиллиги қатнашчиларига тақдим этилганида, катта шов-шув ва олқиш билан кутиб олинди. Чунки, Қуръони карим маънавий жиҳатдан шифобахш бўлиши билан бирга, бошқа сифатлари ҳам борлиги маълум бўлган эди. Ваҳоланки, Қуръонни эшитаётган кўнгилларнинг ҳеч қайсиси унда нима ёзилганлигини мутлақо тушунмас эдилар. Шунга қарамай, Қуръоннинг Аллоҳ каломи эканлигини уларнинг вужудларидаги зарралар тасдиқлади. Бошқа нарсалар ўқиб эшиттирилганда юзага келмаган таъсирлар Қуръон эшиттирилиши билан юзага чиқишининг ўзи улкан мўъжиза эди. Ва бу: «Биз Қуръонни мўминларга шифо ва раҳмат сифатида туширдик»(«Ал-Исро» сураси, 82) оятининг вужуддаги зарралар томонидан тасдиқланишидан бошқа нарса эмас!

Айни пайтда тажрибаларнинг иккинчи қисми кутилмоқда. Аммо олимлар тажрибани давом эттиришга ҳожат қолмаганлигини билдирдилар. Чунки бу илмий ишботлар ҳар қандай шубҳа ва эътирозларга чек қўйган эди.

С.ШОШИЙ тайёрлади.

Дастурхон кўрки

«АЙИҚЧА» ТОРТИ

МАСАЛЛИҚ: 1 ош қошиқ сариёғ, 1 стакан шакар, 1 стакан сметана, ванилин, 1чой қошиқ ичимлик содаси, бир қошиқ сирка, 3 стакан ун.

ТАЙЁРЛАШ: Сариёғ шакар билан эзилади, сметана қуйилади-да, яна аталаб кўпиртирилади. Сода, сирка, ун қўшиб хамир қорилади. Иккига бўлиб, бир қисмига какао қўшилади. Хамир 6та кулчага бўлиниб, пиширib олинади. Ҳосил бўлган оқ-қора кулчалар устма-уст терилиб, орасига крем суртилади. Тортнинг усти ва ёнларига глазур қуйилади.

КРЕМ ТАЙЁРЛАШ: 1 ош қошиқ сариёғ, 1 стакан шакар, 1 стакан сметана, ванилинни аталаб, кўпиртириб, совутгичга қўйилади.

ГЛАЗУР ТАЙЁРЛАШ: 2 ош қошиқ сутга 4 ош қошиқ шакар аралаштирилиб, 50 гр.сариёғ қўшилади. Тинмай аралаштириб, қайнатилади ва совутилади.

БИЛАСИЗМИ?

Олимларнинг олиб борган тадқиқотларига кўра, инсонга ўртача етмиш йил умр кўриши учун қирқ тонна озиқ-овқат, нафас олиши учун эса уч юз саксон минг кубметр ҳаво керак бўлади. Дарвоқе, инсон етмиш йиллик умрининг йигирма уч йилини ухлаб, ўн тўққиз йилини гаплашиб, олти йилини эса овқат еб ўтказар экан.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши, «Миллий тикланиш» газетаси таҳририяти Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, кекса журналист

Шарофиддин ТУРОБОВ (Шарофиддин Кўнчи)нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, кекса журналист

Шарофиддин ТУРОБОВ (Шарофиддин Кўнчи)нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Milliy tiklanish

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ | Бош директор: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Раъно ЗАРИПОВА, Хайринисо МИРЗАЖОНОВА, Шарифа САЛИМОВА, Абдунаби СИДДИҚОВ, Жаннат ТОШМАТОВА, Олим ЎСАРОВ, Мунира ҚОРИЕВА

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 925. Хажми 2 босма табоқ. Адади 1502 Сотувда эркин нархда

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА

Босишга топшириш вақти 20.00 Нашр кўрсаткичи — 158

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, 136-56-29, бўлим — 136-58-80, реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Milliy tiklanish — millat kelajagi

Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2005 yil, 11 noyabr, Juma

21 (327) son

Юртимиздаги қўшма корхоналар мамлакатнинг иқтисодий тикланишига катта ҳисса қўшмоқда.
СУРАТДА: Балиқчи туманидаги қўшма корхона. Илғор ишчи Ўғилой Маҳкамова.

Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Шу йилнинг 7 ноябрь куни парламентдаги Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ушбу йиғилишни фракция раҳбари, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳамедов қисқача кириш сўзи билан очди.

Маърузачи Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокамага қўйилган «Давлат хокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тартиби тўғрисида» ва «Оммавий ахборот соҳасидаги иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари юзасидан ахборот берди.

Йиғилиш иштирокчилари Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган ҳар иккала қонун бўйича қатор фикр ва мулоҳазаларни билдирдилар.

Шундан сўнг сўзга чиққан Олий Мажлис депутати Олимжон Ўсаров Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилдаги Давлат бюджети лойиҳаси ва 2005 йилда қабул қилинган ижроси юзасидан фракциянинг таклифлари бўйича Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг жавобларини шарҳлаб берди.

Фракция йиғилишида партия рамзи акс эттирилган лойиҳа муҳокама этилди.

Партия фракцияси ва Марказий кенгашга кўплаб хатлар келаяпти. Бу партия фаолияти, айниқса, жойлардаги бошланғич ташкилотларнинг иши фаоллашаётганини кўрсатади. Фракция аъзолари ушбу хатлар билан танишиб, фикрлашиб олдилар.

Шунингдек, йиғилишда «Миллий тикланиш» газетаси таҳририятида муштарийлар ва газета ўртасида алоқа яхши йўлга қўйилганлиги, газетанинг дизайнини янада яхшилаш, саҳифаларни кўримли қилиш ҳақида гапирилди. Марказий кенгашдан юборилаётган турли долзарб материалларни ўз вақтида ёритиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Миллий тикланиш демократик партияси пойтахтдаги Миллий театр билан ҳамкорлик қилиш таклифи билан чиққан эди. Бу борада аниқ режалар ишлаб чиқилди. Йиғилишда ушбу масала ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз

УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши томонидан вилоятнинг кўпгина туманларида учрашувлар, мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. 2 ноябр куни Бахмал туманининг Булоқбоши қишлоғида «Огоҳликка даъват» мавзуида ҳуқуқтартибот органлари вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда хўжалик аъзолари, маҳалла фаоллари, мактаб ўқувчилари ва уларнинг устозлари иштирок этишди. Учрашувда кейинги йилларда бутун дунё аҳлини ташвишга солаётган терроризм, диний экстремизм сингари зарарли оқимлар, улардан жабр тортаётганлар ҳақида гап борди. Йиғилганлар бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ёшларимиз уларнинг таъсирига тушиб қолмаслиги учун уларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишни ташкил этиш зарурлигини таъкидлашди.

7 ноябр куни Пахтакор туманидаги 4-мактабда ҳам ана шундай йиғилиш ташкил қилинди. Ўқувчилар партия фаолларидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

8 ноябрда эса Сангзор тумани радиосида партиянинг вилоят кенгаши раиси ўринбосари Фурқат Тошбоев ва партия етакчилари иштирокида жонли эшиттириш ташкил қилинди.

Ўз мухбиримиз

ҲАР ҚАЧОНГИДАН КЎПРОҚ ИШЛАЙМИЗ

Партиямизнинг дастурий мақсадларини ҳаётга изчил тадбиқ этиш, юрт ободлиги ва халқ фаровонлиги йўлидаги фаолиятимизни янада кучайтириш, партия сафларини ташаббускор фидойи зиёли ёшлар билан тўлдириш борасида жойларда аҳоли билан кўплаб учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Кўпроқ халқ ичига кириб боришга, ўзаро фикр алмашиб, унинг дардини, муаммоларини ўрганиб, ҳар бир фуқаро билан бевосита мулоқот қилишга ҳаракат қилмоқдамиз. Вилоят ва шаҳар, туман кенгашлари раислари бошчилигида олимлар ва зиёлилар, халқ ичида катта ҳурмат ва эътибор қозонган фахрийлардан таркибий ва ташвиқот гуруҳлари тузилиб, улар маҳалла фуқаролар йиғинларига, ташкилот ва муассасалар, ўқув юртларига чиқмоқда. Тўғрисини айтсак, одамларнинг «Миллий тикланиш» партиясига бўлган эътибори ортиб боряпти. Оддий халқнинг бизга қизиқиши ва ишончи юқори. Учрашув ва суҳбатлар ўз самарасини бермоқда. Наманганда партия аъзолари сони 8000дан ошди.

Наманган шаҳридаги «Мустақилликнинг 5 йиллиги» «Дўстлик» ва «Қизил кўприк» каби бир қатор маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, маҳалла фаоллари ва фуқаролар билан учрашдик ҳамда шу йилнинг 26 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси ва унда кўрилган масалалар хусусида фикр алмашдик. Ушбу мулоқотларда қатнашган фуқароларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Сенати қабул қилган Баённотни тўла қўллаб-қувватлашларини маълум қилдилар.

Шунингдек, учрашувларда Андижон воқеалари юзасидан ҳам фикр алмашилди ва бузғунчи кучлар томонидан Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, конституциявий тузумга путур етказиш, мамлакатимиз шаънига доғ тушириш, унинг халқаро обрў-эътиборига зарар етказиш йўлидаги ахборот «уруши»га қарши ўз принципиал позициясини билдирдилар, турли ёлғон ва бўҳтонларга учмасликни таъкидладилар. Бу борада партиямиз аъзолари олдинги сафда борадилар ва бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ ишлайдилар, деб ишонч билдираман.

Фахриддин ШАРИПОВ,
ЎзМТДП
Наманган вилоят кенгаши раиси

Хатингизга жавоб берамиз

СИЁСИЙ ТИЗИМ ВА ПАРТИЯЛАР

Ҳурматли «Миллий тикланиш» газетаси таҳририяти! Сиёсий партиялар ҳозирги замон жамиятларида қандай пайдо бўлади ва нима вазифаларни бажаради? Уларнинг аҳолига фойдаси нималарда кўринади?

Раҳима Рамизова,
Пскент

Сиёсий партия — лотинча «pars», «partis» қисм, бўлак, гуруҳ маъносини билдиради. Одатда, сиёсий партиялар мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий ўзгаришлар, ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт жараёнларини, воқеаларни олдиндан билиб олиш, мавжуд сиёсий жараёнларга, инсонларнинг ҳаётига бевосита дахлдор бўлган қарорларни ишлаб чиқариш, қабул қилиш ва амалга оширишда халқнинг фаол иштирок этишини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Мамлакатда сиёсий партиялар бўлмаса, демократиялашиш жараёнларида халқнинг иштирок этиши, уларни уйғотиш, ҳаракатга келтириш мумкин эмас.

Айтиш мумкинки, турли сиёсий гуруҳлар ва ҳаракатлар фаолиятини умумдавлат манфаатлари доирасида жипслаштириш орқали хавфсизлик, барқарорлик ва тинчлик ҳамда танланган йўлдан оғишмаслик мумкинлигини англаб етишда ҳам сиёсий партиялар ўзига хос ўрин эгаллайди. Сиёсий партиялар мавжуд бўлишининг асосий ва бирдан бир принципи давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишдан иборат бўлмоғи лозим.

Жамиятда сиёсий партиялар хилма хил бўлиши мумкин. Уларнинг сиёсий мақсад ва вазифалари ўзларининг дастурларида ўз ифодасини топган. Дунёдаги сиёсий партиялар тажрибаси шуни кўрсатадики, ўз мазмуни ва мақсадига кўра партиянинг сиёсий мақсади сиёсий ҳокимият учун курош олиб боришдан иборат.

Хўш, сиёсий партиялар нима учун сиёсий ҳокимият учун кураш олиб боради? Бу саволнинг маъноси шундаки, аксариятимиз якка партиявийлик шароитида улғайиб, ўша шароит таъсирида дунёқарашимиз ҳам шаклланганлиги сабабли бунинг асл моҳиятига етиб боришимиз, уларни англаб олишимиз зарур.

Турли жамиятлар сиёсий тизими бир партиявийлик, икки партиявийлик ва кўп партиявийлик билан характерланади ҳамда улар ўртасида муайян ҳуқуқий асослар, нормалар мавжуд.

Ўзбекистон мустақиллик туфайли ўзига хос сиёсий тизим ва кўппартиявийлик тамойилларига амал қилиб, уни амалга оширишга дунёвий ва ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ёндошмоқда. Демократик жараёнларнинг чуқурлашувида сиёсий партияларнинг роли катта. Шунинг учун ҳам сиёсий партияларнинг жамият сиёсий ҳаётида фаолроқ иштирокини таъминлашга катта эътибор берилмоқда.

Сиёсий партияларнинг фаолияти қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилади:

1. Ўз фаолиятининг мақсадларини аниқлаш ва белгилаш, ўзининг сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний қарашлари тизимини яратиш ва уларни кенг омма орасида ёйиш;

2. Жамият аъзоларининг турли манфаатларини ўз фаолияти ва ҳужжатларда рўёбга чиқариш, мумкин қадар кенг қамраб олиш ҳамда маъқулланган партияга айлантиришга интилиш;

3. Турли органларга сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишда ўринли ва долзарб шиорларни ўртага ташлаб, мумкин қадар сайловчиларнинг кенг доираси овозини ўз фойдасига ола билиш;

4. Сиёсий партия сафларига янги аъзоларни тортиш ва саралаш йўли билан унинг етакчилари, фаолларини шакллантириш;

5. Партия дастурларида кўрсатилган вазифалар ва ваъдаларни қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи давлат органлари орқали амалга оширишга ҳаракат қилиш.

Албатта, жамият сиёсий соҳасидаги ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад давлат ва жамият ҳаётини тўла эркинлаштиришдан иборат. Бу эса Менга, Сизга — ҳаммамизга бевосита ва билвосита боғлиқдир. Ҳозирги янгиланиш жараёни бошқа жамоат ташкилотлари қатори сиёсий партиялар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Чунки, халқимиз улардан кўп нарса кутишга ҳақлидир.

Таъкидлаш жоизки, омма ишончи, сиёсий етуклик ҳар бир партия фаолиятида асосий мезонга айланиши даркор. Бу эса биринчи навбатда давр билан ҳамоҳанг қадам ташлашни, жамият ҳаётидаги муаммоларга нисбатан фаол муносабат билдиришни тақозо этади. Чиндан ҳам сиёсий партиялар кишиларни ғоявий тарбиялаш, демократик жараёнларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоғи зарур. Мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловлар буни яна бир карра тасдиқлайди.

Демак, айтиш мумкинки, бугунги жамиятимиз сиёсий ҳаётида янгича ижтимоий тараққиётни кўзлайдиган, эски қарашларга қарши тура оладиган том маънодаги партиялар шаклланмоқда.

Мамлакатимизда бўлиб ўтган парламент сайловлари сиёсий партиялар томонидан илгари сурилган ғоялар халқимиз онгига қай даражада етиб борганлигини кўрсатади. Партиялар илгари сураётган ғояларга аҳоли ўртасида қизиқиш билан қараладими-лигидан ҳам далолат беради. Аммо сайловларда бешта партия бешта сиёсий куч эканини, уларнинг ҳар бири аҳоли орасида ўз тафаккурига эга эканлигини ҳам ёддан чиқармаслик керак.

Бунинг барчаси жамият ҳаётини тўла эркинлаштириш, юртимизда тадбиркорлик тамойилларини қарор топтиришда ва уларнинг мавқеини оширишга қаратилган ғояларнинг таъсирчанлиги ва ҳаётбахш кучни яққол кўрсатиб туради. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида эски ақида ва ғояларга қарши курашиш учун барча манфаатдор кучлар, энг авало, аҳоли қатламлари қарашларини ифода қиладиган сиёсий партиялар ўртасида ўзаро ҳамкорлик-нинг бўлиши ҳаётий зарурият-дир.

Мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг ҳар бири ўзига хос ғоя ва нуқтаи назарларга эга бўлиши керак. Айни пайтда сиёсий партиялар асосий ҳал қилувчи масалалар юзасидан аниқ позицияни эгаллашлари, зарур бўлса, уларнинг ечимини излаб топишлари ва ҳаётга татбиқ этиш йўлида бирга ҳаракат қилишлари муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаганимиздек, сиёсий партиялар давлат ва жамият ўртасида воситачилик ролини ўйнар экан, хўш, улардан қай бирига яқинроқ туради?

Демократик мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, сиёсий партияларнинг илдизи жамиятга кириб борса, юқори қисми давлатга етиб боради. Яъни, партия жамият ичидан чиқиб, уларнинг муаммоларини чуқур англайди-да, сиёсий йўл билан ҳал этиш учун ошкора ўртага ташлайди.

Бошқача қилиб айтганда, партиялар муаммони ҳал этиш йўлида ошкораликни таъминлаб, жамоатчилик назоратини ўрнатишга олиб келади.

Хуллас, мамлакатимизда сиёсий партиялар фуқароларнинг қарашлари, манфаатлари ва мақсадлари муштараклиги асосида тузилгандир. Улар давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмадир.

Нурилла ТОҒАЕВ,
СамДУ социология кафедраси аспиранти

«ДАВЛАТ ТИЛИ – ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ!» ИЖОДИЙ ИНШО ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

Газетамизнинг ўтган сонида маълум қилинганидек, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ташаббуси ва Республика Халқ таълими вазирлиги, «Маърифат», «Миллий тикланиш» газеталари ҳамкорлигида ўтказилган ижодий иншо танловининг сўнгги — Республика босқичи ниҳоясига етди!

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги таълим нодавлат тилида олиб борилаётган мактаб ўқувчилари иштирок этишди.

Танлов ҳайъати танлов иштирокчиларининг давлат тилини ўзлаштириши, унга бўлган эҳтироми, ёшлар ўртасида давлат тилига бўлган қизиқиш ва ҳурмат туйғусини кучайтиришга қаратилган фикр-ўй ва кечинмалари нечоғли равон, таъсирчан ва намунали баён этилганлигидан келиб чиқиб, ғолибларни аниқлади:

1-ўрин:

Ким Вика — Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги таълим рус тилида олиб бориладиган 56-ўрта мактаб ўқувчиси.

Тиллаева Нигора — Хоразм вилояти Урганч туманидаги таълим туркман тилида олиб бориладиган 29-ўрта мактаб ўқувчиси

2-ўрин:

Алиева Зулфина — Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги таълим рус тилида олиб бориладиган 66-ўрта мактаб ўқувчиси

Талтыгина Виктория — Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги таълим рус тилида олиб бориладиган 246-мактаб ўқувчиси

3-ўрин:

Алимбоева Наргиза — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги 50-ўрта мактаб ўқувчиси

Аурека Фрунза — Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 259-ўрта мактаб ўқувчиси

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий Кенгаши танлов ғолибларини табриклайди, чуқур билимларни эгаллашда муваффақият тилайди.

Ғолиблик муборак, азиз ўқувчи фарзандларимиз!

Аурика Фрунза: ЖОН-ДИЛДАН ҚАТНАШДИМ

— Менда ўзбек тилига бўлган қизиқиш боғчадан бошланган. Мактаб ва маҳалламдан ўргандим. Ўзбек тили сирларини ўрганишимда ўзбек тили ўқитувчимиз Г.Солиева, ЎзМТДП Юнусобод туман кенгаши раиси М.Ибрагимова-лар яқиндан ёрдам беришди. Иншолар танловида жон-дилдан қатнашдим.

Бизда ҳар октябр ойида «Ўзбек тили ойлиги» бўлиб ўтади. Бунга ҳам тайёрланамиз. Миллий урф-одатларни ўрганамиз.

Мен келажакда иқтисодчи бўлмоқчиман. Ўзбек тилини чуқур билиш комил инсон бўлиб етишиш учун жуда зарур деб ўйлайман. Ўзини зиёли деб ҳисобловчи ҳар бир инсон ўзбек тилини билса, албатта, нур устига аъло нур.

ЎзМТДП вилоят ва туман кенгашлари, партия фаоллари ва хайрихоҳлари, муштарийларимиз диққатига!

«Миллий тикланиш» газетасига 2006 йил учун обуна-уюштиришда қатнашиб, туман кенгашлари ва фаоллари, хайрихоҳлари, муштарийлари йиллик обуна миқдорини 50 донадан, вилоят кенгашлари эса 200 донадан оширса, ташкил қилган жами обунаси учун ҳар дона газетага 750 сўмдан мукофот пули берилади.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши «Миллий тикланиш» газетасига жойларда обуна уюштириш, унинг мазмундорлиги ва мундарижасини бойитишга катта ҳисса қўшган партиянинг вилоят кенгашларини йил якунида алоҳида қимматли совғалар билан тақдирлайди.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ИНДЕКСИ: 158

Навбатдан ташқари йиғилиш

ГАЗЕТАМИЗНИ ЎҚИЯПСИЗМИ?

Яқинда бўлиб ўтган ЎзМТДП фракциясининг йиғилишида партия нашри бўлган «Миллий тикланиш» газетасининг дизайни, мазмун-мундарижасини янгилаш, газета янада ўқишли бўлиши учун унда бугунги кундаги долзарб мавзуларни кенг ёритиш, таҳлилий мақолалар бериб бориш, саҳифалардаги мақолаларни кўримли қилиб бериш ва бошқа бир қанча зарур масалалар ҳақида гапирилган эди. Таҳририятимизда партия Марказий Кенгаши вакиллари иштирокида бўлиб ўтган таҳрир ҳайъати йиғилиши ана шу жонли, танқидий фикрларнинг давоми бўлди. Йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов, раис ўринбосари Хайринисо Мирзажонова ҳамда Олий Мажлис депутати Олимжон Ўсаровлар иштирок этишди.

Х.Дўстмуҳамедов таҳририят ходимларига ўзининг таклифларини айтди. Таҳририят ижодий столи атрофига вилоятлардан қалами ўткир мухбирларни йиғиш, муштарийлар билан алоқани яхшилаш, уларнинг талабидан келиб чиқиб иш тутиш зарурлиги масаласи ўртага ташланди. Газетанинг бош муҳаррири Иброҳим Ғафуров, таҳририятнинг ижодий ходимлари ҳам бу борада ўзларининг шахсий фикрларини билдиришди. Мажлис якунида аниқ режалар белгилаб олинди.

Унга кўра газетада ижтимоий-сиёсий, маиший, муаммолий мавзулардаги мақолалари билан қатнашган, таҳлилий саҳифалар тайёрлаган мухбирлар партия Марказий кенгаши томонидан рағбатлантириб борилади.

Бир сўз билан айтганда, «Миллий тикланиш» — миллатнинг кўзгуси бўлиши керак!

Газетамизни ўқияпсизми? Унда яна қандай мавзулар ёритилишини, нималарни ўқишни хоҳлайсиз? Биз ўзимизга шу саволни бериб кўрдик. Бугун ана шу савол атрофида баҳслашиб, суҳбатлашиб олдик.

Сизчи, сиз бу гапларга нима дейсиз, азиз газетхон? Бизга савол беринг, жавоб берамиз! Хат ёзинг. Сизнинг мактубларингизни кутяпмиз.

«Миллий тикланиш»чилар

ГАЗЕТАМИЗ САФАРДА

ЖОЙЛАРДА «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» КУНЛАРИ

«БАҲОДИРЛИК ДИЁРИН ФАХРИСИЗ, УСТОЗ ДЕҲҚОНЛАР»

Чуст ўзининг дўпписи-ю, пичоғи билан маълуму машҳур. Саховатли ҳунармандлари билан оғизга тушган. Мана, икки йилдирки, чустлик деҳқонлар қишлоқ хўжалигининг барча жабҳаларида вилоятда илғорлар сафига чиқиб олишди.

Ўшанда пахта терими айни авжига чиққан кунлар эди. Туман ҳокими Баҳодир Юсуповга газетамизда мақола ёритиш ҳақидаги муддаомизни айтгандик, у ҳосилни йиғиштириб, режаларни уддаласак, газетага чиқсак ярашади, деб камтарлик қилганди. Биз ҳам чустликларнинг хирмонларига барака тилагандик. Мана, яхши ниятлар амалга ошиб, Чуст тумани пахта етиштириш режасини вилоятда биринчилардан бўлиб уддалабди. Хирмонлар оқ-олтинга тўлибди. Режага қўшимча минглаб тонна пахта топширилганини айтмайсизми!

Чустда ўнлаб фермерлар, хўжалик раҳбарлари, бобо-деҳқонлар билан мулоқотда бўлганимизда, уларнинг барчаси қўлга киритилаётган ютуқларни туман раҳбари Баҳодир Юсупов фаолияти билан боғлашаётир. Дарҳақиқат, икки йилдирки, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларидаги режалар ортиғи билан уддаланган. Ўтган йилги оғир шароитда ҳам туман пахтакорларининг юзи ёруғ бўлган.

Туманда жорий йилнинг тўққиз ойида саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, капитал маблағларни ўзлаштириш, чакана савдо айланмаси, маиший хизмат кўрсатиш, экспорт ҳажмлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кескин ортган. 14,1 километр табиий газ, 7,7 километр ичимлик суви қувурлари тортилиб, фойдаланишга топширилди.

Олмос қишлоғида 600 ўринли янги касб-ҳунар коллежи ишга тушди. Таълим дастурида белгиланган бешта умумтаълим мактаблари капитал таъмирланди. Тўққиз ойнинг ўзида 153 та янги хусусий корхоналар рўйхатга олинди. Тумандаги кичик корхоналарнинг ўзида 46,9 минг киши меҳнат қилиб келаётир. Гўшт, сут, тухум ишлаб чиқариш миқдорлари кескин ортди.

—Қишлоқ хўжалигида камроқ харажат қилиб кўпроқ даромад олиш йўли билан ислоҳотларни амалга ошириш натижа беради,— дейди Баҳодир Юсупов. —Жорий йилда қишлоқ хўжалигининг ўзидан туман бўйича 762 миллион сўм соф фойда олинаётир. Рентабеллик даражаси ҳам ўтган йилгига нисбатан ўсди.

Чустда ер майдонларининг кўп қисми адирликлар, тошли жойлар. Шунга қарамай, бободеҳқонлар ишнинг кўзини билиб меҳнат қилишлари яхши самара бераётир. Туман бўйича ўртача ҳар гектар майдондан 44,8 центнердан ғалла етиштирилди. Салкам қирқ саккиз минг тонна ғалла тайёрланиб, давлатга сотиш режаси 103,5 фойзга уддаланди. Айрим фермерлар ва пудратчилар ҳар гектардан 60-65 центнердан дон олишди. Ғаллачиликда рентабеллик даражаси 26,1 фойзга етди. Бир гектар майдонда ғалла етиштириш учун 328,2 минг сўм харажат қилиниб, 382 минг сўм даромад олинди.

Энг қувончлиси, пахтакорлар етиштирган хом ашёнинг 90 фойзини юқори навларга сотишди. Ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан ҳар гектар майдон ҳисобига 1,4 центнерга ортди. Агар ўртача бир тонна пахтани сотилиш баҳоси 285 минг сўм бўлса, бир тонна пахта етиштириш учун 267 минг 840 сўм харажат қилинди.

Туманда хорижий ҳамкорлар иштирокида тўртта — «Хоко», «Чуст-«Голден-Фрут» «Мармар-ф», «Барион» қўшма корхоналари фаолият кўрсатаётир. Жорий йилнинг тўққиз ойида улар томонидан 667,1 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

Туман ҳудудлари қўшни Қирғизистон билан чегарадош. Чегара ҳудудларида яшовчи кам таъминланган 228 нафар оилага меҳнат ва аҳолини иш билан банд этиш жамғармасидан чорвачилик билан шуғулланишлари учун 140 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди.

«Варзик» ширкат хўжалиги далалари ҳам қўшни Қирғизистон тоғларига яқин. Кексаларнинг айтишича Варзик — тепалик дегани. Хўжалик ҳудудида ҳам тарихий тепалик бор. Бу тепалик муқаддас ҳисобланади. Бу жойнинг ҳавоси жуда мусаффо. Дов-дарахтларнинг барглари куз қуёшида олтиндек товланади. Хўжалик пахтакорлари учун бу йил жуда эсда қоладиган бўлди. Чунки ўн етти йилдан буён хўжалик пахта топшириш режаларини бажаролмай доғда қолиб келарди. Ва ниҳоят, уларнинг юзлари ёруғ бўлди.

—Экин майдонларимиз деярли тошлоқ ерлар,—дейди хўжалик рахбари Фарҳод ака Ҳожиматов.— Устига-устак адирлик. Бундай шароитда деҳқончилик қилишнинг ўзига яраша машаққатлари бор.

Варзик қишлоғида ўн етти минг аҳоли истиқомат қилади. Албатта, уларнинг яхши яшаши қишлоқ хўжалигидан олинадиган даромадга боғлиқ.

—813 гектар майдонда пахтанинг «Наманган-77» навидан юқори ҳосил олдик,— дейди хўжалик иқтисодчиси Акбар Йўлдошев. —Тошлоқ ва адир ерларнинг ҳар гектаридан режада белгиланган 21 центнер ўрнига 22 центнер ҳосил олинди. Бош пудратчилар Солижон Деҳқонов, Солижон Жўраев, Набижон Омонов, моҳир теримчилар Саноат Ҳошимова, Фароғат Шарипова, Шароби Дадабоева, механизаторлардан Зоҳиджон Шаропов, Мавлонберди Болтабоев, Умар Абдураҳмоновлар юқори самарадорликка эришдилар. Хўжалик бўйича етиштирилган пахта ҳосилининг деярли 90 фоизи юқори навларга сотилди. Ўн миллион сўмдан ортиқ соф фойда олиш кутилаётир. Эндиги мақсад фойда миқдорини йилдан-йилга ошириб бориш.

Варзик қишлоғидаги иккита мактаб таълим дастури режасига кўра қайта капитал тамирлангани жуда улуғ иш бўлди,—дейди хўжалик раҳбари.

—Масалан, 60-сонли мактаб қошида болалар спорти мажмуаси бунёд этилди. Бу эса ёш авлодга эътибор-ғамхўрлик намунаси.

Ҳа, чустликлар меҳнат қилишни ҳам, дам олишни ҳам яхши билишади. Сиз ҳафсала қилиб туман марказидаги Мавлоно Лутфуллоҳ маданият ва истироҳат боғига бир келинг, у ерда ҳордиқ чиқараётган минглаб ҳамюртларимизни кўриб, ҳавасингиз ошади. Бу гўшага водийнинг барча вилоятларидан меҳмонлар келиб, маданий дам олиб қайтишади.

Чуст ва чустликлар ҳақидаги мақоламиз ниҳоясида Чустий домланинг ушбу мисралари ёдга тушди:

«Баҳодирлик диёрин фахрисиз, устоз деҳқонлар,
Таъзим этгай сизга тоғлар, эй, марди майдонлар».

Ўринбой КЕНЖАЕВ

АЛИЖОН ПАЙҒАМОВЛАР ҲАЁТ...

Эҳтиром

Эзгуликни ҳаётининг мазмуни деб билганлар ўн минглаб, юз минглаб одамлар ичида бир-икки нафар учрайди, холос. Алижон ака Пайғамов дилида ҳам, тилида ҳам бир хил куйни-яхшилик куйини нола қиларди. Уч-тўртта шеър ёзиб, китоб чиқариб шоирман дегувчилар, юз-икки юз туп дарахт экиб пири-боғбонликни даъво қилгувчилар, гоҳ-аҳёнда эҳсон қилиб ўзини мурувватпеша билгувчилар ҳам топилади. Ҳаёти давомида камтарлик кўчасини асло тарк этмаган, фикрларини доимо оғир босиқлик ила билдира оладиган, ғарибларга саховат гулшанидан бол тутган, бир кун савоб қилмаса тунлари уйқуси қочган, бор меҳр-шафқатини одамларга бахшида этган, ҳаёти мобайнида ўн минг гектарлаб боғлар яратган, аҳли аёлига садоқат борасида асарларга қаҳрамон бўлса арзигулик инсон, ўзидан фақат, фақат ва яна фақат яхшилик қолдирган Алижон ака бугун яна ёдимга тушди. Тўғриси, мақола ёзмоқчи бўлган қаҳрамонимнинг феъл-атвори у кишиникига ўхшаб кетган бир улуғ сиймони эслатди.

Фарзандларим нега журналистлик касбини бунчалик яхши кўрасиз, деган саволни тез-тез беришади-ю, шошилганимдан жўяли жавоб топиб-тополмай қоламан. Қизиғи, болаларимнинг учови ҳам журналист бўламан, деганида қувониб кетавераман. Йигирма йилдан ортиқ мухбирлик фаолиятимда Алижон Пайғамовга ўхшаган ўнлаб самимий инсонлар билан ота-боладай бўлиб, уларнинг зиёга йўғрилган суҳбатларига ошно бўлганман. Бундай омад, бундай бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

Ёдимда, бундан чамаси ўн йил аввал узоқ йиллар «Қишлоқ ҳаёти» газетасига муҳаррирлик қилган устозим Неъмат ака Ёқубовнинг рафиқалари оғир хасталикдан озор чекарди. Келинойи мустақил ҳаракатланолмай қоларди. Тошкентдан Фарғонанинг Чимёнига ҳар йили икки марта даволатиш учун олиб бориларди. Даволанишга кетаётганида автомашинага кўтариб олиб чиқиларди, Фарғонадан қайтар чоғи эса оёққа туриб юриб кетарди. Неъмат аканинг меҳридарёлигини қарангки, хатто аёллар ҳожатхонасига рафиқасини кўтариб олиб кириб чиқарди. Бу ҳолни кўриб беихтиёр кўзларимга ёш келарди. Бир гал уларни Чимёнга жойлаштириб қайтар чоғи Алижон ака зиёратига кирдим. Алижон ака Қўқоннинг шундоққина ёнидаги «Соҳибкор» хўжалигида раис бўлиб ишларди. Неъмат ака ҳаётидаги кўрган-билганларимни Алижон акага айтсам, аёлга садоқат ила йўғрилган меҳрибонлигини эшитиб вужуди титраб кетди, кўзларига ёш келди. «Аёлни қадрлаган бундай инсонга ҳайкал қўйса арзийди, унинг ҳузурига бориб, минг таъзим қилиб келаман». Алижон ака эртасигаёқ Чимёнга борибди. Неъмат ака ва келинойининг ҳолидан тез-тез хабар олиб турибди.

Алижон ака жуда кўп китоб ўқирди. Ёзувчиларни қалбининг тўрида сақларди. Тақдиримдан шукур қиламан, Алижон Пайғамовга ўхшаган улуғ инсонлар ўзбек журналистикасининг устунларидан бири, таниқли адиб Мақсуд Қориев, янгийўллик меҳридарё, саховатпешаликда тенги йўқ инсон Ўлмас ака Машарипов, тартиб- интизомни ҳаётининг мазмуни деб билгувчи, даласи учун жонини ҳам беришга тайёр, иқболи баланд, чўлда бўстонлар яратиб донг таратган жиззахлик Мўмин ака Қаҳҳоров, адолатни сўйлаб, ҳақиқатнинг ҳимояси учун оромларидан кечишга қодир, волидаи муҳтарамаси умрини боғ яратишга сарфлайди деб дунёга келтирган, уста боғбон қашқадарёлик Зариф ака Бурҳонов каби ўнлаб улуғлар билан кўп марта мулоқот қилганимдан, улар ҳақида мақолалар ёзганимдан фахрланиб юраман.

Энг аввало, умрини мактабга, адабиётга, ижодга бахшида этган, Навоийни илоҳий устози деб билган, иймон-эътиқодда, дини- диёнатда тенги йўқ, меҳрибон падари бузрукворим (илоҳо, жойлари жаннатда бўлсин) Кенжабой отамнинг зурриёти бўлиб дунёга келганимдан яратганга беадад шукурлар қиламан.

Ҳа, номлари тилга олинганларнинг барчаси ҳар қандай қийин вазиятларда ҳам инсонни, инсонийликни, миллий қадриятларни улуғлаганлар, улуғлаб келишаётир.

Гоҳида газета саҳифаларида олди-қочди, ўткинчи рақамларга тўлган мақолалар бериб муштарийларни зериктириб қўяётганимиз ҳам бор. Бу галги қаҳрамонимиз хусусида дангал, мухтасар гап қилгимиз келди: қаерда ишласа омад уни қувиб юрадиган, оромини элига, юртига, вазифасига бахшида этадиган, энг оғир жабҳада ҳам кимлигини кўрсатиб юрган, суҳбатдошига ниҳоятда эътиборли, ҳалолсўз, кўксига сенаторлик нишони ярашиб турган Нўъмон ака Омоновни Алижон Пайғамовга ўхшатдим. Ўн йилдан бери қолоқлик ботқоғидан чиқолмай, муаммолар гирдобига ғарқ бўлаётган Охунбобоев тумани пахтакорлари ва ниҳоят Нўъмонжон аканинг шарофати ила режаларини ортиғи билан уддаладилар. Туманда қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича мўлжалланган режалар ортиғи билан бажарилди. Бободеҳқонларнинг қувончларини айтмайсизми?! Нўъмонжон ака билан суҳбатлашиб ўтириб- ману, Алижон Пайғамовлар ҳаёт эканига, улар ҳали узоқ яшаяжагига иймон келтирдим. Ҳоким йил бошида охунбобоевликларнинг шижоатини бизнинг «Миллий тикланиш» газетамиз биринчи бўлиб эътироф этганини, улуғ ниятлар баён қилганини эслади. Ниятларимиз ижобат бўлганидан биз ижодкорларнинг ҳам бошимиз осмонга етди.

Тилагимиз — бир-биридан мўмин-қобил фарзандларингиз бахтига бошингиз омон бўлсин, Нўъмонжон ака!

Хайрлашар чоғи унинг телефони жиринглаб қолди. Нўъмон аканинг юз-кўзлари қувончга тўлди. Сабаби, пойтахтдан сенат аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони, севимли шоиримиз Эркин ака Воҳидов туман пахтакорларини меҳнат ғалабаси билан қутлаш учун қўнғироқ қилибди. Элнинг буюк шоири эсласа қувонмай бўладими?! Яхши ниятлар қилдик: туманга барака қайтгани рост бўлсин!

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН

Шу ойнинг охирида ўзбек санъати ва маданияти тарихида алоҳида ўрин тутган Тошкент Давлат санъат институтининг 60 йиллик юбилейи нишонланади. Дарҳақиқат, ушбу даргоҳ ўзининг бой тарихига эга. 1945 йилда Тошкент гарнизонининг казармасига мўлжаллаб қурилган, сўнгра эса госпиталга айлантирилган бинода ташкил этилган институтнинг 60 йиллик фаолият йўли осон кечмади. Лой, хом ғишт, бордон каби материаллардан қурилган бино ҳар бир таъмирдан кейин нари борса ярим йил ўтар-ўтмас, яна аввалги ҳолига қайтар, одам юрганида поллари лопиллар, Тошкентнинг сейсмик минтақада жойлашганлиги умуман инобатга олинмаганди. Бундай ҳол таълим сифатига таъсир қилмай қолмасди, албатта. Ўқув аудиториялари етишмас, ускуна ва жиҳозлар эскирган, студияларнинг мутлақо йўқлиги оқибатида эса дарс машғулотлари икки-уч сменада ўтиларди. Шундай бўлсада, Тошкентда Театр санъати институтининг очилиши Ўрта Осиё Республикалари ва Қозоғистон театрлари ҳаёти тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Чунки у бутун регион учун юқори малакали кадрлар-режиссёрлар, актёрлар ва театршуносларни тайёрлаб беришга даъват этилганди. Тошкент театр ва рассомлик институти Ўзбекистон ва Ўрта Осиё республикаларига театр ва рассомлик санъатидан олий билим берадиган даргоҳга, илмий-педагогик кадрлар ҳамда ижодкор зиёлиларни тайёрлайдиган чинакам устахонага айланди. Барча театрларда актёрлик санъатини бутун нозикликлари билан намойиш этаётган санъаткорларнинг кўпчилиги шу институтда таълим олган. Ўзбекистон радио ва телевидение эшиттиришларида фаолият кўрсатаётган ижодкорларнинг катта қисмини мазкур олий ўқув юрти қалдирғочлари ташкил этади. Бу ерда Назира Алиева. Н.Тимофеева, Сора Эшонтўраева, Ҳалима Носирова, Асад Азимов, Саттор Ярашев, Тўла Хўжаев, Раззоқ Ҳамроевдек ўз касбининг фидойилари ўзларининг билим ва тажрибаларини бўлажак ижодкорларга бағишлаганлар. Бугунги ёш авлодга эса юртимизнинг таниқли актёр ва режиссёрларидан: Хайрулла Саъдиев, Боир Холмирзаев, Мунаввар Абдуллаева, Арсен Исмоилов, театршунос ва журналистларидан Тоир Исломов, Тошпўлат Турсунов, Мухтор Худойқулов, Тўлқин Қозоқбоев ва бошқалар дарс бериб келишмоқда. Санъат ва санъаткорлар шахси, ўқув жараёнини ташкил этиш, юксак истеъдодларни тарбиялаш борасида катта хизмат қилишмоқда.

«Тўйга тўёна билан» деганларидек, шу йилнинг июл ойида ҳукуматимизнинг матбуотда эълон қилинган «Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори санъат институти домлалари ва талабалари учун катта янгилик бўлди. Пойтахтимизнинг Миробод тумани Мироншоҳ кўчасида жойлашган бинолар мажмуи институт жамоасига туҳфа этилди. Мустақиллик арафасида юртбошимиз у ерга ташриф буюриб, қурилиш сифатини, аудиториялар жиҳозланишини, замонавий мусиқа асбобларини кўздан кечирдилар. Ўз таклиф ва мулоҳазаларини иштирокчиларга билдирдилар.

—Президентимиз бизнинг ўй-фикрларимиз, орзу-истакларимиз билан қизиқди,—дейди ўша учрашувни хотирлаб 4-курс талабаси Зебинисо Ҳасанова.— Бир ой муддатда қуриб битказилган мана шундай бинода ўқиш биз учун қувонч бағишлайди.

Ишга туширилган бу бино чиройли бўлиши билан бирга жуда қулай ҳам. Унинг лойиҳаларига санъат соҳасидаги олий ўқув юртлари ўқув-ижодий жараёнларининг ўзига хослиги ва алоҳида талабларни инобатга олган ҳолда тегишли тузатиш ва қўшимчалар киритилди. Ўн саккизта маҳорат синфи, аудиториялар, студиялар ва бошқа зарур хоналар техникавий воситалар, ускуналар, мебель, дарслик ва ўқув-услубий адабиётлар билан тўлиқ таъминланди. Жумладан, суратга олиш технологиялари ва овоз мосламалари замонавий «Nikon», «Yamaha», «Canon» фирмаларидан келтирилди. Ўқув театридаги чироқлар, ҳатто пардалар жойлашувига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қирқта замонавий пианино, роял ва компьютерлар талабалар ихтиёрига берилган. Бугунги кунда институтда 13та йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Эътиборли томони, институт иш режасидан халқаро ҳамкорлик ҳам ўрин эгаллаган. Жумладан, Германиянинг қўғирчоқ театри жамоаси билан келишувга кўра, улар институтда «мастер-класс»лар ўтказишади ва ўз навбатида талабалар ижросидаги спектакллардан ҳам баҳраманд бўлишади.

Юбилейнинг айнан янги бинода нишонланишини ҳам ўзига хос сабаблари бор. XXI аср руҳияти акс этган ушбу даргоҳда таълим олиш ҳар бир талабага ифтихор бахш этади ва келажакда уларнинг комил инсон бўлиб етишига замин ҳозирлайди.

Суннатилла ИСЛОМОВ

Токнинг қарови яхши бўлса ҳосили ҳам мўл бўлади.

КЕЛАЖАККА ҚАДАМ

Бугун жамиятни ахборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Агар ахборот маҳсулотларини энг кўп тасарруф қилаётган давлатлар рўйхатига назар ташласак, улардан кенг фойдаланаётган мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам, ишлаб чиқариши ҳам юқори эканлигининг шоҳиди бўламиз. Ахборот технологияларисиз тараққиётга эришиб бўлмаслигини давр тасдиқ этмоқда.

Ўзбекистонда ҳам ахборотлаштириш соҳасида мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистонда жаҳон ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланувчиларнинг сони тобора ортиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, Тошкент ахборот технологиялари университети республикамизда, қолаверса, Марказий Осиёда ягона саналган халқ хўжалигининг турли-туман соҳалари учун юқори малакали дастурчи, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассислар етиштириб берувчи етакчи олий ўқув юртларидан бири саналади. Бу ерда талабаларнинг замонавий билим асосларини пухта эгаллашлари, ҳар томонлама камол топишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Кейинги йилларда телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасига, олий ўқув юртимизнинг ривожига катта эътибор билан қаралмоқда. Бу Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов университетнинг 50 йиллиги муносабати билан йўллаган табрикномасида тўла ифодасини топди.

Университет кутубхонаси талабаларнинг фойдаланишлари учун етарли китоб фондига эга. Талабалар замонавий адабиётлардан, Интернет тизимидан мунтазам фойдалана оладилар. Ўқитиш жараёни эса илғор педагогик технологиялар ва компьютер тизими ёрдамида олиб борилади.

Ташкил топганининг 50 йиллиги муносабати билан университетда ҳозирги кунда таъмирлаш, жиҳозлаш ва замонавий компьютерлар билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ишларга университет ректори, профессор Содиқжон Қосимов, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар бўйича ректор ўринбосари Ниғматилла Мўминов ҳамда бошқа кўплаб фидойи кишилар бошчилик қилмоқдалар. Университетимиз обрўсини бунданда ошириш учун биз талабалар ҳам олдимизга аъло баҳолар билан ўқишни, жамоат ишларида фаол иштирок этиш, барча турдаги олимпиада ва беллашувларда совринли ўринларни эгаллашни мақсад қилиб қўйганмиз.

Элдорбек АКРОМОВ,
ТАТУ II курс талабаси

БОЛА ЎЗ ИХТИЁРИ БИЛАН «ҚУЁН» БЎЛАДИМИ?

Бугуннинг гапи

Қадрли «Миллий тикланиш» таҳририяти!

Сиз билан мени анчадан бери ўйлантириб келаётган бир масала хусусида ўртоқлашмоқчиман.

Эрта тонгдан кимдир ишга, кимдир олий ўқув юртига, яна кимдир мактабга, хуллас, барча ўз манзили сари ошиқади.

Ўзбеклар серфарзанд халқ. Фарзандлари «одам бўлиши» учун жон-жаҳди билан кеча-ю кундуз тиним билмай меҳнат қилади. Бир хонадонда тўрт фарзанд бўлса, шундан иккитаси талаба ва биттаси ўқувчи бўлишини ҳеч ким инкор эта олмайди. Биламизки, жамоат транспорти йўловчиларининг аксариятини мактаб ўқувчилари, талабалар ташкил этади. Қайси жамоат транспортини олиб қараманг, «7 ёшдан йўл ҳақи 100 фоиз тўланади» деган огоҳлантирувчи ёзувга кўзимиз тушади.

Ҳар бир ўзбек хонадонида камида тўрт нафар фарзанд бор. Агар шу тўртала фарзанднинг уч нафари, иккита ўқувчи ва бирови талаба бўлса, албатта, йўл ҳақига пул бериш ёки ойлик чипталарини сотиб олиш ота-оналарга нақадар қийинчилик туғдиришини тасаввур қилаверинг.

Яқинда автобус(72-экспресс)да бўлиб ўтган бир воқеа йўловчиларнинг норозилигига сабаб бўлди. Чиптачи бир болакайни елкасидан туртиб, автобусдан тушириб юбормоқчи бўлди. Унга қараб чидаб туролмадим. Тушликдан иқтисод қиларман деб ўйладим-да, болакай учун ҳақ тўладим. Автобус сал тинчигач, болакайдан секин сўрадим:

— Нима, ота-онанг автобусга пул беришмайдими?

Бола елкасини қисди:

— Ойим битта ўзи ишлайди, адам йўқ... Раҳмат, амаки,—деб жавоб қайтарди.

Чиптачилар болаларни аро йўлда тушириб қолдирганларининг жуда кўп гувоҳи бўлганман. Шундай пайтларда фарзандларидан икки нафари олий ўқув юртларида шартнома асосида, қолган бир ёки икки нафари мактабга қатнайдиган оилаларнинг сарф-харажатлари нечоғли оғир эканлигини ҳис қиламан. Нима қилиш керак?

Тўғри, болаларни олий маълумотли қилиш ҳамма ота-онанинг орзуси. Лекин бунга иқтисодий қудратимиз етадими? Болаларни ўқитиш билан боғлиқ харажатлар ҳар қандай оила бюджетига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Айтиш жоизки, бир қатор ташкилотлар ишчи-ходимларининг транспорт харажатларини қоплашга ҳаракат қилади. Лекин бунга қурби етмайдиган ташкилотлар ҳам оз эмасда.

Бу гапларни ёзғириб айтаётганимнинг боиси, мактаб ўқувчиларининг жамоат транспортида ўқишга бепул қатнашлари учун шароит яратиш пайти етмадимикан? Излаган имкон топади, дейдилар-ку! Ватанимизнинг эртанги куни бўлган ёш авлоднинг камолоти учун қанчалик замин яратсак, ҳаётимизнинг пойдевори ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

Насриддин БОТИРОВ

САВОЛЛАР

Хаёл худонинг энг улуғ марҳаматидир.
ГЁТЕ

Инсон-икки қутб

Кеча ким эдингу, бугун кимсан?! Тўғрисини айт, ўтган кунларни унутиб бахтли бўлмоқчимисан? О, хотиралар... Улардан воз кечиш шунчалар осонми? Унутиш шартми? Шу билан ўзингни бахтли ҳис қилмоқчимисан? Бахт нима ўзи?

У шу ерга келганда ўз-ўзига савол беришдан тўхтади. Чунки, у бахт нималигини билмасди. У фақат бир нарсани биларди, бир нарсага қаттиқ ишонарди, ана ўша нарсага эътиқод қўйганди. Мана шу нарса унинг орзуси эди. У шундай ўйлардики, мен кўраётган қора кунлар қанча қорароқ бўлса, бахт - ёп-ёруғ кунлар шунчалар нурлики, қуёшга тик қараш осон бўлмаганидек, ҳақиқий бахтга эришиш ҳам мушкул иш. Унинг ҳаётий фалсафаси мана шу икки қутбдан иборат эди...

* * *

-Қанча бетгачопар бўлманг, барибир яхши одамсиз, тўғрироғи яхши кадрсиз, ўз ишингизни яхши биласиз...

У раҳбарнинг бошқа гапларини эшитмади. Лекин қайсидир куч унинг оёқларини михлаб қўйганди шу лаҳзаларда. Хонасидан чиқиб кетолмади. Қулоқлари ўз ишини бажармаяпти. У юрагидаги ўзига ёқмаган қайсидир одатига шундай бўлиши кераклигини жаҳл билан тушунтирди. "Ҳа, шундай бўлиши керак. Аччиққина заҳарханда қилиб кулсин у, барибир гапларини эшитмайман. Эшитганга ўхшаб туриб ҳам эшитмайман. У ўлгунча. Бошқаларни алдаганими майлику-я, бироқ, ўзини-ўзи алдаб яшашини қандай тушуниш мумкин? Ахир ҳаётдаги ҳамма фалокатлар одамнинг ўзини-ўзи алдаб яшашидан бошланади-ку! Бир қарашда бир одамнинг маънавиятидаги бундай туғма дангасалик кўзга кўринмайдиган, арзимас камчиликдай туюлади. Бироқ одамларнинг кўз ўнгида йўқсуллигини намойиш қилишга фақат худо сийламаган бандаларгина журъат қилиши мумкин. Кейинги пайтда бундай одамлар кўпайиб қолди ён атрофимизда. Шахсий камчиликларимизни тан ололсак, бу айблардан қутулишнинг энг яхши йўли - уларни тангрининг туҳфаси деб тушунишдир. Кўп нарса ўзимизга боғлиқ-ку!

Ҳа, фақат кўпинча ўзимиздан узоқлашиб кетамиз. Юрагимизга ақл ўргатмоқчи бўламиз. Инсониятнинг энг катта хатоси мана шу. Яхши билан ёмоннинг фарқини ажратиш жуда қийин, жудаям қийин.Чунки, ҳеч ким ўзини ёмон одам деб ўйламайди. Ҳаёт шундай мураккабки, билмадим... Яхшиси ҳеч нарсани ўйламаслик керакка ўхшайди. Шундай қилишнинг иложи бўлганда эди... Йўқ, иложи йўқ! Лекин, гапирмасдан туриб, дилингизни оғритган одамни кўнглингиз тўлгунча жазолашингиз мумкин. Мен уни шундай жазолайман. Тушунса ҳам, тушунмаса ҳам..."

Шу хаёллар билан анча вақт ўтганини сезмай қолибди бечора. Эски телефоннинг хунуккина жиринглаши уни ҳушига келтирди. Бошлиқ аллақачон айтарини айтиб кетиб бўлган, у эса деразадан ташқарига - ёмғирнинг эзғилаб ёғишига қараганча турган жойида қотиб қолганди. Ўзининг кимлиги ёдига тушди, бир зумда умр йўлларидаги нурли ва нурсиз кунлар кўз ўнгидан ўта бошлади. Ям-яшил телефон ғингшиб-ғингшиб овозини ўчирди. Ҳамма нарса, ҳамма одамнинг ақлдорлиги билан яратилган нарсалар кўнгилга тегади. Кейинги пайтда ихтиро деб баҳоланаётган нарсаларнинг ҳаммаси одамнинг роҳат қилиб яшаши учун қулайлик яратишни кўзлайди. Негадир кунданкунга ана шундай кашфиётларнинг мевасини еганимиз сари яшаш осонлашиб эмас, қийинлашиб бораётганга ўхшайди. Кимга қанақа... билмадим... Хаёлпарастман, деб ўйлади у, ҳақиқий хаёлпараст. Шамоллаганга ўхшайди, бурнидан қуруқ сув келаяпти. Чўнтагидан рўмолчасини олмоқчи эди, ғижимланиб кетган юз сўмлик пул полга тушди. Шундан бошқа бирор сўм йўқ киссасида. Қорни ҳам очиққанга ўхшайди. Битта нон беради шу пулга ёки битта газета олиши мумкин, агар уйига пиёда кетса. Аксинча бўлса, йўл кирага тўланади бу пул. Уйгача тўрт чақиримлик йўл, бунинг устига ёмғир ёғаяпти... Кўчага чиқиб ҳам шу ғижимланиб кетган пул ҳақида ўйлади. Бекатдаги автобус кутаётган одамлар орасига бориб қўшилдиямки, хаёлларини йиғиштиролмади. Агар шу пулига анави одам мақтаётган лаҳзалик лотереяни олса,

АЁЛНИНГ РАВНАҚИ

Жамият мураккаб ижтимоий тизим. Унинг мураккаблиги нафақат уни ташкил этувчи унсурлар: шахс, ижтимоий гуруҳ, институт, тузилма, фаолият, жараён ва муносабатларнинг хилма-хиллигида, балки мазкур элементларни ўзининг узлуксиз ўзгариб янада мураккаблашиб боришида ҳамдир. Жамият ва уни ташкил этувчи соҳаларни ўрганишдан мақсад улар фаолиятидаги номувофиқлик ва тараққиётга тўсқинлик қилувчи зиддиятларни камайтириш ва мутаносибликларни кучайтириш учун илмий асослар яратишдир.

Тарихий тараққиётнинг кейинги даврларида улар мақоми тенг бўлмай, эркаклар фойдасига ҳал этилган. Ҳали-ҳануз бу тенгсизлик тўла тугатилган эмас.

Аввалги даврларда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мақоми масаласида гап кетса бу гуруҳга нописандлик билан баҳо бериш, уларнинг тенгсизлиги ва қарамлик ҳолатини оқлаш, ҳеч бўлмаса хаспўшлаш етакчилик қилган. Ҳозир хотин-қизлар тенгсизлиги ва қарамлиги масаласини ечишга фаол интилиш бор. Бу масаланинг ечимига ёндашув-лар турлича.

Бу ёндашувларда хотин-қизлар ҳаётига оид муаммоларнинг ўртага ташланиши ижобий аҳамиятга эга. Зеро, хотин-қизлар қарамлигини бартараф этмай, уларнинг жамиятдаги фаоллигини оширмай туриб ижтимоий ривожланишни таъминлаш мушкул. Аммо бу нарсаларни тор манфаатлар билан боғлаб, тарихий реалликни ҳисобга олмай ўрганиш унинг ечимини чигаллаштиради, кишилар-ни чалғитади. Масалан, бе-ғараз деса бўладиган диний ёндашувни олайлик. Бунда хотин-қизларга нисбатан муносабатларни инсоний-лаштиришга, зўравонлик қилишдан тийилишга даъват марказий ўринни эгаллайди. Аммо масаланинг ечимини таъминловчи аниқ дастур мавжуд эмас.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги қарам ҳолатига жамоатчилик эътиборини қаратувчи ва уни бартараф этиш моделларини илгари сурувчи фенимистик ёндашув кенг тарқалмоқда.

Булар ўтмиш асоратларини бирданига бартараф этилишини талаб этмоқдалар. Ваҳоланки, ҳар қандай масалани ўрганишга ва ечимига механик ёндашиш, тарихий илдизларини ва юзага келган вазиятни ҳисобга олмаслик популизмни юзага келтиради. Бу ташкилот ёки партия томонидан ҳокимият тизимида етакчи мавқега эришиш учун хотин-қизларнинг камситилиши масаласини ўртага ташлаб, жамоатчилик кўзига майдачуйда, кўпинча амалга ошириш реал бўлмаган ғояни илгари суриш тарзида намоён бўлади.

Фикримизча, хотин-қизларнинг ижтимоий аҳволи масаласига, айниқса, уларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлаш масаласига илмий-социологик ёндашиш манзарани аниқроқ ёритиш, муаммо ечимининг реал механизмларини аниқлаш имконини беради. Бу соҳада олдинга силжишлар мавжудлигини эътироф этмоқ лозим. Хусусан, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий аҳволини ўрганиш борасида «Ижтимоий фикр» Республика маркази ва унинг нашри «Ижтимоий фикр, инсон ҳуқуқлари» журналининг ахборот тўплаш, таҳлил қилиш ва оммалаштириш борасидаги ишлари таҳсинга лойиқ.

Зеро, ҳозир биз хотин-қизларнинг тенгсизлиги ҳали тўла тугатилмаган жамиятда яшаяпмиз. Биргина мисол, яъни ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида хотин-қизларнинг иштироки 65,7 фоизни, эркакларники эса 81,5 фоизни ташкил этиши буни исботлайди.

Демак, республикамиз ривожланишининг мазмун ва суръати нуқтаи назаридан мамлакатимизда тараққиётнинг ҳали ишга солинмаган ресурслари бор.

Страта нуқтаи назаридан яқин ўтмишда хотин-қизларнинг мулкдан, иқтисодий тадбиркорликдан бегоналаштирилгани уларнинг қарам ҳолатига замин бўлган. Улар оила-никоҳ институтида ҳам қарам ҳолда иштирок этган. Мулк эгаси бўлмагани учун мустақил иш тутиш имкони уларда бўлмаган. Уларнинг фаолият, соҳа ва шакллари чекланган.

Собиқ совет тузуми қонунларида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари эркакларники билан тенглаштирилган. Аммо амалда тенгсизлик янги миқёсларда намоён бўлган. Ўз тақдирларига оид сиёсий, ижтимоий ечимларни топишдан четлаштирилганлар. Хотин-қизларнинг тенгсизлиги аграр ўлкаларда янада яққолроқ кўзга ташланган. Энг кам иш ҳақи тўланадиган соҳалардагина хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этган.

Ўзбекистон хотин-қизларининг ўрни бошқа ўлкаларга қараганда яна ҳам ачинарли бўлган. Ўзбекистон аҳолиси-нинг туғилиш суръати юқори бўлганлигидан бола боқиш, оила учун қайғуриш асосан аёллар зиммасида бўлган. Буларнинг ҳаммаси хотин-қизларнинг эрга, жамиятга қарамлигини янада орттирган.

> *Хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ўрганиш масалалари*

Мустақиллик туфайли бу қарамликни бартараф этиш йўлида қатор тадбирларни амалга ошириш имконияти юзага келди. Аввало, бу муаммога кишиларнинг ёндашуви ўзгарди. Бу мавзуга биринчи навбатда Республика Президенти Ислом Каримов катта эътибор берди. Унинг ташаббуси ва ташкилотчилиги билан хотин-қизларнинг реал тенглигини амалга оширишга хизмат қиладиган ҳуқуқ ва эркинликлар тизими яратилди. Республика Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан хотин-қизлар тенгсизлигини бартараф этиш ва ижтимоий ҳимоялаш фаолли-гини ошириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Энди хотин-қизларни биосоциал гуруҳ сифатида ўрганишда бу тоифага мансуб шахс-индивидларнинг социал ҳатти-ҳаракати, қадриятлари, мақоми ва нуфузи, ижтимоий институт, жараён ва муносабатларда иштироки, ўз истиқболига қараши ва бу-лардаги ўзгаришларни ҳисобга олиш имконияти юзага келди. Ҳозирда оиланинг асосий функцияси — авлодлар давомийлигини сақлаш, соғлом фарзанд учун масъулият ортмоқда. Аёлларнинг фарзандли бўлиш масаласига муносабати ўзгармоқда.

Болаларда ҳозирги замон шахсига хос фазилатларни тарбиялаш, хусусан, тиришқоқлик, тадбиркорлик, фаоллик каби хислатларни уларда шакллантириш соҳасида фаоллик хотин-қизларда ортмоқда. Келгуси авлод ҳимоясида ўз ижтимоий мақомига эга бўлиш истаги ва унга эришиш кўникмаларини шакллантириш учун шароит яратишда хотин-қизлар жонбозлик қилмоқда.

Хуллас, хотин-қизлар қарамлигини бартараф этиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. «Бар-камол авлод учун», «Оила», «Она ва бола» каби дастурлар хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ўстиришга кўмаклашмоқда.

Ҳотам ГОЗИБОЕВ,
Чўлпон номидаги Андижон ДТПИ фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси

Қорасув шаҳрида Бурозия Исмоилова раҳбарлик қилаётган «АН-НУР» масъулияти чекланган жамият ишчилари республикамиз ички бозорини тўлдиришда ўзларини муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Корхонада 447 нафар ишчиларга барча шароитлар етарли. Улар ишчилар учун 3 турда махсус кийим бошлар ва бошқа 6 турда халқ истеъмол молларини ишлаб чиқармоқда. Бунда аҳоли талаб ва эҳтиёжлари ўрганилаётгани ютуқлаб олиш бўлмоқда,

Суратда: цех бошлиғи Манзурахон Қўлдашева ва тикувчилар.

Тоҳиржон Хамрақулов олган сурат.

Деҳқоннинг оғири енгил бўлмоқда

«Пахта банк» ўзининг барқарорлиги ва университетлигини амалда тасдиқлаган, мавжуд капитал маблағлар активлари ҳажми, молиявий операция доирасига кўра, республикамиздаги асосий банклардан ҳисобланади. Банкнинг йирик бўлимларидан бири бўлган Бухоро вилоят бошқармасининг Вобкент бўлими ҳам бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ўз мижозларига намунали хизмат кўрсатишни йўлга қўйган.

Ҳозирда банк 761 дан ортиқ жисмоний ва юридик шахслардан ташкил топган мижозларига эга. Булардан 201 тасини фермер ва 12 тасини ширкат хўжаликлари ташкил этади. Шунингдек, марказдан узоқда жойлашган ҳудудлардаги мижозларга қулайлик яратиш мақсадида банк ўзининг мини банкларини ташкил этган. Улар «Қаюм Муртазоев» ва «Хайрулло Ҳайитов» номли ширкат хўжаликларига жойлашган бўлиб, банк 2006 йилда «Охунбобоев» ширкат хўжалигида ҳам ўзининг ихтиёрида мини банкини очишни режалаштирган. Замонавий тўлов воситаси ҳисобланган «Пластик карточка» хизматларидан фойдаланиш учун ҳам банк етарли даражада қулайлик яратган. Банкнинг ўзида, савдо, аҳолига ёқилғи қуйиш шахобчаларида жами бўлиб еттита терминал фаолият кўрсатяпти.

Фермерликни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга. Ушбу масаланинг муваффақиятли ҳал этилиши, бевосита банк хизматига ҳам боғлиқ. Деҳқон ва фермер хўжаликларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда кичик бизнес субъектларини ривожлантириш учун 2005 йилнинг шу кунига қадар банк тўрт миллиардга яқин кредит ажратган.

Жорий йилнинг бошида «Нурбек Ёрмат» фермер хўжалиги эҳтиёжи учун зарур бўлган «Т-4 Алтай» русумли тракторлар сотиб олишга 28 миллион 500 минг сўм кредит берилган эди. Хўжалик ушбу маблағдан унумли фой-

> **АТ «Пахта банк» Бухоро вилоят Вобкент бўлимининг ибратли ишлари**

даланди. Ўз вақтида керакли техникаларни сотиб олди. Бу эса ўз-ўзидан хўжалик ишларининг юришишига олиб келди. Хўжалик бу йилги режани 120 фойиз қилиб бажарди.

«Муродали Султонович» фермер хўжалигига ҳам банк «Т-80» русумли трактор сотиб олиши учун учун 17 миллион сўм имтиёзли кредит ажратган эди. Хўжалик кредитлардан мақсадли фойдаланиб ҳисобланган фойизларни ўз вақтида тўлаб келмоқда. «Ўриной Мирзаева» фермер хўжалиги ҳам «ТТЗ-80» тракторини сотиб олиш учун банкнинг кредит ҳисобидан 17 миллион сўм маблағ олди. Натижа ёмон бўлмади. Хўжалик бу йилги мавсумда йиллик режани 165 фойиз қилиб бажаришга эришди.

Шунингдек, банк томонидан бюджет ҳисобидан бериладиган иш ҳақлари ҳам ўз вақтида ойма-ой тўланиб келинмоқда.

Албатта, банкка иш билан келаётган мижозларнинг талабига мувофиқ намунали хизмат кўрсатаётган ходимлар иши ҳам мақтовга лойиқ. Шу ерда беш йилдан буён раҳбар ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Ғайрат Неъматов, кредит бўлими бош мутахассиси Амина Азимова, хазина мудири Роила Қўзиевалар ўз ишининг устаси бўлиб кетган. Ёш ходимлардан оператор Бобур Рустамов, кредит бўлими мутахассиси Шаҳоб Насриллаевлар ишидан ҳам мижозлар миннатдор бўлишмоқда.

— Банкнинг асосий мижозлари деҳқонлар ҳисобланади. Деҳқоннинг ютуғи ўз-ўзидан банкнинг ютуғи. Масъулиятимиз ҳар қачонгидан ҳам кўра йиғим терим пайтида ошади, — дейди биз билан суҳбатда АТ «Пахта банк» Бухоро вилоят Вобкент бўлими бошлиғи Садриддин Шодиев. — Терилган пахта учун ҳар беш кунда тўғридан-тўғри шийпонларда ҳақ тўланди. Бу ҳолат, айниқса, фермерларнинг оғирини енгил қилди. Бу йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш учун банк томонидан тегирмончиларга бир миллиард сўмдан ортиқ нақд пул ажратилди. Ҳа, бу йил туман пахтакорларининг меҳнати эвазига далаларда ҳосил мўл бўлди.

Туман йиллик 35 минг тонна режани ортиғи билан — 43 минг тоннадан ошириб уддалади.

Биз АТ «Пахта банк»нинг Бухоро вилоят Вобкент бўлими томонидан қилинаётган эзгу ва хайрли ишлар кўламини янада кенгайтириш йўлида тузилаётган янги режалар билан танишдик ва бу мақсадларнинг амалга ошишида банк раҳбариятининг тажрибалари қўл келишига ишонч ҳосил қилдик.

М. РАҲМАТОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири

ОҚЛОВ ҲУКМИ МУҲИММИ? Ё ҚЎШИМЧА ТЕРГОВ?

Бугунги кунда суд жараёнида тортишув тамойили, яъни прокурор билан адвокат ҳуқуқларининг тенглиги таъминланмоқда. Мамлакат жиноий қонунчилигини эркинлаштириш юзасидан муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Суд ҳуқуқларини ислоҳ қилиш жараёнида прокуратура органларининг суд жараёнига аралашувини жиддий чеклашлар бўйича қонунчилик нормаларига зарур ўзгартиришлар киритилди.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, бу соҳада ҳали ечимини топмаган муаммолар борлигини инкор эта олмаймиз.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида судларга жиноят ишларини кўриб чиқиш якунлари бўйича айблов ҳукми чиқариш билан бирга, жиноят процессуал қонунларида белгиланган асослар мавжуд бўлганида оқлов ҳукми чиқаришлари белгиланган бўлса-да, бу борада суд амалиётлари қонун талаби даражасида эмас. Айрим ҳолларда, судлар томонидан жиноят ишларини мазмунан ҳал қилиб, асослар етарли бўлган тақдирда оқлов ҳукми чиқариш ўрнига, мансабдор органлар билан муносабатларни бузмаслик мақсадида, ўз хотиржамликларини афзал билиб, қатъиятсизликка йўл қўйилмоқда.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судлари томонидан 2005 йилнинг 9 ойи давомида қўшимча терговга қайтарилган жиноят ишларини таҳлил қилиш амалиётидан кўринадики, жиноят ишлари бўйича туман ва шаҳар судларида 2 та шахсга нисбатан қўшимча терговга қайтарилган жиноят ишлари тергов органларининг қарорлари билан реабилитация учун асосларга мувофиқ иш юритишдан тугатилган.

Мисол тариқасида кўрсатиш мумкинки, тергов органлари томонидан Сардоба туман, Пахтаобод деҳқон бозорига қарашли «Қўрғонтепа» мол бозорида назоратчи вазифасида ишлаган Сайдазим Джуманов мол бозорига кириш патталарини сотишдан тушган 251 минг 975 сўмни ўзлаштиришда айбланган. Жиноят ишини судда кўриш жараёнида дастлабки тергов органлари томонидан Джумановга «сизга ҳеч нарса бўлмайди» деб, алдаш йўли билан жиноят иши ҳужжатларига имзо қўйдириб, қонунга хилоф равишда тўпланган далиллар асосида айбланганлиги кўринса-да, оқлов ҳукми чиқариш ўрнига, жиноят ишлари бўйича Оқолтин туман суди 2005 йил 25 феврал кунги суд ажрими билан юқорида қайд этилган далилларни қўшимча тергов ўтказиш учун қайтариб юборган.

Мазкур жиноят иши Сардоба туман прокуратураси-нинг 2005 йил 6 майдаги қарори билан Джумановнинг қилмиши таркибида жиноят бўлмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддасининг 2-бандига асосан ҳаракатдан тўхтатилган.

Шу каби суд амалиётида мавжуд бўлган муаммолардан келиб чиқиб, суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг навбатдаги босқичларида суд томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш институтини ЖПКдан чиқариш фурсати етди деб ўйлаймиз. Шунда судлар томонидан асослар мавжуд бўлганида жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш ўрнига оқлов ҳукмлари чиқариш муқаррар бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳар бир адолатли ҳукм шахс ва жамият аъзоларининг суд идораларига нисбатан ишончини мустаҳкамлайди ва суднинг мустақиллигини таъминлайди.

Э.УСМОНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди судьяси

САМАРҚАНД МАШИНАСИ

Бир пайтлар ўлкамизда асосий транспорт воситаси Қўқон арава бўлган. Киноларда кўрганимиз-ғилдираги бесўнақай от-улов инсон ақл-заковати ихтироси сифатида асрлар оша беминнат хизмат кўрсатган. Унинг ҳаётимизда ҳамон ўзига хос ўрин эгаллаб келаётганини инкор этолмаймиз. Кейинчалик фойтун, ўзи юрар — «шайтон арава», «палатурка» ва замонига қараб янги-янги техника воситалари ихтиро этилди. Йигирманчи аср охирларига келиб Ўзбекистон йўлларида четдан олиб келинган енгил автомашиналар сафида Тико, Дамас, Нексия, Матиз номлари билан аталган ўз машиналаримиз ҳам пайдо бўлди. Мустақиллик меваси бўлмиш ўзбегим машиналари қисқа даврда-ниҳоят ўн йил ичида шуҳрат қозонди ва қатор мамлакатларга экспорт қилина бошлади.

Бугунги суҳбатимиз бу хусусда эмас. Ўтган даврда замонавий автомашиналар сиру саноатларини мукаммал эгаллаб олган ёшларимиз эришаётган ютуқлар ҳақида гапирмоқчимиз. Кечагина фақат Россияда ишлаб чиқарилган техника воситаларини таъмирлаб келган ўзбек йигитлари бугун автомобилсозлиги ривожланган мамлакатлар мутахассислари билан бемалол беллашмоқда-ки, бундан фақат қувонмоқ керак.

Фикримиз далили сифатида айтиб ўтмоқчимизки, Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари уюшмаси «Ўзавтотеххизмат» акциядорлик бирлашмаси «Самарқандавтотеххизмат» акциядорлик ҳудудий уюшмаси жамоаси Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган «Усто-2005» Республика кўрик танловида муваффақиятли иштирок этишди. Хўш, республиканинг барча вилоятларидаги ҳудудий уюшмалар қўли гул усталари қатнашган беллашувда самарқандликларнинг ғолиблар сафидан ўрин олишида қандай омиллар пойдевор бўлди?

Ушбу саволга жавоб бериш учун корхона босиб ўтган йўлга назар ташлашга, бугунги тажриба мактаби шаклланишининг шонли йўлига эътибор қаратишга тўғри келади. Бу хусусда корхона бош муҳандиси Шароф Пардаев қуйидагиларни гапириб берди:

— «Самарқандавтотеххизмат» акционерлик ҳудудий уюшмаси номи билан тубдан янгича, ихтисослашган, яъни «UZ DAEWOO AVTO» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган енгил автомашиналарга техник хизмат кўрсатаётган корхонамиз аслида салкам қирқ йиллик тажрибага эга. Устахона 1996 йилдан бошлаб фақат Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган «Тико», «Дамас»,

> *«Самарқанд Автотеххизмат»да ишлар қалай?*

«Нексия», «Матиз» русумли енгил автомашиналарга барча турдаги техник хизмат кўрсатиш билан шуғуллана бошлади. Айни пайтда ҳудудий уюшмамиз автомашиналарни Андижондан олиб келиш, сақлаш, сотиш, расмийлаштириш билан ҳам шуғулланмоқдаки, бу мижозларга катта қулайликлар туғдирмоқда.

Иқтидорли йигитларимиздан уч нафарини ҳамкорларимиз юрти-Жанубий Кореяга ўқишга юбордик. Улар малака ошириб келишгач, бу ерда шогирдлар тайёрлаш билан жиддий шуғулланишди. Бугун 24 нафар билимдон инженер-техник ходим, 91 нафар мутахассис чилангарлар меҳнат қилаётган жамоамизнинг нуфузли кўрик танловларда қўли баланд келаётганига шубҳаланмаса ҳам бўлади.

Дарҳақиқат, бош муҳандис айтганидек, жамоада интилувчан ёшлар кўплиги боис хизмат кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Корхонада автоуловларга экологик жиҳатдан қулай бўлган табиий газдан фойдаланиш қурилмаларини ўрнатиш ҳам йўлга қўйилди. Таъмирда мукаммалликка интилинаётгани боис махсус устахоналар кенгайтирилиб, таъмирлаш-комиллаштирилмоқда. Бош устахона тўлиқ Корея технологияси билан жиҳозланган.

— «UZ DAEWOO AVTO» қўшма корхонаси ташкил этилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан фаолиятимизда қувончли ўзгаришлар бўлмоқда, — дейди «Самарқандавтотеххизмат» акционерлик ҳудудий уюшмаси раиси Акбар Ахтамов. — Қўшма корхона махсус лойиҳаси асосида шаҳримиз марказида бетакрор кўриниш-даги намойиш ва махсус таъмир биноси қурилади-ган бўлди. Ер ажратилиб, ташкилий ишлар бошлаб юборилди. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад халқимизга кўрсатилаётган хизматни янада юқори поғонага кўтариш, Ўзбекистон автомобилсозлари ютуқлари билан қизиқувчиларни кенгроқ таништириб боришдан иборатдир. Уюшмамиз томонидан вилоятимиз аҳлига ўтган 2004 йилда 843 дона автомашина сотган бўлсак, ушбу йилнинг ўтган давр-ида 845 та сотишга эришдик. Тижорат банклари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, аҳолига автомашиналарни кредитга сотишни ҳам йўлга қўйганмиз.

Корхонада кўпчилиги ёшлардан иборат бўлган усталар аввалгиларга асло ўхшамайди. Эндигина шогирдликка келганлари ўрганишга ташна, қўли келиб қолганлари ғайратли, таж-риба орттирганлари эса аллақачон ёнига шогирд олган. Бу ерда ўз корхонаси шаъни учун бирдай қайғуришади.

Энди, билдираётган фикрларимизга номутаносиб бир рақамни келтирсак. Жорий йилнинг ўтган даврида 50 нафар уста ўз аризаси билан жамоадан кетган. Бунинг сабабини билган ва билмаганлар турлича изоҳлайдилар. Биз эса шунга амин бўлдикки, бу ерга ишга келганлар қисқа йилларда малакали уста бўлиб етишмоқда. Табиийки, энди улар мустақил ишлашни, ўз корхоналари бўлишини исташади. Бу эса бозор шароити тақозоси. Тадбиркорларни ҳурмат қила оладиган бошқарув аъзолари аввалгиларга оқ йўл тилашади, холос. Ана шу маънода бу даргоҳ ўзига хос мактаб вазифасини ҳам ўтамоқда.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Миллий тикланиш» Самарқанд вилояти мухбири.

ИСКАНЖАСИДА

миллионер бўлиши мумкин эмиш. Ҳар ким ўз молини мақтайди. Ҳаёт бозорга ўхшайди. Одамлар эса мақтовга ўч харидорлар. Балки шунинг учун одам боласи ақлини таниганидан бошлаб, умрининг охиригача чўнтагини қаппайтиришни ўйлар. Ахир ҳаёт бозор-ку! Яна... яна умр савдоси деган гаплар ҳам бор. Бошқаларга қандай билмадиму, лекин бу савдо ғирром бўлса ёмон, жуда ёмон. Совчилар... улар элчилар эмас, даллоллар! Уғил-қизнинг кўнглига қараб ўтиришмайди, ҳамма оиладаям, ёшлар ниманиям билишарди... Куёв томон - харидорларга энг арзон, лекин сифатли мол керак. Иложи бўлса қишнинг совуғига, ёзнинг иссиғига дош берадиган оёқ кийим керак уларга. Келин томон - сотувчилар ҳам анойи эмас, ялаб-юлқаб катта қилган арзандаларидан ерда қолибдими? Қалин пулининг қатлами қанча қалин бўлса, шунча яхши. Пули куйган қалампир чайнасаям, фалон пулга сотиб олган нарсасини оёқ ости қилиб қўймас! Ана сизга ҳаёт! Тўй нима? Тантанами у, балки байрамдир умрда бир марта бўладиган? Байрам бўлмаса, кимга, нимага шунча пулни кўкка совуриб харажат қиладилар? Байрам дегани йиғиб-териб, емай-ичмай, топган-тутганини, тишининг ковагида авайлаб-асраб юрганларини бир кунда ямламай ютиш-ку! Еб-ичиб... яшаш учун яралмаганми бу дунё?! Камбағалнинг бир кун тўйгани, борини дастурхонга қўйгани байрам. А, нима бўпти, пул қўлнинг кири-да... Лекин шу қўлнинг кирини ҳамма вақт ҳам тоза сув билан ювмаяпмиз-да...

Негадир шу кеча ухлаб, кўрган ёмон туши эсига тушди. Агар анови садақа тиланаётган, ёши ўзи қатори гадойга садақага шу ғижимланган пулни берса, ҳамма ташвишдан қутулади. У шундай қилди. Одатда иримсиримларни унчалик хуш кўрмасди-ку, лекин янги туғилаётган асари, ўзида бўлаётган ўзгаришлар уни шундай қилишга ундади. Юз сўм пул - арзимас нарса ҳақида хаёл суриш илҳом париларини ранжитиб қўйиши турган гап. Кўпинча шундай бўлади. Йўқ, йўқ ҳамма одамларда шундай... шундай бўлишига ҳам ишонаман. Кўпинча қорин ғамидан қутулолмаслигимиз, турмуш ташвишлари оёғимизни кўзга кўринмас чилвир иплар билан ўраб олиши бизни яхши ишлар қилишдан бебаҳра қилади. Одамзотнинг қўлидан кўп иш келади, унинг ақли ҳар нарсага қодир. Фақат одамлар ўзларининг руҳий олами билан яшаш қанчалик завқли эканлигини ҳамма вақт ҳам тушунавермайди. Балки шунинг учун ҳам кўпчилик одамлар арзимас муаммоларни ҳал қилишда ожизлик қилишар. Улар шундай вақтда бафуржа ўйлашдан кўрқишади. Одамларнинг ёрдамига таяниб, ташвишларини янаям кўпайтиришади. Нималар деяпман ўзи? Ўзимни ўзимга ақлдор қилиб кўрсатмоқчиманми?

Агар ҳозир анави раҳбаримга кўнглимдаги гапларни айтиб берсам, устимдан масза қилиб кулган бўларди. Унга яхши кадр керак, лекин ўша яхши кадрга яхшигина муомала қилолмайди. Мен фақат пул топиш илинжида ишлаганимда балки у билан тил топишиб кетган бўлармидим... Уни фақат пул қизиқтиради. Аёл киши бўлганим учун боя озроқ ширин гапирди. Кайфияти яхши шекилли. Нимадан хурсанд, балки ёғлироқ жой топилгандир, чўнтагининг қаппайишидан умидвор. Тўхта, нега у ҳақда бунчалар кўп ўйлаяпман. Унга ўхшаганлар учун ўзимча қайғураяпман. Сабабини билганимда эди. Бирам ғалатиманки, ўзимга ўзим тушунолмайман. Ҳозир ҳам нималар деб валдираяпман ўзи... ҳаддан ташқари эзмаман, балки шунинг учун умрим ёлғизликда ўтаётгандир. Нега мен бошқаларга ўхшамайман? Нимага? Буни ўзим ҳам билмайман. Аёл кишини ўттизга кирса, ўтин бўлади, дейишади. Бир яримта ўттиз ёшни кўрибман...

У пичирлаб таниш сатрларни такрорлади:

Умримни ўткинчи
сабога бердим,
Энг сўнгги чақамни
гадога бердим,
Бу телба руҳимни
Худога бердим,
Сабо елиб борди,
гадога берди,
Гадо йиғиб борди,
Худога берди,
Худо мени сенга хатога
берди,
Сен мени кимларга
бердинг, Азизим?

Гулбаҳор
ОРТИҚХЎЖАЕВА



КУЗ НЕЪМАТИ

Анорни жаннат меваси деб бекорга айтишмайди. Азалдан халқ табиблари шифобахш хусусиятлари кўплигидан анорнинг гулидан пўстлоғигача даво, деб фойдаланишган.

Анорнинг янги узилган мевасида 20 фоизгача шакар, лимон кислотаси, B1, B2, B, C витаминлари ва бошқа инсон саломатлиги учун фойдали моддалар борлиги аниқланган. Милклар бўшашиб кетганда анор гулини туйиб, ҳар куни милкларга босиш тавсия этилади. Милкдан қон кетганда эса, анор пўстлоғи, уруғининг дамламаси билан ғарғара қилиш фойда беради. Йиқилиш ёки бошқа бирор сабаб туфайли шикастланиш оқибатида танада пайдо бўлган шишларни даволашда ҳам анордан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун анорнинг янги ҳосили мевасининг пўстлоғи билан гулини тенг миқдорда олиб, озгина қайноқ сувда дамланади. Бу дамламани матога шимдириб, шишларга қўйилади. Унинг таъсири кучли бўлгани учун шишларни тортиб олади.

Анорнинг пўстлоғи ич кетишига қарши яхши даво бўла олади. Бунинг учун 50 грамм анор пўстлоғини ярим литр сувда 20 минут қайнатиб, бироз тиндириб қўйилади ва доқада сузиб олинади. Уни бемор тузалгунича ҳар куни овқатдан олдин истеъмол қилиши керак. Анорнинг гулидан бир сиқим олиниб, чойнакда аччиқ қилиб дамланади. Ундан кунига уч маҳал овқатдан олдин ичилади. Бу дамлама ошқозон ва ичак яраларининг тез фурсат ичида асоратсиз битишига ёрдам беради. Ичакдан қон кетиш ҳолларида ҳам анорнинг гули ёки пўстлоғи майдалаб дамланади ва дамлама вақти-вақти билан ичиб турилади. Қанд касаллигига чалинган беморларга анор мевасидан сиқиб олинган шарбатдан ичириш тавсия этилади. Соғлом одам ҳам пишиқчилик мавсумида бу шифобахш неъматдан баҳра олиб тургани яхши экан.

ФАРИШТА

«Қўш устуннинг бири» туркумидан

Ёши улуғларни биласиз — қуш уйқу бўлишади. Ҳаммадан кеч ётиб, ҳаммадан барвақт туришади.

Онам ҳам шунга одатланганди. Юз—қўлини ювгач, биринчи иши ҳовлимиз пештоқидаги чироқни ёқишу темир дарвозамизни ланг очиб қўйиш бўларди. Бу юмушни ҳеч қачон бизга буюрмасди, қишин—ёзин — доимо ўзи бажарарди. Мен унинг кам уйқулигини кексаликка йўярдим. Тонг қоронғусида туртиниб—суртиниб дарвоза очишларини кўп йиллик кўникма ҳисоблардим. Сабабиниям сўрамасдим. Аммо бир гал...

Талаба эдим. Дорилфунунда ўқирдим. Қишки синовларни топшириб, таътилга чиққандим. Кечқурунок қишлоққа жўнаворгандим.

Эртаси ўйлаганимдек бўлди. Онам мени одатдагидай хўроз қичқирмасдан уйғотди. Сўнгра юпунгина кийиниб, ташқарига чиқиб кетди. Ҳаял ўтмай нимқоронғи хона шифтида шуъла ўйнади — ҳовлида чироқ ёнди. Кетма—кет қулоғимга муштдайлигимдан таниш садо — дарвозамизнинг даранг—дурунги эшитилди. Эринибгина иссиқ ўрнимдан қўзғалдим. Ҳузур қилиб керишгач, даҳлизга ўтдим. Онам илиқ сув тўлдириб қўйган обдастани кўтариб, бурчакдаги дастшуга яқинлашдим.

Артиниб—таранаётган маҳалим эшик ғижирлади—ю, ичкарига олдин этни жунжиктирувчи муздай тиниқ ҳаво ёпирилди. Кейин уст—боши қор, ранг—рўйи ўчинқираган алфозда онам кириб келди. Пойгакда калишини ечаётиб, алланечук иҳрагандай бўлди. Илкис ҳушёр тортдим. Синчков разм солиб, чўчиб тушдим: у чап қўли билан ўнг қўлининг бош бармоғини маҳкам ушлаб олганди. Кафтлари орасидан қон сизиб турарди.

—Нима қилди, опа? — сочиқни елкамга ташларканман, ҳадик аралаш унга юзландим. — Тинчликми?

—Э—э, ўлсин... — онам жавоб бергиси келмагандай, паришон ҳолда юзини буриштирди. — Сувинг қолган бўлса, озгина қуйвор, — дея титроқ қўлларини дастшу узра чўзди.

Қарасам, жароҳати жиддий: бошмалдоғининг тирноғи кўчиб кетибди. Сал тегинса, узилиб тушгудай аранг осилиб турибди. Хавотирим баттар ошди:

—Нима бўлди, бундоқ гапирсангиз—чи, ахир!

Ўзимам сездим, бу сафар овозим бир баҳя баланд — зардалироқ чиқди.

—Ҳеч нарса, — онам гапим оҳангига парво қилмади. Қаддини ростлаб, отамнинг якка михга илинган эски белбоғига ишора қилди. — Анави рўмолни бу ёққа ол—чи!

Тушундим. Дарров белбоғ четидан бир парчасини узунасига йиртиб, ярасини боғлашга тутиндим.

—Бу шамол ўлгур яна эски нағмасини бошлади, кечаси билан тиним билмай, увиллаб чиқди, — онам ҳаммасига худди ўзи айбдордай оҳиста тилга кирди. — Дарвозанинг тагига қор тўпланиб, музлаб қопти. Тортсам, очилмади. Қаттиқроқ силкитувдим, оёғим тойиб кетди. Йиқилаётганимда, дарвозанинг табақаси қўлимни қисиб қолди.

У шундай дея ярадор бармоғини латта устидан авайлаб силаб қўйди. Оғриди шекилли, серажин юзи боягидек изтиробли буришиб кетди. Азбаройи ачинганимдан тағин саволга тутдим:

—Ҳеч тушунмайман, шу изғиринда дилдираб дарвоза очиб сизга нима азоб? Уйимиз қишлоқнинг энг чеккасида бўлса, азон палла биров йўқлаб келармиди?..

—Ундай дема! — онам сўзимни чўрт кесди. Юзимга қараб туриб, аста бош чайқади. — Унақа демагин, болам, — деди қаттиқ шивирлаган куйи такрорлаб. — Одам келмаса, фаришталар келади—ку.

—Ким? — яхши англамай сўрадим.

—Фаришталар!

У бошқа сўз айтмади. Секин ортига ўгирилиб, хонаси томон юрди. Совиб қолган печка олдига бориб, пастга энгашди. Соғ қўлига оташкурак олиб, қопқоқни кўтарди. Кул босган тошкўмир чўғини титкилаб, устига тараша қалагач, гапида давом этди.

—Саҳар чоғи дарвозасини очган одам савобга қолади. Уйига фаришталар кириб, ризқ—насиба улашади.

У «Уқдингми?» дегандай, менга саволомуз назар ташлади. Жовдираб боқишини кўриб, ўзимни босолмадим. Томорқамиз девор билан ўралмаганини, адоғи далага туташганлигини эслаб, кулиб юбордим.

—Қизиқмисиз, опа, — дедим ўзимча ҳазил қилиб. — Фаришталар кираман деса, ана, ҳовлимизнинг чор тарафи очиқ. Ариқдан у ёғи кенг дала. Ёки фаришталар фақат дарвозадан кирадими? Бирор жойга шунақа деб ёзиб қўйганми?

—Билмасам... — онам пешонасига тушиб қолган бир тутам оппоқ сочини рўмоли остига қистираркан, оғир сўлиш олди. Ловуллай бошлаган алангага маъюс термулганча жим қолди. — Менга отанг шунақа деган—да, — унинг овози янада майинлашди. — Ҳарқалай, отанг эскичадан яхши хабардор. Бир нимани билмаса, бекордан—бекорга гапирмайди. Эрталабки насиба қутлуғ бўлади. Бунга шак келтирма, нақ Худонинг қаҳри келади—я... Яхшиси, ўтириб нонуштангни қил. Ҳозир чой қайнайди.

У печка устидаги биғиллай бошлаган қумғонга имо қилиб, оёққа турди. Токчадаги чойнак—пиёлаларни олиб, даҳлизга чиқди.

Онам отамнинг ҳар бир сўзини ўзи учун қонун деб билади. Канда қилмай адо этади. Эсимни танибманки, бизни ҳам шунга ундайди.

Индамайгина хонтахта ёнига чўкдим...

Вақт — югурик сув, умр — оқар дарё экан! Туғилиш бор жойда ўлим ҳам бор экан! Бу тақдири азалга кўникмай, пешонада борига шукур қилмай илож қанча? Мана, ўзимдан қиёс: қирчиллама ёшимда бошимга мусибат тушди. Соппа—соғ юрган онам бехосдан вафот этди. Куни кеча худойисини ўтказдик. Бугун навбатчилигим бор эди. Тонг отмай Тошкентга қайтишим, газета саҳифалангунча ишга етиб боришим шарт эди.

Афсус, онамнинг йўқлиги дарҳол билинди. Кўзимни очганимда, бомдод пайти бўлиб қолганди. Хаёли паришон отам намозини ўқишга ҳозирланаётганди. Шоша—пиша хайрлашдиму йўлга отландим. Бироқ...

Ҳовлига чиқсам, чироқ ўчиқ. Кўчага бурилсам, дарвоза ёпиқ. Дала томондан ҳазин—дилгир шабада елади. Ҳувиллаган кенг, қоронғи бостирма кўнгилга ваҳм солади. Нотаниш манзарага гувоҳ бўлиб, ич—ичимдан зил кетдим: ахир, онам ҳаётлигида лоақал бирор марта шунақа бўлганмиди? Чироқ ёқилмай, дарвозамиз очилмай қолганмиди?.. Йўқ!.. Энди—чи?.. Наҳотки... наҳотки, фаришталар ҳовлимизни тарк этишган, бизникига кирмай қўйишган бўлса?..

Ўпкам тўлиб, бўғзимга нимадир қадалди. Беихтиёр деворни пайпаслаб, ток улагични топдим. Чироқни ёққач, шаҳд билан дарвоза сари юрдим. Бориб, бир—варакайига иккала табақасини ҳам ланг очиб юбордим.

Ажаб, худди шу лаҳза гўёки мўъжиза рўй берди. Назаримда, онам бўсағада хокисоргина бўлиб, мамнун жилмайиб тургандай, ҳовлимизга чор тарафдан нур ёғилаётгандай туюлди. Билсам, ҳар тонг—саҳар фаришталарга эшик очадиган, уларни ҳаммадан аввал қарши оладиган онамнинг ўзи фариштадай беозор, фариштадай юмшоқ аёл экан. Мен нодон, ҳу ўша талабалик кезларим унинг мулойимлигини соддалик йўйган, ноўрин кулгим билан билиб—билмай кўнглини ранжитган эканман.

Абдунаби ХАЙДАРОВ



Мен ҳам катта бўламан!

САДОҚАТДА КЕЧГАН УМР

> ***Ғарибдурман, ғарибларнинг ғариби,***
> ***Кўзим ёши— тегирмоннинг ариғи.***
> **(Халқ қўшиқларидан)**

Яқинда тиббиёт фанлари номзоди Ўроқхон (Рафиъиддинхон) ҳожининг «Мовароуннаҳр» нашриётида «Ибратли ҳаёт гулшани» номли китоби нашрдан чиқди. Китоб муаллифнинг отаси Нарзуллахон эшон — Ғарибий домла ҳақидаги хотиралардан иборат. Айни пайтда китобдан замондошлари хотираси ва ижодидан намуналар ҳам жой олган. Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти олимлар ҳайъати чоп этишга тавсия этган мазкур асарни камина нашрга тайёрладим ва унга филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул масъул муҳаррирлик қилди. Хўш, Ғарибий тахаллусли шахс, ориф ва яхшигина шоир бўлган табаррук зот ким ўзи, қаерда яшаб, ижод этган?

Тарих зарварақларига, ҳужжатларга мурожаат қилайлик. Нарзуллахон Эшон (Ғарибий, 1908—1986) ҳазратлари Самарқанднинг Хатирчи туманида туғилиб, Фориш туманининг Норвон қишлоғида яшаб ўтган бўлиб, умрининг аксар қисмини қувғинда ўтказган азиз инсон эди. У зот араб, форс ва ўзбек тилларида Ғарибий тахаллуси билан ижод қилган. У кишининг тахаллусларида ҳаёт тарзи акс этган, яъни ўз диёрида ғариб бўлиб, даҳрийлар исканжасидан қочиб юрган.

Алишер Навоийнинг «Насойим ул—муҳаббат» асарида келтирилишича, Абулҳасан Субайҳий (қ.с.)дан «Ғариб ким?» деб сўрашганда, қуйидаги жавобларни берган экан: Ғариб — ўз ватанида мусофир бўлган кишидир; ғариб — ўзига монанди бўлмаган киши; ғариб — ўзи кабилар билан суҳбат қурган киши. Ушбу таърифлар Ғарибий ҳаёти ва шахсиятига қайсидир маънода тааллуқли.

Ғарибий домла қол илмида мукаммал олим бўлиш билан бирга тасаввуф таълимотининг билимдони, йирик нақшбандия тариқати шайхи, юксак ҳол аҳли эканлиги эътироф этилган. Домла доим суннатга амал қилиб, ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоваддин Нақшбанд ва Хожа Аҳрори Валий каби комил инсонларнинг йўлини муносиб давом эттирган. Том маънода бу инсон улуғ зотларнинг илм, амал ва ихлос йўлидаги ворисларидан бўлганлар.

Мустақиллик шарофати билан Ғарибий домла каби зотларнинг бугунги кунда номларини эҳтиром билан эслай бошладик. Улар ҳақида, кўрган—билганларимизни ёзиб, ёшларга ибрат қилиб кўрсатмоқдамиз. Ғарибий домланинг ҳаётий фаолиятлари, гўзал сийратлари, намунали хулқлари қанчалик ибратли бўлса, у кишининг ёзиб қолдирган илмий, адабий ва маърифий асарлари ҳам шу қадар қимматли ва ҳикматлидир. Домла салоҳиятли шоир сифатида ғазал, мухаммас, мувашшаҳ, таърих, қитъа, рубоий каби жанрларда муваффақиятли ижод қилганлар. Айниқса, Жомий, Навоий ва Ҳазиний каби етук шоирлар ғазалларига боғлаган мухаммаслари нозик шоирона дид соҳиби эканликларидан далолат беради. Тавҳид ҳақидаги манзумалари, Усмон Ўшийнинг арабча «Омолий» қасидасини шеърий тилда маҳорат билан таржима қилганликлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Мазкур асарлар нашрга тайёрланиб тўлиқ ҳолда чоп этилиши режалаштирилган.

Ғарибий домланинг насиҳатнома руҳидаги шеърлари ҳам эътиборга эга. Бугунги ёш авлодни ҳалоллик ва диёнатга даъват қилишда бундай шеърларнинг таъсири самарали бўлиши мумкин.

Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ,
филология фанлари номзоди.

«ТЕАТР»НИНГ ЯНГИ СОНИДА

Ўқидингизми?

Журналнинг 5—сонини варақлар экансиз, театр санъати фидойиларининг ҳаёти, бугунги кундаги фаолияти ҳақида ёзилган қизиқарли мақолалар, маданият ва санъат янгиликлари сизни бефарқ қолдирмайди.

«Бир асар тарихи» рукнида таниқли драматург Баҳром Раҳмоновнинг «тегирмондан омон чиққан» «Юрак сирлари» комедиясининг тақдири ҳақида ўқийсиз. Эркин Усмоновнинг Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов билан уюштирган «Томошабин кўп, томоша керак...» номли қизиқарли суҳбати ҳам эътиборингизни тортади. Гавҳар Зокирова билан қилинган суҳбат эса журнал ўқувчиларини санъатнинг сеҳрли оламига олиб киради. «Буюк инсонлар ҳаёти» рукнида «Чаплиннинг мунгли табассуми» номли Чарли Чаплин ҳаётидан ҳикоя қилувчи лавҳалар билан танишишингиз мумкин. Матлуба Темур қизининг «Созандадан чиққан актёр» сарлавҳали таниқли санъаткор Равшан Солиҳов билан суҳбати ҳам ўзбек театри ҳаётидан ҳикоя қилади.

Бундан ташқари, журналнинг янги сонида бутун умрини санъатга бағишлаган Тошхўжа Хўжаев, Суръат Пўлатовлар ҳақидаги хотиралар, санъатшунос Муҳаббат Тўлахўжаеванинг режиссёр Баҳодир Йўлдошев ҳақидаги мақоласи билан ҳам танишасиз. Ўзбекистон халқ шоирлари Анвар Обиджон ҳамда Маҳмуд Тоировларнинг шеърлари, Константин Паустовскийнинг «Кекса ошпаз» номли ҳикоясини, санъатимиз юлдузлари Сойиб Хўжаев, Раззоқ Ҳамроевларнинг умр дафтарини безаган унутилмас дамлар, уларнинг маҳорат мактаби ҳақида ҳам ўқишингиз мумкин.

Х,СОДИҚОВ чизган сурат

КЎЗЛАР - КЎНГИЛ ОЙНАСИ

Ҳақиқатан ҳам шундай. Инсоннинг кўзида унинг қандай феъл—атворга эга эканлиги яққол намоён бўлади. Одамлар бир хил бўлмаганидек уларнинг кўзлари ҳам ҳар хилдир. Маъюс кўзлар, кулиб турувчи кўзлар, ўйнаб турувчи кўзлар... хуллас, санайверсак, адоғи йўқ. Келинг, яхшиси, биз ҳар куни учрашадиган кўзлар ҳақида озгина суҳбатлашайлик.

Суҳбатлашаётганда сизни тинглаб турган кишининг кўзларига эътибор берганмисиз? Суҳбатдошингизнинг сизга муносабатини у суҳбат давомида кўзингизга қанча узоқ қарай олиш—олмаслигидан ҳам билиб олса бўлади. Борди—ю, сиз билан гаплашаётганда у одамнинг кўзлари кўзларингиз билан кам тўқнашса, билаверингки, у сизни умуман эшитмаяпти. Балки, гапларингиз у киши учун қизиқарли бўлмаётгандир. Диққат билан нигоҳини сиздан узмай турган одам сизни жон дили билан тинглаяпти. Агар унинг нигоҳи чапдан пастга қаратилган бўлса, демак, суҳбатдошингиз ўз нутқига эътибор қаратяпти, ортиқча сўз айтиб юбормасликка ҳаракат қиляпти. Олдин эшитган гапини хотирасида тикламоқчи бўлаётган одамнинг нигоҳи эса одатда горизонтал бўйича чапга қаратилган бўлади. Агар у кўрган нарсасини эсламоқчи бўлса, унда нигоҳ чапдан юқорига қаратилган бўлади.

Нигоҳлар тилининг яна бошқа характерли жиҳатлари ҳам бор. Масалан, ўйлаб олишга тўғри келган пайтда кўзлар шундай қарайдики, тикилиб турган одамни ҳам кўрмай қолади, баъзан эса тепадан жавоб қидираётгандек осмонга қарайверади.

Дейлик, яқин дўстингизни хафа қилиб қўйдингиз, кейин ундан узр сўрадингиз. У сизни кечирганини ёки кечирмаганлигини билиш учун кўзларига қаранг. У сиздан кўзларини олиб қочяптими, демак, сизни буткул кечирмаган.

Кенг очилган кўзлар бўлаётган воқеаларни чуқур ҳис қилиш ва ақл билан ёндашишдан далолат. Бундан ташқари, бу ҳолат соддаликни ҳам билдиради.

Бежо кўзлар ёлғончилик, хоинлик ёки гуноҳкорлик белгисидир. Агар киши суҳбатдошидан кўзини олиб қочса, демак, бу ишончсизлик, камтарлик, журъатсизликдан далолат.

Қисилган кўзлар эгри нигоҳ билан қараш ёки бир оз айёрликни билдиради.

Қовоқлар билан бир оз ёпилган кўзлар эса бефарқлик, такаббурлик аломатидир.

Аслида инсонга берилган неъматлар ичида энг муқаддаси кўз ҳисобланади. У шундай сир—синоатли қилиб яратилганки, бу жумбоқли мўъжизанинг адоғига етиб бўлмайди.

З.ВАҲОБОВА тайёрлади

ҲУВАЙДОНИ АНГЛАШ

Ҳазрат Ҳожамназар Ҳувайдонинг 300 йиллигига

1998 йилнинг 30 декабрида (ўшанда мен уюшмада ишлардим) Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилоят бўлимига миқтигина, қорамағиздан келган киши кириб келди. Чимён ҳақида, Ҳувайдо ҳақида куюнчаклик билан гапириб, шоирнинг тўрт юзта ғазали жамланган девони тахт қилиб қўйилганлиги, лекин уни чоп этиш учун маблағ йўқлигидан ўкиниб, Тошкентга, Республика Ёзувчилар уюшмасига мурожаат қилинса, нафи бўлармикин, деган умидларини изҳор қилди.

Билсам, бу киши чимёнлик бўлиб, ҳазрат Ҳувайдонинг ҳақиқий мухлисларидан бири Акбарали ака Мадазимов экан. Асли касби ҳайдовчи бўлган бу инсон, хайрлашиш чоғида «Фарғона» нашриётида чоп этилган «Ҳувайдо қилди ишқ» ғазаллар тўпламини тақдим этди.

...Назаримда, мен Ҳувайдони танишни ана шу дақиқадан бошладим. Китоб анча хира қоғозга чоп қилинган бўлиб, дастлабки саҳифада шундай сўзлар битилган эди: «Мазкур рисола Ҳувайдо ҳазратларининг чимёнлик авлодларидан бири — Ўлмас Маҳсум Муқимиддин Маҳсум ўғли ҳомийлигида чоп этилди.»

Ўша дақиқада ҳали Ўлмас тоға Маҳсумовнинг қалб шижоатини, саховатини у қадар ҳис қилмаган эдим...

Бир—бир ғазаллар дунёсига кириб бордим. «Ҳувайдо қилди ишқ» ғазалига етиб келганимда, ҳазрат Ҳувайдо қудратининг ёруғ нурлари энди вужудга кириб, қалбимни ҳаяжонга солаётганини, нега бу улуғ ном халқимиз тилида уч юз йилки, таъзим билан ёд олинаётганининг сиру асрорини англашга киришаётгандай эдим.

> ***Ҳар нечук ўлғон кўнгилга келса эҳё қилди ишқ,***
> ***Жумлаи зурроти оламни Ҳувайдо қилди ишқ...***

Ишқ — шундай буюк! Ишқ — шундай қудратли! Агар у чашмадай кўз очса. Аллоҳ иноят ила кўнгилга ташриф буюрса, жисму жонни банди айласа... агар кўнгил ўлик бўлса, тирилади ва бу тирилган кўнгилда улуғ нур бино бўладики, у жумлаи жаҳонни мунаввар айлайди...

> ***Ҳувайдо дардини, эй, дўстлар, сиз тутмангиз осон,***
> ***Бир оҳи субҳи гоҳимдин замину осмон куйгай...***

Ҳувайдонинг замину осмонни куйдиргувчи оҳи недан эди? Дунёга оби азоб бўлгудай фарёднинг боиси не?

Ҳувайдо оламига интилганча, ўз саволларимга жавоблар излайман. Жавоб топсам, демакки, ҳазрат Ҳувайдони топурман...

Аллоҳга талпинган одам, албатта, унга олиб боргувчи йўлни топгай! Ҳувайдонинг ишқи ўз кўнглида илдиз отиб, барг ёзиб, гуллаб, ифор тараб, не бахтки, Аллоҳга туташди. Аллоҳга ошиқ бўлган банда икки дунёга ишқ тутадир. Унинг қалби фақат Аллоҳ дея ўз жонининг куйида, ҳузур—ҳаловати орзусида бўлиб, жаннатга интилаётгани йўқ! У Аллоҳнинг зарраларидан бино бўлган, қудрати, Мусаввирлиги, Нурлиги, Қодирлиги, Раззоқлиги... ва яъни юз бир исмининг сиру синоати жило бериб турган бу ёруғ дунёга, она—ерга, унинг халифаси — инсонга ошиқ бўлиб, кўнгилнинг неларга қодирлиги сари етиб бормоқда эди. Ишқи бор дилнинг Аллоҳи бордир. Аллоҳни таниган дилнинг ишқи бордир.

Ҳазрат Ҳувайдонинг ғазаллар тўпламини қўлга олган кунимдан бугунгача анча йиллар ўтди. Ғазалларини ўқиб, қалби инсоният ва Аллоҳ ишқи билан ёнган, бағри кабоб, гоҳ мажнуни ҳайрон, бирор нафаси шодлик билан ўтмаган, бағри тўла қон, нолаларидан замину осмон куйгувчи ҳассос шоир Ҳувайдони танидим ва топдим.

Бироқ оғиздан — оғизга кўчиб, неча асрларки эл тилида ва дилида яшаб келаётган ҳазрат Ҳувайдонинг пирлик қудратини ҳали тўла—тўкис идрок этолмасдим. Ҳувайдонинг илоҳий кучи ҳақида, ҳатто астойдилроқ ўйлаб кўрмаган эдим. Бунга сабаб, менимча, мен яшаган замон, илоҳий кучларни сафсата деб чалғитган давр сабабчи эди, деб ўйлайман.

...Ўзбекистон мустақил бўлди. Жамиятга Сўз, Виждон эркинлиги кириб келди. Энди кўнгил — эркин, қалб — эркин. Бобокалонларимизни танидик. Энди Аллоҳ ва унинг илоҳий қудрати, иймон ва унинг илоҳий нурлари, ғайб олами, унинг сиру синоатлари ҳақида китоблар бемалолик билан нашрдан чиқиб, одамлар уларни кўзларига суртиб, чанқоқлик билан ўқийдилар.

«Кўринадики, инсон Аллоҳнинг қудрат қабзаси қўлида бир ёй кабидир. Аллоҳ уни истаган ишида қўллайди. Шунга кўра ишларнинг муаллифи ёй эмас, балки Ҳақдир. Ёй эса бор—йўғи воситадир. Лекин дунёнинг ўзи қарор беришда Ҳақдан ғофилдир. «Мен кимнинг қўлидаман?» дея ўзидан хабар олган ёй нақадар буюк ва муқаддасдир. Қарори ва устуни ғафлат бўлган бу дунёга нима дейин?»

Маърифатнинг илк пирларидан бири — Жалолиддин Румийнинг ушбу куюниб айтган, бундан етти юз йил илгари ёзиб қолдирган улуғ ҳақиқат сирини эндигина ўқишга муяссар бўлдик ва уқа бошладик.

Ҳувайдо ўзини Ҳақ қўлидаги ёй эканини англаб етди. Англади—ю, қарори ва устуни ғафлат бўлган дунёни, ухлоқ одамларни уйғотмоқ илинжи ила тинмай афғон чекди.

Шоир Ҳувайдонинг пирлик кучи нимада эди? Бу савол жавобини ахтарар, бироқ бир шахснинг илоҳий куч—қудратини идрок этолмас, бу рукнга етолмас эдим. Шу чўққига уриниш бўлса керак, Чимён қишлоғи жойлашган Фарғона туманида ўн йилдан ортиқроқ ишлаган отам Деҳқонбой Отажонбой ўғлининг суҳбатлари қулоғимга чалинар эди.

—... Чимёнликлар Ҳувайдони ҳар куни гапиришади. Айтишларича, ҳамқишлоқлари ҳажга кетаётиб, Ҳувайдога:

—Ҳаж сафарига отланяпмиз. Биз билан борсангиз улуғ иш бўларди, — дейишар экан. Ҳувайдо эса:

—Майли, сизлар бориб туринглар—чи, — деб уларга фотиҳа бериб, оқ йўл тилаб қоларкан.

Ҳамқишлоқлари Маккатиллога боришса, Ҳувайдони ўша ерда кўришар экан. Ҳайрон бўлганча, қишлоққа қайтишса, Ҳувайдо яна уларни кутиб оларкан. Бу ҳолат Ҳувайдо ҳазратлари ҳар бир чимёнликнинг қалбида эканига ишора.

Чимёнда, одамлар тилида яна шундай ривоят бор. Ҳазрат ҳақ зикри билан банд, ўз хаёллари ила кетаётса, кимдир эрмаклаб устидан кулибди.

—Девона! — дея масхаралагандай бўлибди. Бу ҳол бир неча бор такрорланибди. Ҳазратнинг хиёл жаҳллари чиқиб:

—Ҳаҳ сани, девор урсанг, деворинг турмасин, — деганча кўнгиллари оғриб, ўтиб кетибдилар.

Ажабо, қарангки, уч аср ўтиб боряпти. Чимённинг ўша Чуқур кўчасидагилар ҳамон девор уришади. Ёзда ҳам, қишда ҳам қўллари лой. Бугун девор уришса, сал кун ўтмай йиқилади. Қаеридир нураб кетади. Кўринг, дил оғритган сўз жафосини.

Чимёнга қўшни бўлган Миндон қишлоғида яшовчилар гоҳ—гоҳ ғурурланиб:

—Ҳувайдо бобом бизни «Илоё бир донинг минг дон бўлсин» деб дуо қилган эканлар, — деб гапиришади.

Ҳақиқатан ҳам, миндонликлар бир дони минг дон бўлган, баракали, файзли — фариштали одамлар.

Миндон қишлоғининг ўз гузари, одамлари тўпланадиган жойи бўлиб, у ерда ҳовуз бор. Уни «Ҳувайдо пиримнинг ҳовузи» деб эъзозлашади.

Ривоят қилишларича, Ҳазрат Ҳувайдо тез—тез бу ерга чиқиб, ҳовуз бўйида ўтирар, баҳри диллари очилиб, ғазаллар ўқир эканлар. Бир куни ҳовуздаги бақалар шундай кетма—кет қуруллашибдики, ҳазратнинг хиёл жаҳллари чиқибди. Аччиқлангандек бўлиб, бақаларга амр этибдилар:

—Ё сизлар гапиринглар, ё мен гапирай!

Шу дақиқада ҳовузда шундай жимлик, шундай сукунат ҳукм сурибдики... Гўё ҳовуз ҳам, бақалар ҳам йўқдай...

Ҳувайдонинг пирикалонлик қудратини кўрингки, мана, орадан уч аср вақт ўтяпти, ҳали бу ҳовузда бақа қуриллаганини биров эшитмаган. Ёз кечалари қишлоқда бақалар шовқин—сурон солиб, қулоқларни батанг қилса, катталар болаларига буюрадилар:

—Ол ановини, Ҳувайдо пиримнинг ҳовузига иткитиб юбор...

Биргина ўша ҳовузнинг ўзи ҳам ҳазрат Ҳувайдонинг илоҳий кучига асрлар оша гувоҳлик бериб тургандай!

Мен ана шундай сўқмоқлар ила Ҳувайдонинг илоҳий кучини ҳис эта бошладим. Ҳувайдонинг ишқи — Аллоҳ! Интилган чўққиси — Аллоҳ! Демакки, имон бутунлиги йўлида машаққат чекиш! Нур — имондан тўкилур! Нур — ҳалоллик ва ростликда чақнар! Нур — адолатда аён бўлгусидир, деган ҳақиқатларни Ҳувайдо оламига интилганча, заррама — зарра англадим.

Матлуба ДЕҲҚОН қизи,
Фарғона

ХАЙРИЯ

Кеча «Миллий тикланиш» демократик партияси Фарғона вилояти Бағдод туман кенгаши бўлими, ХДП ва «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти билан биргаликда таниқли фотомухбир В.Молгачев хотирасига бағишланган хайрия маросими ўтказди.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси марказий кенгаши, партия фракцияси аъзолари Марказий кенгаш девони ходими Равшан Содиқовга волидаи муҳтарамаси

Сабоҳат онанинг

бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Milliy tiklanish

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Бош директор: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Раъно ЗАРИПОВА, Хайриниссо МИРЗАЖОНОВА, Шарифа САЛИМОВА, Абдунаби СИДДИҚОВ, Жаннат ТОШМАТОВА, Олим ЎСАРОВ, Мунира ҚОРИЕВА

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 125. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 1502. Сотувда эркин нархда

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА. Босишга топшириш вақти 20.00. Нашр кўрсаткичи — 158

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, 136-56-29, бўлим — 136-58-80, реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00